

ТАФАККУР ТУҲФАЛАРИ

МАХТУМҚУЛИ

ҲУКМАТЛАР



ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2013

УЎК 821.512.133

КБК 84(5Ў)1
М-32

Таржимон ва тузувчи:

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди

Махтумкули

М-32 Ҳикматлар [Матн] / Махтумкули. —
Тошкент: O'zbekiston, 2013. 248 б. —
(Тафаккур тухфалари).


Атоқли туркман сўз санъаткори ва мутафаккири Махтумкули барча туркий халқлар қатори ўзбек халқининг ҳам ўз шоирига айланиб кетган. Юртимизда Махтумкули номини билмайдиган ўзбек, унинг хассос шеър ва қўшиқлари кириб бормаган хонадон йўқ, десак муболаға қилмаган бўламиз.

Панду насиҳат, ҳикмат, халқ фалсафаси Махтумкули шеърларининг қат-қатига сингиб кетган — донишманд шоирнинг бирор-бир шеъри у ёки бу даражадаги ўғит-маслаҳат, теран ҳаётий хулосалар, фалсафий умумлашмалардан холи эмас. Мазкур тўплам ҳикматсевар халқимизга яна бир муносиб тухфа бўлади.

УЎК 821.512.133
КБК 84(5Ў)1

N1 31790
2

ISBN 978-9943-01-924-9



© "O'ZBEKISTON" НМИУ, 2013



УМРБОҚИЙ ҲИКМАТЛАР

Махтумқули ўзбек халқининг ўз шоирига айланиб кетган: унинг, хусусан, маънавий-ахлоқий мавзудаги теран панд-насихатга йўғрилган маънодор шеърлари кириб бормаган ўзбек хонадони йўқ, Махтумқули номини билмайдиган бирорта ўзбек топилмайди десак, муболаға қилмаган бўламиз. Махтумқули шеърлари ўзининг халқчил руҳи туфайли асрлар давомида халқ бахшилари, халфалари ва хофизлари томонидан қуйланиб, шоирларга илҳом бериб, адабий давралар ва шеърят кечалари, гап-гаштакларда ўқилиб келган. Ўзбекнинг бирор тўй-тантанаси йўқки, у Махтумқули қўшиқларисиз ўтса.

Албатта, Махтумқули ижоди кўплаб чашмалардан сув ичган: улар — Қуръони карим ва унга ёзилган тафсирлар, Ҳадиси шариф ва диний адабиётлар, тасаввуф фалсафаси ва шеъряти, Шарқ мумтоз сўз санъати ва халқ оғзаки ижоди. Шунинг учун шоир ижодида исломий мавзуларни ҳам, сўфиёна руҳни ҳам,

халқона оҳангларни ҳам, мумтоз адабиёт таъсирини ҳам кўрамиз — улар ўзаро омухта бўлиб, Махтумкули асарларининг юксак бадиияти, таъсирчанлиги ва умрбоқийлигини таъминлаган. Лекин панд-насихат ориф шоир шеърятининг бош йўналишини ташкил этади. Унинг у ёки бу даражада ҳаётий ҳикмат, фалсафий фикр-мушоҳада, халқона ўғитдан холи шеъри йўқ дейиш мумкин — бир мисрада бўлса ҳам, бирор ишора орқали бўлса ҳам қимматли бир фикрни баён этиб ўтади. И. Ҳаққуловнинг ёзишича, “туркий шеърят Махтумкули сиймосида ўзининг энг қадимий ғоявий-бадиий анъаналарини давом эттириб, ривожлантириб, оламда донолик ва донишмандлик нурларини сочди. “Ҳибат ул-хақойиқ”, “Қутадғу билиг”, Аҳмад Яссавий ва Алишер Навоий пандномаларидаги оҳанглар Махтумкули тажрибаларида янгилашиб, ҳаёт ва реал воқелик билан чуқур муносабатини топган йўналишларда умр кечирмоққа бошлаган эди”¹.

Махтумкули шеърларида халқона фалсафа кучли, панд-насихат етакчи — у кўрган-кечирганларини қаламга олиб, улар юзасидан хулосалар чиқаради. Бу фикрларнинг ҳикмат каби жаранглаши шундан:

*Ҳар йигитнинг аслин билай десангиз,
Даврада ўтириб-туришин кўринг.
Биров билан ошно бўлай десангиз,
Аввал ўз аҳдида туришин кўринг.*

¹ Ҳаққулов И. Шеърят — рухий муносабат. Тошкент, 1989. 100-бет.

* * *

*Қаноат қил, иззатда тут ўзингни,
Тама билан саргайтирма юзингни,
Ҳар номардга ҳайф айлама сўзингни,
Сўзингнинг биносин йиққанча бўлмас.*

Шоир мавзуни ҳаётдан олганидек, унинг ифодаси учун хизмат қиладиган тимсол ва ташбеҳларни ҳам кундалик турмушдан, ён атрофдан кидиради, ҳеч ким эътибор бермайдиган нарсалар воситасида ўз фикрини образли акс эттириб, гўзал ва таъсирчан ҳикмат яратади. Чунончи, қуйидаги тўртликда кўнгли қора кимсани кўмирга ўхшатади: кўмирга яқинлашсанг, қораси юққанидек, ичи қора билан юрсанг, касофати уради:

*Кўнгли қора билан бўлманглар улфат,
Юқар ундан турли-туман касофат,
Кўмирга ҳар қанча айласанг иззат,
Манглайга қораси юққанча бўлмас.*

Бир умр халқ ичида яшагани, халқ дарду ташвиши билан нафас олгани, ҳаётнинг бутун баланд-пастини кўргани, аччиқ-чучугини тотгани, инсон феълининг турфа турланиш-тусланишларини кузатгани, кишиларнинг ўзаро муносабатларига гувоҳ бўлгани, одам боласи табиатига хос фазилат ва иллатларни яхши ўргангани учун ҳам шоирнинг фикрлари ниҳоятда ҳаётӣй, сўзлари фавқулодда содда ва самимӣй, ташбеҳлари оҳорли ва табиӣй — у барчанинг ҳаёлида айланиб юрган, тилининг учида турган гапларни улар кутганидан ҳам

тўғри, аниқ, лўнда, кескин, гўзал ва таъсирчан бир йўсинда айта олганлиги учун ҳам каттаю кичикнинг бирдай эътирофига сазовор бўлиб, барча тоифа ва табақанинг севимли шоири бўлиб келмоқда. Асрлар кечса, замонлар алмашса-да ўз аҳамиятини сира йўқотмай, билъакс долзарблик касб этиб келаётгани бу ҳикматларнинг нафақат мазмунан теран, бадий баркамол, аини пайтда ҳаётга ҳамнафас эканлиги билан ҳам изоҳланади. Чиндан ҳам, то кишилиқ жамияти мавжуд бўлиб, инсонга хос туйғу-кечинмалар, орзу-интилишлар, фазилату иллатлар яшар экан, мутафаккир адибнинг мана бу қайроқи фикрлари ҳам яшашда давом этиб, бани башар маънавиятига хизмат қилаверади:

*Иқболнинг уйгонса, давлат ёр бўлса,
Тоққа тишинг урсанг, тошни синдирар.
Толеинг терс келса, бахтинг шўр бўлса,
Ҳатто юмшоқ ҳолва тишни синдирар.*

* * *

*Яхшилар ёнида юргил сен ўзинг,
Дур бўлсин доимо сўзлаган сўзинг,
Олимга ёндашсанг, очилар кўзинг,
Жоҳилга ёндашсанг, кўрдек бўларсан.*

Махтумқули халқ мақол-маталлари, ҳикматли сўзлари, образли ибораларини жуда яхши билган ва маҳорат билан уларни шеърлари қатига сингдириб юборган. Аини пайтда, ўзи ҳам содда, ихчам, лўнда, теран ҳикматлар яратдики, улар нафақат туркман, балки барча

туркий халқларнинг ҳикматли сўзлари хазина-
сидан жой олган:

Минг қайғу бир иш битирмас.

* * *

*Одам бор, ҳар қанча едирсанг оздир,
Одам борки, еган нониға етмас.*

* * *

*Тўқсон хил ош-овқат бўлса қошингда,
Лаззат йўқ, ичида туз ҳам бўлмаса.*

* * *

*Ёмон тил олдида заҳарли илон —
Чақса-да, бир чивин чаққанча бўлмас.*

Халқ тарихи, адабиёти ва ҳаётини чуқур билган бу донишманд инсон теран фикрларини халқона содда ва лўнда бир тарзда шеърӣ мисраларга тизади. Бу шеърлар халқ донолигининг ёрқин намунасидир. Махтумқули асарларининг умрбоқийлигини таъминлаган энг асосий омил худди шу.

Махтумқули шеърларида яхши ва ёмон, мард ва номард, ҳалол ва ҳаром, уруш ва тинчлик, дўст ва душман, иттифоқ ва адоват, оқил ва жоҳил, маърифат ва жаҳолат, савоб ва гуноҳ, ёшлик ва кексалик, шодлик ва қайғу, саҳийлик ва бахиллик, ботир ва кўрқоқ, ақл ва кўнгил, ҳавас ва ҳасад, одил ва золим, ҳақиқат ва ёлғон каби ўзаро зид тушунчалар кўп учрайди. Бир-бирига қарама-қарши қўйиш орқали у бу тушунчалар орасидаги тафовутни

ёрқин очиб беради, бирининг улуғлигию иккинчисининг тубанлигига эътиборни тортади, биридан юз ўгиришу иккинчисига юз буришга даъват этади:

*Таги паст ҳеч тузалмади,
Асл инсон бузилмади.*

* * *

*Яхши кунлар кўп бўлса ҳам гўё оз,
Ёмон кунлар оз бўлса ҳам ўтмас ҳеч.*

* * *

Йигитлик бўстондир, кексалик — хазон.

* * *

Эрта ошкор бугун яширин сирлар.

* * *

*Сабрсизнинг иши йитар,
Сабрлининг иши битар.*

Шоир, хусусан, кишиларни икки тоифага — мард ва номардга ажратади: унинг назарида мард — барча инсоний фазилатлар соҳиби, номард — ҳамма ёмон иллатлар тажасуми. Шунга мувофиқ, мардни кўплаб шеърларида улуғлагани ҳолда, номардни кескин қоралайди — иккисини икки қутбга қўйиб тасвирлайди:

*Юз номард жойини босмас бир марднинг,
Чекар ташвишини мард элу юртнинг.
Қилган қилигини кўринг номарднинг:
Жангми дея қочар туман учраса.*

Бу ерда мард сўзи ботир, довюрак; танти, олийжаноб; ватанпарвар, миллат фидойиси; чин инсон, номард эса пасткаш, ярамас; кўрқоқ, хоин; худбин маъноларида келган бўлса, қуйидаги мисраларда мард сахий, қўли очик, меҳмондўст, бағрикенг, номард хасис, пасткаш, бировга равоси йўқ кишиларнинг тимсоли бўлиб келган:

*Мард кутар меҳмонни очик юз билан,
Номард қочиб қолар меҳмон учраса.*

Мана бу тўртликда эса номард қув, муттаҳам, бировларни чув тушириб юрадиган, сўзининг устидан чиқмайдиган, тайинсиз, тутуриқсиз, сўзи билан иши бошқа ярамас кимса қиёфасида кўринади:

*Номард кимдир? Билар бўлсанг,
Не десанг дер: “Бош устига!”
Агар синаб кўрар бўлсанг,
Хеч топилмас иш устида.*

Кўринадики, мард ва номардни бир-бирига қиёслаш билан шоир банибашар табиатидаги фазилатларни улуғлаб, иллатларни қоралайди.

Махтумқулининг кўпгина ҳикматлари ҳадислар асосида яратилган. Айтайлик:

*Ёлгончи — Худонинг душмани дерлар,
Аммо ўз ўрнида ёлгон яхшидир, —*

мисраларининг дунёга келишига: “Одамларни муросага келтириш учун уларга яхши гаплар-

ни ташиган ёлғончи ҳисобланмайди”¹ ва шу мазмундаги ҳадислар туртки бергани шубҳасиз.

*Кимнингки бадбахтлик табиатида,
Бутун олам ожиз тарбиятида, —*

мисралари эса: “Биров тоғни ўрнидан бошқа жойга кўчирибди, деб эшитсаларинг, унга ишонаверинглар, аммо бирор кишининг хулқи ўзгарибди, деб эшитсаларинг, ишонманглар, чунки у албатта туғма феълига қайтур”², деган ҳадисдан илҳомланиб яратилган дейиш мумкин. Чунки азалдан қисмат қилинган туғма табиатни ўзгартириб бўлмайди. Албатта, инсон ўз феълидаги, табиатидаги бемаъни орзу-ўйлари, ёвуз интилишлари, ножўя хатти-ҳаракатларини жиловлаб, айбу қусурларини ҳаммадан яшириб юриши мумкин, лекин барибир бир куни у ўзининг асл моҳиятини намоён қилади. Алишер Навоий ҳам ўзининг машҳур қитъасида зуваласига инсонийлик уруғи кўшиб қорилмаган кимсаларни ҳар қанча тарбият қилма, барибир одам бўлмайди деган фикрни билдирган эди:

*Нокасу ножинс авлодин киши бўлсун дебон
Чекма меҳнатким, латиф бўлмас касофат олами —
Ким, кучук бирла хўтукка неча қилсанг тарбият,
Ит бўлар, доғи эшак, бўлмаслар асло одами³.*

¹ Минг бир ҳадис (Абдулазиз Мансур таржимаси). Тошкент, 1998. 96-бет.

² Ўша ерда. 14-бет.

³ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 4-жилд. Тошкент, 1989. 521-бет.

Дарҳақиқат, одам боласи тарбия туфайли илму ҳунар эгаллаши, баъзи яхши фазилатларга эга бўлиши мумкин, лекин унинг табиатидаги ёвузлик, кин, ҳасад, бахиллик, ғаразгўйлик, туҳматчилик, ёлғончилик каби туғма иллатларни дунёнинг жами донишмандлари бир бўлиб тарбияласалар ҳам йўқотолмайдилар.

Қуйидаги мисраларда ҳам у ёки бу ҳадис таъсирини кўрамыз:

Жаҳд қисматдан кўп келтирмас.

* * *

Ҳалолга ҳисоб бор, ҳаромга азоб.

* * *

Ҳалол луқма нур бағишлар кўзларга.

* * *

*Ҳар бир қилган ишларингга
Ҳисоб сўрар дунёдир бу.*

* * *

*Қўлдан келар яхши ишинг бўлмаса,
Кўнгил ичра яхши ният яхшидир.*

* * *

*Сабрсиз қул тез йўлиқар балога,
Сабрли қул бора-бора шод бўлар.*

Ушбу тўплам Махтумқули шеърларидан таржималар орасидан танлаб олинган ҳикматли сўзлар асосида тартиб берилди. Бинобарин, айтиш мумкинки, атоқли туркман шоири ва

мутафаккири ҳикматли сўзлари ва панд-насихатларининг асосий қисми бир ерда жамланди. Махтумқулининг шеърӣ асарлари бир неча таржимонлар таржимасида кўп марта нашр этилган. Лекин унинг ҳикматлар тўплами илк бор ўзбек ўқувчилари ҳукмига ҳавола қилинапти. Ислом маърифати, тасаввуф ҳақиқати, турмуш тажрибаси билан тўйинган, айни пайтда, содда тил, самимий ифода, равон услуб, халқона оҳангдаги шаклан ихчам ва лўнда, мазмунан теран ва серқирра, бадий жиҳатдан гўзал ва таъсирчан ҳикматлар Махтумқулини ўз шоиридай севиб ардоқлайдиган диди баланд, таъби нозик ўзбек ўқувчиларига муносиб туҳфа бўлади.

*Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди*



ҲИКМАТЛАР

Яхшилар ёнида юргил сен ўзинг,
Дур бўлсин доимо сўзлаган сўзинг,
Олимга ёндашсанг, очилар кўзинг,
Жоҳилга ёндашсанг, кўрдек бўларсан.

* * *

Юз номард ўрнини босмас бир марднинг,
Чекар ташвишини мард элу юртнинг.
Қилган қилиғини кўринг номарднинг: —
Жангми, дея қочар туман учраса.

* * *

Мард кутар меҳмонни очик юз билан,
Номард қочиб қолар меҳмон учраса.

* * *

Одам бор, ҳар қанча едирсанг оздир,
Одам борки, еган нонига етмас.

* * *

Кимнингки бадбахтлик табиатида,
Бутун олам ожиз тарбиятида.

* * *

Маст бўлиб юргунча мусофир юртда,
 Униб-ўсган ўз юртингдан айрилма.
 Мағрур каклик каби нафс деган дардда
 Домга тушиб, қанотингдан айрилма.

Таваккал эт — халққа сиринг бериб бор,
 Сабрли бўл, бесабрлик ҳам бекор,
 Ҳар қаерга борсанг, насибангдир ёр,
 Бой бўлай деб, иззатингдан айрилма.

Номардлар ҳам ярамаслар, ночорлар,
 Тузинг ичиб, ишинг бўлса қочарлар,
 Сирингни фош этиб, айбинг очарлар,
 Қадринг билган улфатингдан айрилма!

Гадоларнинг кўнгли шоҳликни тилар,
 Нодон кўнгли ёлғон сўзни рост билар,
 Беқадрлар душманингга дўст бўлар,
 Таълим берган устодингдан айрилма.

Биров қашшоқ бўлиб, биров бой бўлар,
 Ҳар кишининг бахти-иқболи кулар,
 Бошга нима келса, тилингдан келар,
 Махтумкули, халқ ёдидан айрилма.

* * *

Ишқ тоғин оссалар кўкнинг бўйнига,
 Кўк титрабон чека билмас бу дардни.

* * *

Ишқ асар этмаса, ёнмас чироклар,
Ишқ келганда бўри инграр, қурт йиғлар,
Эгилар хайбатли, қудратли тоғлар,
Тошлар эриб, чека билмас бу дардни.

* * *

Ғариб агар ёт элларда юражак,
Кўзларида қонли ёш мавж уражак,
Ошиқ агар маъшуғини кўражак,
Гул-гул очилар, гар кўнгли порадир.

* * *

Уруғ соч, ўрарсан, келдинг бу жоя,
Умрингни ўтказма беҳуда, зое,
Назар айласангиз ушбу дунёя,
Келган кетар, турмас, кўхна саро(й)дир.

* * *

Элидан айри тушган
Оҳ урар, элни кўзлар.
Йўлидан айри тушган
Жаҳд этар, йўлни кўзлар.

* * *

Бу дунё бир фирибгар,
Кўз очган молни кўзлар.

* * *

Ким нон топмас ейишга,
 Ким жой топмас қўйишга,
 Ким тўн топмас кийишга,
 Ким ипак, шолни¹ кўзлар.

* * *

Бу дунё бир тепадир,
 Ким қолиб, ким кетадир,
 Ҳар ким бир иш этадир,
 Ҳар ким бир ҳолни кўзлар.

* * *

Умр оз, вақт бемикдор,
 Тўрт фаслга бош баҳор,
 Қўкда учган ғознинг, кўр,
 Кўзлари кўлни кўзлар.

* * *

Эшак иши эшакка хос,
 Минг мақтасанг, отча бўлмас.
 Таги пастга амал тегса,
 Асли тоза зотча бўлмас.

* * *

Фоний дунёга инонманг,
 Олтин-кумушга қувонманг,
 Куёв деб кўп куйиб-ёнманг,
 Бир тукқан зурёдча бўлмас.

¹ Шол — жундан тўқилган мато, шундай матодан тикилган кийим.

* * *

Кўп йўллари кўрса кўзинг,
 Хар ҳикматдан огоҳ ўзинг:
 Бир нодонга айтган сўзинг
 Эсиб ўтган бодча¹ бўлмас.

* * *

Бошинг ёстикқа етганда,
 Сабру қарор қолмас санда,
 Кучдан, қувватдан кетганда,
 Ўғил-қизинг ётча бўлмас.

* * *

Юксак тоғ, юксаклигингга ишонма,
 Оташда эриган зардек бўларсан.
 Азим дарё, ҳайбатингга қувонма,
 Бир кун келиб қуриб, ердек бўларсан.


* * *

Қиёматдан сўзлай, тутгил қулоқда:
 Товон бор ноҳақ урилган таёқда,
 Золимлар хор бўлар, қолар оёқда,
 Ғариб, сен йиғлама, шердек бўларсан.

* * *

Яхши бедов минган, гўзал ёр кучган,
 Бирга элтибдими бақога кўчган?
 Ҳақиқий номарддир иймонсиз кечган,
 Иймон билан борсанг, эрдек бўларсан.

¹ Бод — ел, шамол.



* * *

Лукмон¹ каби дардлар дармонин билсанг,
 Сулаймондек² девларни амрингга солсанг,
 Искандардек³ ернинг юзини олсанг,
 Бир кун яксон бўлиб, ердек бўларсан.

* * *

Махтумқули, ўйлаб қўйгин тошингни,
 Жойин билиб сарф эт нону ошингни,
 Комил топсанг, тик йўлида бошингни,
 Эр ёнида юрсанг, эрдек бўларсан.

* * *

Ўйинчидир бу дунё,
 Ўйинин қилди-кетди.
 Чув тушириб нечани,
 Йўлдош деб олди-кетди.

Ақл, фикр эт, ҳар қачон
 Юз қўнган бор, юз кўчган,
 Тахти осмонда учган
 Сулаймон ўлди-кетди.

¹ *Лукмон* — Эроннинг каёнийлар сулоласига мансуб шох Кайкубод даврида яшаб ўтган машҳур табиб ва донишманд.

² *Сулаймон* — шон-шавкатли подшоҳ ва пайғамбар. Унинг мол-мулки ҳад-ҳисобсиз бўлган. Унга Худонинг сирли ва муқаддас исми — Исми аъзам маълум бўлган ва бу исм унинг сеҳрли узугига нақш қилинган.

³ *Искандар* — Шарқда Искандар Зулқарнайн номи билан машҳур македониялик саркарда ва давлат арбоби Александр Македоний (милоддан аввалги — 356—323).

* * *

Кимлар гулга айланмиш,
 Гулдан кулга айланмиш,
 Кимлар гилга айланмиш,
 Кимлар-чи, сўлди-кетди.

Бир кун гўрда ётарсан,
 Мангу макон топарсан,
 Беҳуда мол йиғарсан,
 Йиққанинг қолди-кетди.

* * *

Ёрсизликдан ёмон иш йўқ,
 Кўз солиб боқсам ҳар ёна.

* * *

Қадр билгандан ажратма,
 Беқадрга йўлдош этма.

* * *

Ҳақнинг карами кенгдир — кўр,
 Дуо қилиб, тилагинг сўр:
 “Ҳар не берар бўлсанг тез бер,
 Ишонч йўқ чунки бу жона!”

* * *

Нодон яхши қадрин билмас.

* * *

Аёлсизга мадор бўлмас,
 Айлансанг-да Сулаймона.

* * *

Дарвешларга¹ йўлсизликни,
Йигитларга молсизликни,
Илоҳи, аёлсизликни
Кўрсатма ҳеч мусулмона.

* * *

Манман деган мард йигитга
Бир муносиб ёр керакдир.

* * *

Йигит ўлар юрт устинда,
Жонин берар ор устинда,
Мард йигитлар эл устинда,
Номус билан ор керакдир.

* * *

Айрилиқ — ўлимдан аччиқ.

* * *

Мард йигитнинг ор — қиличи.

* * *

Арабий арғумоқ етса ёшига,
Фарқ айламас тепа нима, туз нима?
Кучга тўлган мард йигитнинг қошида
Олтмиш нима, етмиш нима, юз нима?

¹ *Дарвеш* — тасаввуф истилоҳотида изловчи, истовчи маъносини ифодалаб, сўфий, фақир, ошиқ, ориф, соҳибдил, соҳибасрор, соҳибназар каби ўзини Ҳаққа бағишлаган кишиларнинг тимсоли бўлиб келади.

* * *

Номард ўғли кўрқиб қочар майдондан,
Одамдек кўринар ёғоч ҳар ёндан,
Ажратолмас хавfli ерда душмандан
Кўрқоқ киши туман нима, тўз¹ нима?

* * *

Мажлис ичра сўз лаззатин билмаган,
Ҳеч вақт билмас суҳбат нима, сўз нима?

* * *

Қарға ҳеч вақт бўлмас лочин сонида,
Тенг келолмас сира кураш онида,
Оч қарчиғай, олғир лочин ёнида,
Мингта бўлсин, ўрдак нима, ғоз нима?

* * *

Бир каклик олдирса жўжа боласин,
Сайрай-сайрай кўзламайин бўларми?
Бир булбул йўқотса кизил лоласин,
Ҳасратидан сўзламайин бўларми?

* * *

Айрилиқни одам ўғли найласин,
Ким қолур кўрмайин ажал хийласин,
Махтумқули, ҳайвон билса боласин,
Инсон бағрин тузламайин бўларми?

* * *

Манман бўлиб, этдим ишимни зое,
Иқболим отини ботирдим лоя.

¹ Тўз — гард, тўзон, чанг.

* * *

Эй азизлар, мард йигитдан мард туғар,
 Номарддан ким чиқиб, айтинг, мард бўлди?

* * *

Номард кимдир? Билар бўлсанг,
 Не десанг, дер: “Бош устига”.
 Агар синаб кўрар бўлсанг,
 Хеч топилмас иш устида.

* * *

Хар тулки шердай ўкирар
 Харом ўлган лош устида.

* * *

Чўл-даштда лошинг қолдирма,
 Бу ҳам майли, сир билдирма,
 Лоф уриб, оғзинг тўлдирма,
 Жанг нон эмас тиш устида.

* * *

Оқил одамликдан чиқмас.

* * *

Ё бош берар, ё бош олар,
 Мард йигит йўлдош устида.

* * *

Эй азизлар, бир беҳунар йигитнинг,
 Минг ёмон сўз айтсанг, жонига тегмас.
 Зинхор тушманг номардларнинг қўлига,
 Ўлдирсанг-да, ноҳақ қонига етмас.

* * *

Сўз билмасанг, билган сўзинг айтмасанг,
 Сўз сўрасанг, маъносига етмасанг,
 Ёй тортганда, тикка қараб отмасанг,
 Ул ўқинг нишоннинг ёнига тегмас.

* * *

Худо назар қилган бир жўмард йигит
 Одамлардан дариг тутмас¹ ошини.
 Номусли, ғайратли, орли мард йигит
 Жанг кунда қурбон этар бошини.

* * *

Бир тоифа юрар молу давлат-ла,
 Бир тоифа юрар куруқ савлат-ла,
 Одамзодни билиб бўлмас суҳбат-ла,
 Синамай билмайди киши кишини.

* * *

Йигитнинг обрўси яхши аёлдир,
 Яхши аёл нокасларга уволдир,
 Йигитга қаллоблик айни заволдир,
 Ҳар ён санқир, билмас қилар ишини.

* * *

Дўзахнинг тимсоли бир ёмон хотин,
 Ҳар кимга дуч келса, олар хушини.

* * *

Бедов ўлса, майдон қолар армонли,
 Ҳақ ишқида от сол майдон учраса.

¹ Дариг тутмаслик — аямаслик, қизғанмаслик.

Йигит ўлса, замон қолар давронли,
Вактингни хуш ўтказ даврон учраса.

* * *

Йигит борки, сўзи дилинг оғритар,
Йигит борки, дами тошни эритар.

* * *

Йигит қарир аёл ёмон учраса.

* * *

Кимнинг қадри бордир чарх айвонида —
Юсуфни¹ кул дея сотди, дўстларим.

* * *

Дунёга ҳукм этган Искандар султон,
Ажалнинг дардига топмади дармон,
Тахтин ел кўтарган ҳукми Сулаймон —
Қолмади, дунёдан кетди, дўстларим.

* * *

Умрни ҳасратда айламанг зойил.

* * *

Ёмонни қўй, яхшиларга қўлинг бер,
Қорақуш ҳам ўз боласин гўзал дер,
Бўриларга қарғиш азалий тақдир,
Сен қўй каби ҳар тарафга эл бўлгил.

¹ Юсуф — Юсуф алайҳиссалом. Маълумки, ўғай акалари ҳасад туфайли уни мисрлик савдогарларга арзимас пулга кул қилиб сотиб юборганлар.

* * *

Ҳоким бўлсанг, қуёшдай эл кўксин ёқ,
Оқарда — сув ё эсарда — ел бўлгил.

* * *

Хом хаёлдир ишламай тама қилсанг,
Аҳмоқликдир ўзингни яхши билсанг,
Ҳар бозорда фойда кўрмоқчи бўлсанг,
Яхшиларнинг чўнтагида пул бўлгил.

* * *

Ҳисоби бор, Махтумқули, ҳар дамнинг,
Ўз ризқ-насибаси ҳар бир одамнинг,
Куруқ гап-сўзини қўйгил оламнинг,
Яхши-ёмон — барчасига тил бўлгил.

* * *

Дил сирини айтма ҳар бир номардга,
Сиринг элга ёйиб, фош этар сени.
Маккор ўғри билан ҳамқишлоқ бўлма,
Молингдан айириб, оч этар сени.

* * *

Эзма одам билан ўтириб-турма,
Сира номард билан сўз-сухбат қурма,
Қадрдон дўстингдан юзинг ўғирма,
Борсанг, боши узра тож этар сени!

* * *

Бир мард йигит нозанинга ёр бўлса,
Жамолини бир кўришга зор бўлса,

Орада ярамас рақиб бор бўлса,
Яхши дўстинг билан ўч этар сени.

* * *

Айтма ғийбат сўзни, қилма зинони,
Жаҳаннам ўтига дуч этар сени.

* * *

Махтумқули, элга ёйдинг насихат:
Ёмон билан сира бўлмагил улфат.
Худо берса эсли-хушли бир фарзанд,
Қариган чоғингда ёш этар сени.

* * *

Дўстлар, бу дунёга йўқдир эътибор,
Биров келиб, биров кетиб борадир.
Биров тўкин яшар, биров хору зор,
Қора ер барчани ютиб борадир.

* * *

Киши моли насиб этмас ўғрига.

* * *

Ўнг қўлим чап қўлга муҳтож айлама.

* * *

Аччиқ сўзлар дилдан чиққан бир ўқдир.

* * *

Жигарнинг жигарга баҳоси йўқдир,
Акани укага муҳтож айлама.

* * *

Дўст билма ўзингга фоний дунёни,
 Ёлғончида кўпайтирма гуноҳни,
 Бош ирғаб, кўз кисиб, қилма зинони,
 Қабр ичида оху войлар кўрарсан.

* * *

Намоз билан беш ишинг эт жобажо,
 Кўнглинг тупроқ билан тенг тут ҳар асно,
 Муҳаммад кафилдир: қилмасанг тақво,
 Аждархо, илону бийлар¹ кўрарсан.

* * *

Дунёга эътимод² этманг, ёронлар³,
 Кимга келиб, кимдан кетиб борадир.
 Искандардек даври давра сурганлар
 Навбат билан бир-бир ўтиб борадир.

* * *

Бировни бой этар, бировни гадой,
 Не қилса эрки бор, ул кодир Худой,
 Бировнинг бошига қўндириб Хумой⁴,
 Биров ғам шаробин ютиб борадир.

* * *

Яхшига дуч этар мудом ёмонни,
 Дунёдан ноилож ўтиб борадир.

¹ Бий — ўргимчаксимон заҳарли жонивор.

² Эътимод — ишонч, таянч, суянч.

³ Ёронлар — дўстлар, яқинлар.

⁴ Хумой — кимнинг бошига сояси тушса, ўша киши бахтли бўлади, деб эътиқод қилинадиган афсонавий давлат куши.

* * *

Бир ёби¹ байроқни олади чопмай,
Бир бедов² бош эгиб қайтиб борадир.

* * *

Дунё учун чекма қайғу-андиша,
Сабр эт балосига, келган ҳар иша,
Қайғу чекиб, йиғлаб юрма ҳамиша,
Ажал қўли ёқанг тутиб борадир.

* * *

Махтумкули сўзин бари насихат,
Худога қул бўлинг, Расулга уммат,
Билсангиз, бу дунё бош-оёқ ҳасрат,
Ҳасрат билан бир-бир кетиб борадир.

* * *

Бунда менман деган одам
Ажал захрин ичар бир кун.
Етиб даври, туганса дам,
Ер қўйинини кучар бир кун.

Номуси билан орини,
Севгили, нозли ёрини,
Йиққанларининг борини
Тупроқ аро сочар бир кун.

Кийиб мунча шоҳи-ипак,
Кибру ҳаво кимга керак?
Оқил, сенга ғаддор фалак
Кафан тўнин бичар бир кун.

¹ Ёби — хўжаликда ишлатиладиган ишчи от.

² Бедов — чопқир от.

Кимга вафо қилди жаҳон?
Бақосиз, англа, бу макон,
Бу саройга тушган карвон
Беш кундан сўнг кечар бир кун.

Гўрга кирарсан яланғоч,
Улушинг бўз — икки қулоч,
Устингда қурт-илонлар оч,
Ҳар тараф йўл очар бир кун.

Тин олмай кеча-кундузи,
Қилмишларинг ажаб ўзи,
Махтумқули, бахт юлдузи,
Гумон йўқдир, ўчар бир кун.

* * *

Бу дунёни кўчиб борган кўч билдим,
Ишини ёмону ўзин пуч билдим,
Бошин ўйин кўрдим, сўнгин ҳеч билдим...

* * *

Одам ўғли, бу дунёдан ўтгунча
Номинг чиқиб, обрў олган яхшидир.
Бўктаргининг¹ соясида ётгунча
Бургут чангалида қолган яхшидир.

* * *

Номард кўпригидан асло кечманглар,
Фарқ бўлиб, дарёда ўлган яхшидир.

¹ *Бўктарги* — қарчиғайсимонлар оиласига мансуб кўчманчи йирткич қуш.

* * *

Ёлғончи — Худонинг душмани дерлар,
Аммо ўз ўрнида ёлғон яхшидир.

* * *

Махтумкули дейди: сўзим тоғ ошмас,
Номард одам йўлдошига қарашмас,
Мотам бўлган жойда кулмоқ ярашмас,
Тўю томошада кулган яхшидир.

* * *

Хасча кўринмас менинг кўзимга асло
бу жаҳон,
Зойил айлаб эс-хушингни, телба айлар
хар замон.

* * *

Дунё бир илонпаридир — зулфин айлаб
тор-тор,
“Бери кел!” — дер қаҳр этиб, термулиб
хар ён қарар.

* * *

Аввал керак ёр йигитга,
Дўст йўқ кўнгли тор йигитга.

* * *

Ёмонларнинг юзин кўрма.

* * *

Пашша дея берма озор, пашшанинг ҳам
жони бор.

* * *

Кетса давлат танти элдан, айланар
номардга мард.

* * *

Ҳар гўзалда бир қусур бор, ўн икки сийна
ўрнида,
Сутга синчиклаб тикилсанг, сут ичида қони
бордир.

* * *

Одам ўғли, ишқ аро Мажнун каби куйсанг
унутма,
Дўзах ўтидан-да баттар ўти беомони
бордир.

* * *

Солса фалак қайси йўлга юравергил,
қайтма ортга,
Чунки фалакнинг қўлида бир улуғ
фармони бордир.

* * *

Бир нафас шод бўлиб, ғанимат юринг,
Дунёнинг вафоси бўлмас, азизлар.

* * *

Дунё азал хийлагардир, қаллобдир,
Чархи чанбар¹ ўйинчидир, каззобдир,
Дунё бир дарёдир, одам ҳубобдир²,
Ҳубоб сувда боқий қолмас, азизлар.

¹ Чархи чанбар — айланувчи фалак.

² Ҳубоб — кўпик.

* * *

Мушкул сафар бўлар ўлим сафари,
Дахшати кўп бўлар, кўпдир хатари,
Қайтмайди чопари, келмас хабари,
Бу сафарга кетган келмас, азизлар.

* * *

Дунё ёлғончидир, хирсу хавасдир,
Ёлғончига дил боғламоқ абасдир¹.

* * *

Махтумқули, дунё фонийдир, фоний,
Хасрат манзилидир, ўлимнинг кони,
Бу бозорда мато одамнинг жони,
Ундан бошқа мато бўлмас, азизлар.

* * *

Оч бўлсанг ҳам борма элга тиланиб,
“Кўшкдаман”², — де, — бошим кўкка
уланиб”,
Бир соя топмасанг саҳрода ёниб,
Эрам боғи³ ичра соя топдим де.

* * *

Ош кўрганда шоша-пиша қўл урма,
Оч бўлсанг ҳам халққа уни билдирма,

¹ Абас — беҳуда, бефойда.

² Кўшк — қаср, ҳашаматли бино.

³ Эрам боғи — афсонавий гўзал боғ. Уни Ямандаги Од қавмининг ҳукмдори Шаддод ер юзида жаннат яратиш даъвоси билан барпо этган эмиш.

Ҳотам¹ каби борингни соч, сир берма,
Ёш ўлсанг ҳам, Нух² ёшига етдим де.

* * *

Муҳтожлигинг Ҳакдан ўзга билмаса,
Кифоядир киши очдан ўлмаса,
Ҳинди каби усти-бошинг бўлмаса,
Эгнимга шох либосини солдим де.

* * *

Сувга, елга ҳукми ўтган Сулаймон,
Бок, улардан на ном қолди, на нишон,
Ташна қолиб, жойинг бўлса биёбон,
Дарё ичра мен Искандар бўлдим де.

* * *

Йўлдош бўлса сенга тилсиз чумоли,
Илон билан ётсанг жой топмай холи,
Юз минг мардни олиб, кулиб иқболим,
Қорун³ хазинасин қўлга олдим де.

* * *

Махтумқули, чексанг жафо-жабр, бил,
Худога хуш келар, шукур-сабр, бил,

¹ *Ҳотам* — хайру саховати билан машҳур бўлган араб қабила бошлиғи. Нажд вилоятининг Тай қабиласидан бўлганлиги учун Ҳотами Тай номи билан шуҳрат қозонган.

² *Нух* — энг узоқ умр кўрган пайғамбар. Унинг 1000, ҳатто 1600 йил умр кўргани ривоят қилинади.

³ *Қорун* — Мусо алайҳиссалом даврида яшаган, ҳад-ҳисобсиз бойлигини хайрли ишларга сарфламай, хасисликда ном чиқарган шахс. Бу такаббур кимсани охир-оқибат бутун мол-дунёси билан бирга ер ютган. У Шарқ адабиётида ҳарислик ва хасислик тимсоли ҳисобланади.

Қилча жонга қизил танни қабр бил,
Қизил тилинг сўзлар экан, ўлдим де.

* * *

Далли¹ кўнглим, муҳаббатсиз кишидан
Узоққа қоч, йироқ айла ўзингни.
Севганни сев, севган билан тутин дўст,
Севмагандан йироқ айла ўзингни.

* * *

Номардни қўй — ундан ишинг битмайди,
У ҳеч қачон мард кадрига етмайди,
Бирор сиринг айтсанг, пинҳон этмайди,
Сирдош бўлма, йироқ айла ўзингни.

* * *

Муттаҳамга зар берсанг ҳам хос бўлмас,
Худодан кўрқмайди, шундан рост бўлмас,
Бўйнинг эгиб, арзинг айтсанг, дўст бўлмас,
Сархуш бўлма, йироқ айла ўзингни.

* * *

Оғзи кулган, дили нопок номардга,
Қардош бўлма, йироқ айла ўзингни.

* * *

Одам ўғли қуруқ тупроқ —
Тан ичра жони бўлмаса.
Юксак тоғнинг қиммати йўқ,
Сели, тумани бўлмаса.

¹ Дали — телба, девона.

* * *

Эр йигитда бўлса ғайрат,
Бош эгади унга қудрат.

* * *

Фойда бермас юзда холлар,
Мажнуннишони бўлмаса.

* * *

Улуғ эллар тўзар, агар
Мард эрдан хони бўлмаса.

* * *

Ҳар сочи узунни хотин деманглар,
Хотин феълу сиёфидан билинар.
Гард қўндирмас боласига, ўзига,
Қоши, кўзи, қовоғидан билинар.

Баъзи бир хотинлар ақлсиз, аҳмоқ,
Ҳар сўзи эрининг жонини ёқмоқ,
На хожат эрининг юзига бокмоқ,
Бир хайвондир — қилиғидан билинар.

Ёмон хотин манглай сочи тўп бўлар,
Гапирганда ёмон сўзи қўп бўлар,
Эшик олди тиззагача чўп бўлар,
Ҳам кул босган ўчоғидан билинар.

Таърифини айтса яхши жононнинг
Яхшининг қадрини англа ҳар онинг,
Тайиндир келганга ош билан нонинг,
Дастурхони, сочиғидан билинар.

Яхши хотин кулар эрнинг юзига,
Минг жон қурбон унинг ҳар бир сўзига,
Оро берар ҳам уйи, ҳам ўзига,
Қозонидан, товоғидан билинар.

Махтумқули, қўлингни торт ҳаромдан,
Иймонингга нуқсон етар зиёндан,
Яхшилиқни умид этма ёмондан,
Бўлар бола ёш чоғидан билинар.

* * *

Тенгсиз билан тенг айласанг ўзингни,
Дард бўлибон сўзи ўтар жонингдан.
Йироқ бўлма қадринг билган қардошдан,
Ҳар иш қилсанг, ул қувонар ёнингдан.

Жаҳл қилиб, голиб этма шайтонни,
Кибр этиб, унутмагин Раҳмонни,
Ақлинг таниб яхши билан ёмонни,
Ҳар бир сўзга тўлиб-тошма қонингдан.

* * *

Бир ёмон сўз жонга илон нишидир,
Чақса, захри осон чиқмас танингдан.

* * *

Махтумқули, ёлғончидир бу жаҳон,
Мастда ақл бўлмас, кофирда иймон,
Жойин топса, чумолидай паст душман
Арслон бўлиб, жудо қилар шонингдан.

* * *

Баланд тоғларнинг бошида
 Булут ўйнар сел билан-ей.
 Мард йигитга тўю байрам
 Хар иш келса эл билан-ей.

* * *

Пашша қачон тенг бўлибдир
 Учрашганда фил билан-ей.

* * *

Харом ишдан қочар пирлар,
 Тулки сарқитидан шерлар,
 Қустирмасдан қўймас дерлар,
 Қуймоқ есанг қил билан-ей.

* * *

Ёмон ўз феълидан топар.

* * *

Кел, кўнглим, сидқ билан ёлвор Оллоҳга,
 Яратгандан яширин ҳеч иш бўлмас.
 Ризқ тақсим қилинган шоҳу гадога,
 Қалам¹ ёзганидан ортиқ ҳеч бўлмас.

* * *

Ким елиб-югурар туну кун ётмай,
 Ким яшайди ранжу машаққат тортмай,
 Такдирда битгани ҳеч қачон ортмай,
 Чопган ортиқ бўлиб, ётган бўш бўлмас.

¹ Қалам — 1) ақли аввал; 2) муфассал илм.

* * *

Бир мард йигит ёлғон дунёга келса,
 Қайлик, қилич, нону дастурхон бўлса,
 Обрў-эътибору ҳам иймон бўлса,
 Етмиш, саксон, юздан ортиқ ёш бўлмас.

* * *

Ризқ учун ғам ема, Ҳаққа зикр қил,
 Тақдирдан ўзгаси сенга дуч бўлмас.

* * *

Ёмонни қўй, яхшилик қил,
 Шайтон иши барбод қолсин.

* * *

Яхши сўзга қулоқ солгил,
 Сахар вақти бедор бўлгил,
 Яхшилардан дуо олгил,
 Умринг ортиб, зиёд қолсин.

* * *

Одамзод кўздан кетгунча,
 Ёддан чиқар қон қотгунча,
 Қасру уй бунёд этгунча,
 Ҳақдан тила, авлод қолсин.

* * *

Ёмон хотин — жонга офат,
 Дунё моли навбат-навбат,
 Йигитга ўғил чин давлат,
 Мол қолгунча зурёд қолсин.

* * *

Йигитнинг кўрки от-яроғ,
 Ҳар бир ишга журъат керак.
 Нобоп ўғилдан яхшироқ,
 Фироғий, яхши от қолсин.

* * *

Қора тошли, боши туман бу тоғлар
 Тупроқ бўлар қора тошдан айрилса.
 Сел ёғиб, буралиб оқар булоқлар,
 Чилла тугаб, қорлар қишдан айрилса.

* * *

Лочин қанот ёзиб, чиқар осмонга,
 Ҳаром ўлган сассиқ лошдан¹ айрилса.

* * *

Хоин ҳурмат қилмас элу юртини,
 Ортга ўтар кўрса йигит мардини.

* * *

Номард хотинбознинг ҳоли кўп ёмон,
 Мардни кўрса йиғлар, кўзи тўла қон,
 Дўсти ночор қолса, мард дили вайрон,
 Номард дўст истамас, ошдан айрилса.

* * *

Юрт юкин кўтарар марди майдонлар,
 Номард қочиб қолар, боқинг, ёронлар,
 Мол деб дунё кезар бахил, нодонлар,
 Фамга ботар гўзал тушдан айрилса.

¹ Лош — жонсиз тана, мурда, ўлакса.

* * *

Номард хотиндай гап — турмас сўзида,
 Нодон вазирнинг йўқ эрки ўзида,
 Ёр кўрксиз нур ўйнаса-да юзида,
 Қора соч, қора кўз, қошдан айрилса.

* * *

Нодондан қутулса, эл дилин чоғлар.

* * *

Дўстлар, ҳеч бандани яратган Оллоҳ,
 Ақлу идрокидан жудо этмасин.
 Берган ақлин олиб, наъзу биллоҳ¹,
 Могу мулку тахтин торож этмасин.

Юролмаган униб-ўсган элида,
 Интизордир айрилиқнинг йўлида,
 Асир бўлиб бир золимнинг қўлида,
 Эгам ҳеч бандани муҳтож этмасин.

Ватандан айрилган йиғлайди бўзлаб,
 Беғам ўтган ширин дамлардан сўзлаб,
 Оҳ чекади қайтиш йўлини кўзлаб,
 Ғарибликка ҳеч кимни дуч этмасин.

Ҳеч ким ғам чекмасин бўлиб мусофир,
 Узоқлардан юртга термулиб ҳақир,
 Юрак-бағри хаста, юзида йўқ нур,
 Ожиз, нотавон, ноилож этмасин.

¹ Наъзу биллоҳ — Худо сақласин.

* * *

Қувонманг, ҳаммадан қолар бу дунё.
Чора топмадилар ўтган валийлар,
Барчанинг бошига етар бу дунё.

* * *

Эй инсон, умрингга бўлмагин мойил,
Йигитлик тиззаю белга меҳмондир.
Яна Ҳақ йўлида юрагил ғофил,
Босган қадамларинг йўлга меҳмондир.

* * *

Маконинг шу замин, тупроқ қучарсан,
Бир карвонсан — диёрингга кўчарсан,
Мавсум гули сўлар, қурир, ўчарсан,
Овозинг ҳам тинар, тилга меҳмондир.

* * *

Ихлос билан Оллоҳ учун мол берсанг,
Чексиз савоб бўлиб борар изингдан.

* * *

Бировлар бор — хайр¹ излаб, шар² топар,
Бировлар қумни титкилаб зар топар,
Биров ёмонликдан яхши бар³ топар,
Биров хайр кўрмас берган тузингдан.

* * *

Йигит ўлса, хотин қолса, эр топди,
Ўғил-қиз қўлида молинг ер топди,

¹ *Хайр* — яхши, яхшилик.

² *Шар (р)* — ёмонлик, гуноҳ иш.

³ *Бар* — мева, самара, натижа.

Закотсиз¹ мол маҳшар² аждаҳо топди,
Йиروق тушдинг Яратганнинг кўзидан.

* * *

Тирикликда ўзи берса кўлидан,
Хабар топиб Яратганнинг йўлидан,
Савоб топар эҳсон берса молидан,
Ул ҳам яхши — ёд этсалар изиндан.

* * *

Соғлигингда кўлинг тутмаса эҳсон,
Кўлингни тутмайди эл ҳам бегумон,
Махтумкули айтар: ранж чекиб ҳар он,
Қиёмат қораси кетмас кўзингдан.

* * *

Сахийлар шод бўлар меҳмон келганда,
Ёшлик ярашади ўйнаб-кулганда,
Одамзоднинг ёши саксон бўлганда,
Кўрсангиз, қизил гул сўлган кабидир.

* * *

Мол топган мард йигит зурёдсиз кечса,
Мол-мулкани ўғри урган кабидир.

* * *

Таги пастда ақл бўлмас, дард бўлмас,
Минг тулкида бир бўрича шахд бўлмас,

¹ *Закот* — ислом динида мухтожлар фойдаси учун хар йили умумий даромаднинг қирқдан бир улуши миқдорида бериладиган солиқ.

² *Маҳшар* — қиёмат куни барча ўлганлар тирилиб, сўроқ учун тўпланадиган жой.

Номард кимса бутун умр мард бўлмас,
Минг таърифу тавсиф килмоқ билан-ей.

* * *

Яхши йигит қадрин ўз эли билмас,
Бошига иш тушса, ёнига келмас,
Хар қанча бўзласанг, дарди кам бўлмас,
Дод этиб: “Ё, элим!” демоқ билан-ей.

* * *

Одам боласига молдан тўйим йўқ
Яхши кийиб, яхши емоқ билан-ей.

* * *

Айтинг, дўстлар, бу ер қачон тўярмиш?
Ёмон ёмонлигин қачон қўярмиш,
Одам ўғли фақат шунда тинармиш —
Омонат жонини бермоқ билан-ей.

* * *

Дунёнинг кўп ғам-ташвиши,
Оғир қарздорлик иши.

* * *

Рохатга еткизмай дунё,
Тутганни қутқазмай дунё,
Думини тутқизмай дунё,
Бок: қуш каби учиб борар.

* * *

Бахил ўзин тутар мисоли осмон
Харомдан йиғилган тилла-кон билан.

* * *

Қидирилмас йитмай яхши мол ҳеч он,
Мард жангда кўксини қилади қалқон.

* * *

Мард авлод номусин асрар ҳар ишда,
Узилмас дўстлик деб аталган ришта¹,
Шаҳидлар қон билан кирса бихиштга²,
Жўмардлар³ боради ошу нон билан.

* * *

Қасру сарой курсанг, етиб давлатга,
Биларлар не сабаб бу ҳашаматга,
Ғариб бўлсанг, айбинг очар албатта,
Дўст бўлиб яшасанг улуғ хон билан.

* * *

Жудолик — фалакнинг иши, шиори.

* * *

Инсоннинг қисмати азалдан ҳижрон,
Боболар қилган бу нақлни баён:
“Сукут сақламоқ ҳам ақлдан нишон”,
Фироғий дер: ҳамроҳ бўлсанг дин билан.

* * *

Боғбон боғни нима қилсин,
Боғда анори бўлмаса.
Отадан ўғил туғмасин,
Номусу ори бўлмаса.

¹ Ришта — 1) ип, тор, таноб; 2) томир.

² Бихишт — жаннат.

³ Жўмард — олийжаноб, ҳиммати баланд, сахий, танти.

Булбулга тўқай боғ бўлмас,
 Ёлғизга тепа тоғ бўлмас,
 Бедов ёбидан хўп бўлмас
 Магар рафтори¹ бўлмаса.

Шарбат ичсанг, бол бўлади,
 Хар бир куни йил бўлади,
 Гулдек ранги кул бўлади,
 Гўзалнинг ёри бўлмаса.

Махтумқули, ниҳон дерлар,
 Жон севгиси жаҳон дерлар,
 Ул йигитни ҳайвон дерлар,
 Ширин гуфтори² бўлмаса.

* * *

Уятсиз одамдан номард яхшидир.

* * *

Оқил оз сўзлайди — кўрқар тилидан,
 Номард айб излайди туққан элидан.

* * *

Минг номард йиғилса, бир мардча бўлмас!

* * *

Бу бир туби йўқ оламдир,
 Умр озу фурсат камдир,
 Йигитлик қайтмас кўкламдир,
 Яхши ном топ, сийланавер.

¹ Рафтор — 1) юриш; 2) хатти-ҳаракат; 3) хулқ-атвор.

² Гуфтор — сўз, сўзлаш, гапириш.

* * *

Бу дунё мисли бир тушдир,
Ташвиши кўп, вақти кечдир,
Ёшлигу қарилик ҳечдир,
Қаримай вақтинг туявер.

* * *

Бу сўзлар мендан нишона,
Эътибор тиласанг жона,
Жаҳон ичра мусулмона
Хуш сўзни яхши санайвер.

* * *

Махтумқули, нақд еганинг,
Гумон аммо чайнаганинг,
Гуноҳдан қутқар жон-танинг,
Савоб учун куйманавер.

* * *

Сизга насихатим шудир йигитлар:
Ёмон хотин яхши эрга қиш бўлар.
Асабинг эговлаб, ишинг оҳ этар,
Кундузги хаёлинг кечда туш бўлар.

Бир юмуш буюрсанг, юзи тиришар,
Эшикма-эшик у гап ташиб яшар,
От тўрва тўқиса — қирқ кунга чўзар,
Хуржун бошлар — олти ойлик иш бўлар.

* * *

Бедовда бедов бор — оларлар зарга,
Бедов бор — арзимас жулу¹ эгарга,

¹ Жул — от ёпинчиги.

Бедов бор — эшакча тушмас назарга,
Чин бедов йигитга узок ёш бўлар.

* * *

Махтумкули айтар: ҳар сўзим ибрат,
Насихатим улуғ эл учун ҳикмат,
Шунқор, лочин қилар ов чоғи хизмат,
Қарға, ҳакка бор-йўғи бир қуш бўлар.

* * *

Яхши сўзлар жой олади тил ичра,
Бирор нарса тура билмас сел ичра,
Эр йигити кўп барқарор эл ичра
Ахилликда номусу ор ўйнашар.

* * *

Номард юрмас мардлар билан қотишиб.

* * *

Мард йигит паст бўлар хасдан, тупроқдан,
Фақир бўлиб молдан, бошдан айрилса.

* * *

Эй дўстлар, дунёга келдинг-келмадинг,
Бу ширин жон азиз лошдан айрилса.
Ёлғончида¹ беш кун кездинг-кезмадинг,
Бир куни бу бошинг хушдан айрилса.

* * *

¹ Махтумкули шеърларида бу сўз ўткинчи, бевафо дунёнинг сифати бўлиб келади.

Қарилик бир қишдир, кўнглинг уйғонмас,
Юрак жўшиб, ишқинг оташи ёнмас,
Бел букилиб, икки тиззанг таянмас,
Қувватдан, мадордан, кучдан айрилса.

* * *

Ер-қўкча фарқ қилар одам одамдан,
Кимнинг сўзи заҳар, бол томар кимдан,
Турли-туман юз минг ҳар бир таомдан
Лаззат кетар оғиз тишдан айрилса.

* * *

Эй азизлар, яхши ёрнинг
Қўйни жаннат, гулга ўхшар.
Дур сочилар сўзлаганда,
Тиллари булбулга ўхшар.

* * *

Бу фоний дунёдир, йўқ собит бино,
Гар бўлса, бузади қўли фалакнинг.
Қўплар йиғар елиб-югуриб дунё,
Жонга бир жафодир моли фалакнинг.

* * *

Минг тулки бир бўрича ҳеч вақт бўлмас,
Мардлар доим сархуш — жонда дард
бўлмас,
Нодон зоти дер: ватаним юрт бўлмас,
Мен ғамгину хайрон — лоли фалакнинг.

* * *

Дарахт баланд бўлса, сояси тушар.

* * *

Эгасига хурар ёмон ит курғур.

* * *

Тулки қачон бўри кўксини йиртар?

* * *

Одамга ярашмас ҳар қилган иши.

* * *

Қарға ўзин афзал санар лочиндан,
 Ҳар бири ов асносида билинар.
 Эшак айтар: “Кам эмасман бедовдан”,
 Қимматида — баҳосида билинар.

* * *

Одам кўзи тўймас дунёдан зинҳор,
 Лоф билан топмайди киши эътибор,
 Ҳар кимда бўлади турфа феъл-атвор,
 Феълу сўзи қиёсида билинар.

* * *

Нималар тушмайди одам бошига,
 Муносиб бўлмаса тенгу тўшига,
 Йигитни биласан боқиб ишига,
 Фарқи ош-нон — атосида¹ билинар.

* * *

Махтумкули айтар: мазлум ноласи,
 Оламда топилмас унинг қиёси,
 Мазлумни қақшатган золим боласи
 Қабрда тортган жазосида билинар.

¹ Ато — инъом, эҳсон, саховат.

* * *

Фироғий, истасанг фойда,
 Ғариб кўнглин ол ҳар жойда.

* * *

Сабрсиз киши қон ичар,
 Бўлар балоларга дучор,
 Берк эшикни сабр очар,
 Сабр жаннат калитидир.

* * *

Шошилмоқ доим шайтондан,
 Сабр айламоқ Раҳмондан.

* * *

Сабрсизнинг иши йитар,
 Сабрлининг иши битар.

* * *

Ким сабрсиз — кўрар озор,
 Тирикликдан бўлар безор,
 Шайтон билан йўлдан озар,
 Сабр жаннат калитидир.

* * *

Яхши сўз билсанг, очавер,
 Билмасанг, ҳушдан кечавер,
 Сўз ярасидан қочавер,
 Тиф яраси битар-кетар.

* * *

Асли ёт деб чекма жафо,
Таги пастда йўқдир вафо,
Ҳар киши бўлса бесафо,
Обрўсини тўқар-кетар.

* * *

Йўлдош бўлсанг оқил билан,
Хизмат қилар кўнгил билан,
Ишинг тушса жоҳил билан,
Дашту тоққа отар-кетар.

* * *

Дедим: “Собит нима у?”
Деди: “Ислом йўлидир”.

* * *

Дедим: “Нима тўсиқсиз?”
Деди: “Шайтон феълидир”.

* * *

Дедим: “Бу не шаҳардир?”
Деди: “Ёлғончи жаҳон”.

* * *

Ёлғончи — фоний дунёда
Кетиб, қайтиб келган борми?

* * *

Хаста бўлмасдан соғлигин
Фаниматин билган борми?

* * *

Бу дунё икки фироқдир:
 Бири қора, бири оқдир.
 Манзил икки, йўл йироқдир,
 Унинг фикрин қилган борми?

* * *

Махтумқули, келган кечар,
 Бу манзилда қўнган кўчар,
 Йигитлик чироғи ўчар,
 Бу сўзимда ёлғон борми?

* * *

Факир содда бўлар, косиб сўзамол,
 Етти айёр бўлса, бири хомхаёл,
 Бой манман, ёлғончи, эзма бўлар чол,
 Чалиб бўлмас сутни солиб челака.

* * *

Бировга бош бўлмоқ кўп қийин бўлар,
 Ипак ўғил-қизга зеб учун бўлар,
 Тул кўзига қари нозанин бўлар,
 Яна кўз ташлайди кўрга, чўлоққа.

* * *

Ишқ дуч келса бир мардга,
 Айланар тупроқ, гардга.

* * *

Кетган қайтмас йўлидан,
 Ёмон кечмас феълидан.

* * *

Ярамас, нобакорлар
Юз тил билан алдарлар.

* * *

Кўринг фалак ўйинин,
Узар оламнинг бўйинин.

* * *

Дунё — тўсиқ, тан — парда.

* * *

Мард йигитнинг оти чиқмас,
Давлати — моли бўлмаса.
Андишаси иш битирмас,
Майдонда дали¹ бўлмаса.

* * *

Бўлмаса йигит зурёди,
Ўлса эсланмайди оти,
Ёнмайди кўксида ўти
Бошда хаёли бўлмаса.

* * *

Олмас қушлар овга чопмас,
Хунарсиз ўз айбин ёпмас,
Маъракада жойин топмас
Ақли — камоли бўлмаса.

¹ Дали — телба, девона.

* * *

Қўнмоқ гўзал юртга яхши,
 Гилам тўшак тўрда яхши,
 Ул йигитлар гўрда яхши,
 Боши ғавғоли бўлмаса.

* * *

Азизлар, дунёнинг поёни бўлмас,
 Бошига иш тушса, тукқани келмас,
 Тўю маъракада ҳеч кўнгли кулмас,
 Армон билан кечар йили ёлғизнинг.

Кўзга кўринмайди ёлғизнинг иши,
 Қўлида мол бўлмас, кўнглида хуши,
 Бир куни ёстикқа етганда боши,
 Кўзида қонли ёш тўла ёлғизнинг.

Ёлғиз-етим қайғу-ғамдан кутулмас,
 Тўю давраларда номи тутилмас,
 Унинг учун сира ташвиш этилмас,
 Қайғую кулфатдир ҳоли ёлғизнинг.

Бойнинг ўлими ҳам элга дostonдир,
 Ғариб ўлса, унинг изи вайрондир,
 Бу ишларга ақлу ҳушинг хайрондир,
 Кўмилади шундай йўли ёлғизнинг.

* * *

Кўнгил берма сира бевафоларга,
 Вафо кўрган борми бевафолардан?
 Солма ўзинг беҳуда жафоларга,
 Ким фойда топибди бу жафолардан?

* * *

Ишқ овозасини эшит йироқдан,
 Ишқ йўлига кирма қўрқсанг фироқдан,
 Ишқ ичра топмасанг чора, у чоғда,
 Бор, хабар ол кўрган мубталолардан.

* * *

Қирқ ўйнашли хотин яхшидир минг бор
 Мунофиқ эрлардан — бевафолардан.

* * *

Дунё етти бошли ёвуз илон, кўр,
 Қочганлар қутулмас бу балолардан.

* * *

Хожатин топарми, хўжасин қўйиб,
 Умид этган киши қул-гадолардан?

* * *

Яхшилиқни паст билмас,
 Эр ёнида билинар.
 Кўрар кўзнинг қиммати
 Кўр ёнида билинар.

* * *

Соғ қулоқнинг қувончи
 Кар ёнида билинар.

* * *

Агар чолсан, агар ёш,
 Элга сиринг қилма фош,

Сир сақлаган маҳактош¹
Зар ёнида билинар.

* * *

Ушбу дунёдан мурод —
Оту аёлу зурёд,
Арванадаги² қувват
Нор³ ёнида билинар.

* * *

Бўлсам қайғудан халос,
Қишим баҳорга қиёс,
Махтумқули, сидқ-ихлос
Ёр ёнида билинар.

* * *

Телба кўнглим, бир насиҳат айлайин,
Жон чекмайин туриб жонон бўларми?
Жойини топиб сўз айта олмаган
Киши ҳеч замонда инсон бўларми?

* * *

Банда бўлиб, Ҳақ амрини тутмаган,
Гавҳар олиб, бозорида сотмаган,
Ота-бобосидан беклик ўтмаган,
Эл қадрини билган султон бўларми?

¹ *Маҳактош* — олтин-кумушга суртилиб, уларнинг асл ё сохталигини аниқлайдиган тош; синов тоши.

² *Арвана* — асл зотли туя.

³ *Нор* — эркак туя.

* * *

Хотиндек ғийбатда умрин тўздирган,
Кишининг кўнглида иймон бўларми?

* * *

Китоб кўрган киши маънидан тўқдир,
Маърифатли қалбда шайтон бўларми?

* * *

Менман деган мард йигитнинг, азизлар,
Энг аввало севар ёри керакдир.
Ундан кейин ўғил-қизи бўлса хўб¹,
Яна оту зулфиқори² керакдир.

* * *

Мушукдан шер чикмас, гўҳар³ нор бўлмас,
Ҳар тош гавҳар бўлмас, мисдан зар бўлмас,
Эрман деган ҳар ярамас эр бўлмас,
Ғайрати, номуси, ори керакдир.

* * *

Дастур бўлар йўл ўрганиш устоддан,
Эр муродга етар жаҳду ғайратдан,
Йигит бордир фарқи йўқдир авратдан⁴,
Билол⁵ бўлса, хуш гуфтори керакдир.

¹ *Хўб* — яхши, дуруст, маъкул; афзал; чиройли, гўзал.

² *Зулфиқор* — Муҳаммад алайҳиссалом Ҳазрат Алига совға қилган дудама қилич.

³ *Гўҳар* — туянинг бир тури.

⁴ *Аврат* — хотин, аёл.

⁵ *Билол* — ислом тарихидаги илк муаззин (вафоти — 641).
Баланд, ширали, таъсирли овозга эга бўлган.

* * *

Кел, кўнглим, сенга маслаҳат,
 Сўзламайин фош бўлмассан.
 Фонийдир бу ёлғон дунё,
 Унда бир кун хуш бўлмассан.

Аввал гулдек дил хушларсан,
 Сўнг сўлдириб, кўз ёшларсан,
 Ҳам ташларсан, ҳам тишларсан,
 Биздан узок ҳеч бўлмассан.

* * *

Эй дил, дунёдан кеч, айлама ҳавас,
 Фонийдир, ҳеч кимга поёни бўлмас.
 Жон қуши булбулу танинг бир қафас,
 Бир кун учар — боқий даврони бўлмас.

Бир нечани шоҳлик билан шод этди,
 Олам ичра шаҳриёр¹ деб от этди,
 Ажалнинг дастидан бир кун дод этди,
 Дунёга устун ҳатто хони бўлмас.

* * *

Кимни бой қилди-ю, кимни фақир, хор,
 Фақирни айлади бой кўлига зор,
 Ажал ели эсса, илож йўқ зинҳор,
 Кетгусидир — яхши-ёмони бўлмас.

* * *

Неча минг бой йиғиб молу дунёни,
 Лаълу² жавоҳирдан бўлиб макони,

¹ Шаҳриёр — буюк шоҳ.

² Лаъл — қизил рангли ялтироқ қимматбаҳо тош.

Қолди ордан қасру кўшку айвони,
Кетган қайтмас — бунинг имкони бўлмас.

* * *

Кетади дунёга келган ҳар инсон,
Ғофиллиги боис алданар нодон,
Бор йиққан-терганинг қолади, инон,
Олиб кетган марди майдони йўқдир.

* * *

Дўстлар, вафоси йўқ фоний дунёнинг,
Ўлгунча тарк этма хайру эҳсонинг,
Кетгандан сўнг йўқдир келмоқ имконинг,
Инон, бу сўзларнинг ёлғони бўлмас.

* * *

Оқил шудир, майл этмаса дунёга.

* * *

Қора қонлар ютиб, ҳасратлар чекиб,
Молга машғул бўла-бўла кетарсан.
Лабинг қимирлатиб, юрагинг ёқиб,
Ўйлайсанки, бирга ола кетарсан.

Мунча азоб ўфил-қиз, хотин учун,
Мунча ишрат тупроқ бўлар тан учун,
Сўнгсиз пушаймонни, икки кун учун,
Ўз устингга ола-ола кетарсан.

Бўлма қундуз, силовсинингга мағрур,
Ажал эгар танинг бўлса-да темир,
Қилча жонга қисқа умрингда, ахир,
Мунча хизмат қила-қила кетарсан.

* * *

Молини истама ҳеч бахил бойнинг,
Эл кезиб, тўймайди кўзи гадоининг.

* * *

Махтумқули, ўзингдан бўл бохабар,
Қаён борма, ажал ёқангдан тутар,
Фамхона деб отанг дунёдан ўтар,
Сенми бундан кула-кула кетарсан?

* * *

Эй ўлкаси обод, мулкига мағрур,
Мулкнинг бақоси йўқ, нега ётибсан?
Эй иқболи бедор, давлати масрур¹,
Давлат вафоси йўқ, нега ётибсан?

* * *

Жон ипи омонат бир қил мисолдир,
Нафсинг пашша бўлса, мол худди болдир,
Дунё бир селдиру умринг-чи солдир²,
Ишонч — асоси йўқ, нега ётибсан?

* * *

Келган кечар, қўнган кўчар, одамзод,
Юргин, сен ҳам бир манзилга етарсан.
Яхшидир дунёда қолса яхши от,
Бу дунёга келган бўлсанг, ўтарсан.

Аслинг кимдир — ёдга ол, ғофил инсон,
Ажал пойлаб юрар изингдан ҳар он,

¹ *Масрур* — шод, хурсанд.

² *Сол* — паром, қайик, кема.

Келган кечса, эккан кўтарса хирмон,
Ўрта ерда сен не ишлар этарсан?

Жабр этма, қийнамагин бу жонинг,
Қўлга кирмас калаваси жаҳоннинг,
Эҳтиёт бўл, қадам қўйган замонинг,
Дунё — ботқоқ, бўғзинггача ботарсан.

Илҳом келди, ҳаддан ўтди, сўз ошди,
Бу йўллардан тўғри юрган туз¹ ошди,
Умрингдан то ҳар кеча-кундуз ошди,
Ҳар тонгига бир кунингни сотарсан.

Олтин-кумуш, шоҳи-ипак бўлар дом,
Охиратнинг йўлин тўсарлар мудом,
Бу бозорни қиздирди чарх тонгу шом,
Ким ютдики унда, сен ҳам ютарсан?

Умринг ўтар, тушиб кибру ҳавога,
Қиёматда қолса абад жазога,
Ишонма ҳеч бу омонат дунёга,
Бор, бор дея йўқ бўларсан, йитарсан.

* * *

Ғам чекма, ғариб одам,
Беклар, шоҳлар қолмаслар.
Азим-азим шаҳарлар,
Оқ ўтовлар қолмаслар.

Қолса сўздан ширин тил,
Жон жавҳардир², тан бир кул,

¹ Туз — текислик, водий.

² Жавҳар — асос, моҳият, гавҳар.

Минг бир мақомли булбул,
Буюк тоғлар қолмаслар.

* * *

Булбул эгаллаган ҳаволи боғлар,
Булбул сендан кетар, фиғон қолмагай.
Қорлию ёмғирли, туманли тоғлар,
Селлар сендан кетар, туман қолмагай.

Инсон яратилмиш: ким улуғ, ким хор,
Ким эсли, ким телба — турфа феъл-атвор,
Йигитлик ҳаётда гўё навбаҳор,
Баҳор сендан кетар, замон қолмагай.

Келганга пешвоз чиқ бўлса мажолинг,
Яхши тутавергил нияту феълинг,
Дунё давронида очиқ тут қўлинг,
Давр сендан кетар, даврон қолмагай.

Тўполон, гапу сўз — дунёда шу ҳол,
Ким: “Бер, ҳо, бер!” — дейди, ким дер:
“Ол, ҳо, ол”

Йигитлар, бу дунё шунга бир мисол,
Чакмоқдан, булутдан нишон қолмагай.

Бир манзилки, уч-тўрт кун еб-ичганда,
Ўрнашиб, шахт билан белинг ечганда,
Узангинг тортарлар тўрт кун кечганда,
Беш кундан ортиқча меҳмон қолмагай.

Бир куни ер сенга очади қучоқ,
Бу наргис¹ кўзларга тўлади тупроқ,

¹ Наргис — бўтакўз.

Ўзингга ишонма, эй барқ урган боғ,
Гулларинг сўлару сайрон¹ қолмагай.

Махтумкули айтар ориф² дўстига,
Ажал тушмай қолар кимнинг қасдига?
Фалак бир кун тикар ернинг остига,
Тил кетар, сўзлашга имкон қолмагай.

* * *

Иқболинг уйғонса, давлат ёр бўлса,
Тоққа тишинг урсанг, тошни синдирар.
Толеинг терс келса, бахтинг шўр бўлса,
Хатто юмшоқ ҳолва тишни синдирар.

Ажалингдан қўрқиб, кирсанг уммонга,
Қўркувдан не фойда кетажак жонга,
Бир кун кунинг битиб, тўлса паймона³,
Кўкнори сомони бошни синдирар.

Сўзларига кулоқ солгил билганнинг,
Охири ҳеч ерга етмас ёлғоннинг,
Умри узун бўлар олқиш олганнинг,
Қарғиш кўкартирмас, ёшни синдирар.

Оқилнинг сўзидан кўнгил суюнар,
Аҳмоқнинг ишидан зехнинг койинар,
Қўрқоқ кенг майдонда оқил кўринар,
Тор даврада ақлу ҳушни синдирар.

¹ *Сайрон* — 1) сайр, гашт; 2) сайргоҳ.

² *Ориф* — маърифат соҳиби, Оллоҳни таниган киши, комил инсон.

³ *Паймона* — қадах, май пиёласи. Бу ерда: умр қадаҳи.

* * *

Соғлигинг қадрини билгил хаста бўлмасдан
бурун,
Хасталик шукрини қилгил токи ўлмасдан
бурун,
Бўз ер қадрини билгил сувга тўлмасдан бурун,
Кемада ҳушёр ўтир гирдоб келмасдан бурун,
Ёшлигинг қадрини билгил катта бўлмасдан
бурун.

* * *

Улғайиб, кўнглингадир ёлғончи дунё севгиси,
Кўз гўзалларга қараб, сени гуноҳга қўйгуси,
Тарқатиб ғийбат тилинг, ёлғону лофлар дегуси,
Хотиринг айлар паришон уйланишнинг қайғуси,
Не ажаб, хушҳол эдинг, ўзингни билмасдан
бурун.

* * *

Ҳақ мудом ёдингда то ишлар ёмон ҳолда экан,
 Эсламас Ҳақни сира инсон хуш аҳволда экан,
 Беҳуда ўтказма умринг, фурсатинг қўлда
 экан,
 Сўлдирар эсса хазон ели сени гулдай экан,
 Гулни ёдингдан чиқарма токи сўлмасдан
 бурун.

¹ *Асно* — вақт, замон, фурсат.

Билмасанг яхши билиб ол: бу жаҳон
 меҳмони сен,
Боғла юкни токи қарвон йўлни олмасдан
 бурун.

Қолмамиш бу кўхна дунё Рустам¹ ила
Золига²,
 Бўлма мағрур икки кунлик озик-овқат,
молингта,
 Алмашар Ҳақ орифи дунё ипагин шолига,
 Тур саҳар, Махтумқули, йиғла бугун ўз
ҳолингта,
 То қиёмат кунда терлаб, уялмасдан бурун.

Чарх томоша қилар осмонга чиқиб,
Одамзод мол учун юрагин ёқиб,
Дунё аждарҳоси ўтли дам чекиб,
Жумла жондор тухмин ютмайин қолмас.

¹ *Рустам (Рустами Достон)* — Ўрта ва Яқин Шарк халқлари оғзаки ижодида ва мифологиясида шаклланган қадимий образ. У паҳлавонлик, халоскорлик ва жўмардлик тимсолидир. Рустами Достон “Шоҳнома”нинг энг асосий ва мукамал ишланган образларидан бўлиб, шу асар орқали бу образ янада кенг шўҳрат қозонди.

² Зол — “Шохнома”нинг асосий қаҳрамонларидан баҳодир Сомнинг ўғли, Рустамнинг отаси. Онадан оппоқ сочи билан туғилгани учун Золи зар — Тилла бола деб аташган.

* * *

Махтумкули, бу дунёнинг давлатин
Келган кўрар — чекар ўлим захматин,
Мудом юритарлар ажал шарбатин
Бу шарбатдан ҳеч ким тотмайин қолмас.

* * *

Дунё бир манзилдир келиб-кетарга,
Бу манзилга келган кетмайин қолмас.

* * *

Токи келдинг бу ёлғончи жаҳонга,
Оёқ остигамас, боқдинг осмонга,
Фалак бозорида еганинг нонга,
Одам ўғли умрин сотмайин қолмас.

* * *

Ихлос билан комил пирга қўл берган
Етар бир манзилга — етмайин қолмас.

* * *

Одам ўғли, ўзинг билмай,
Қадам-қадам ўтажаксан.
Ҳақ сирини бажо қилмай,
Нафс хоҳишин тутажаксан.

Истарсан аламни олсанг,
Қорундек ганж¹ ичра қолсанг,
Ҳалол, ҳаром нима топсанг,
Кўзинг юмиб ютажаксан.

¹ Ганж — бойлик, ҳазина.

Қайдан келдинг — билдингми ҳеч?
Унутдинг Ҳақни эрта-кеч,
Кўнглингга келса нима иш,
Ўйламай жаҳд этажаксан.

Аслинг нима — этгил назар,
Тутган ишингдан қил ҳазар,
Ажал сенга етса агар,
Қани, айт-чи, нетажаксан?

Дунё ишқин қаттиқ тутма,
Ишингни кўр, бекор ётма,
Махтумқули, ҳеч унутма,
Кетажаксан, кетажаксан.

* * *

Таом лаззатсиз бўлар
Гар оғзингдан тиш кетса.
Жоҳил учун яхшидир
Мол ўрнига бош кетса.

* * *

Бир нокасга зор бўлиб,
Юргунча бемор бўлиб,
Соз яхшига ёр бўлиб,
Бир ёмондан дош¹ кетса.

* * *

Дуч келмаганлар ғамга,
Шукр этмаслар бу дамга,
Ҳурмат-обрў одамга,
Яхши келиб, хуш кетса.

¹ Дош — бу ерда: узок, йирок.

* * *

Ёмон тил йўл йитирар,
Яхши раҳмат келтирар.

* * *

Фироғий, дунё бир туш,
Билсанг, тушнинг таги бўш,
Жаҳонда энг ёмон иш
Қуруқ келиб, бўш кетса.

* * *

Махтумқули, йўлнинг олди, орти бор,
Чекар юкин, ҳар кишининг марди бор.

* * *

Эй азизлар, ҳаром ишга урмас қўл,
Агар яхши бўлса феъли банданинг.
Нопоклигу ёмонликка бермас йўл,
Ҳаққа тўғри бўлса йўли банданинг.

Умрин гули ажал елидан сўлар,
Дунёда топгани йўқотиш бўлар,
Жаҳаннам ўтидан бўйни кутулар,
Ҳақни ёд айласа тили банданинг.

Гўрга олиб кетмас дунё молидан,
Юзи қора, жавоб келмас тилидан,
Қиёмат кунида нолир қўлидан,
Закотсиз йиғилган моли банданинг.

* * *

Қари дунё куради дом,
Инсон ҳаёл сураи мудом,

Гап-сўз, кураш бўлмас тамом,
Ҳар ким юз талошлар билан.

* * *

Бекор қўйма умр тахтин,
Уйғот ухлаб ётган бахтни.

* * *

Такдирнинг, ажалнинг йўқдир малҳами.

* * *

Эй азизлар, молу дунё ҳаваси,
Кўринмоқдир бир-бирига безаниб.
Йигит ғурур, қиз карашма эгаси,
Паҳлавонлар майдон кўзлар ясаниб.

* * *

Ажал ўкин териб қўймиш камонга,
Билиб бўлмас — қачон қасд қилар жонга,
Нега парвойинг йўқ ёлғон жаҳонга,
Умринг ўз-ўзидан кетмас узаниб.

* * *

Дунё вужуд учун бир темир қафас,
Ажал шери наъра урар ҳар нафас,
Ғафлат уйқусини кўп қилма ҳавас,
Қазо қилич тутиб юрар кезиниб.

* * *

Нафсинг ором эттирмас,
Дунё қочар — еттирмас,
Умринг этак туттирмас,
Бу ҳийлагар замона.

* * *

Сўз бор: хаддан ошар иш,
Кетсанг бундан уёна.

* * *

Умр беш кун, манзили уч,
Давронинг бир соат билан.
Юрар карвон, боғланар кўч,
Ўтибсан фароғат билан.

* * *

Нафс — кофир, шайтондир шум,
Ишлар қилар айлаб хужум,
Қоларсан бир куни маҳрум,
Юрмоқ хуш қаноат билан.

* * *

Жонни қийна, нафсга бер хай,
Охиратни ўйла жиндай.

* * *

Банда бўлсанг, одамзод бўл,
Жаббор¹ демабди: “Жаллод бўл”,
Савоб йиғиб, бор, озод бўл,
Уялма хижолат билан.

* * *

Одам ўғли ўзин билмас,
Нафсидан ўзга иш қилмас,
Ризкинг зарра ортиқ келмас
Кезсанг юз хаёлот билан.

¹ *Жаббор* — Оллоҳ таолонинг гўзал исмларидан бири: бандалари ишини ислоҳ этувчи.

* * *

Ҳар нокас деб жон чекмагинг абасдир,
 Ҳиммати паст сенга сира эл бўлмас.
 Бўстон сайри ҳар кишига ҳавасдир,
 Ҳар майсадан, ҳар райҳондан гул бўлмас.

* * *

Қўрқоқнинг бўлмайди сира кўнгли соф,
 Марднинг ишин кўриб, айлармиз инсоф,
 Белгиси: кўнглини тутгани шаффоф,
 Мард одам ҳеч номард билан эл бўлмас.

* * *

Бошингга келганни бандадан билма,
 Агар одам бўлсанг, беҳуда елма,
 Яхшиларга эргаш, ортидан қолма,
 Бу йўлда сира тоғ билан чўл бўлмас.

* * *

Гийбат билан юзинг терисин шилма,
 Шайтон билан нафсни сира дўст билма.

* * *

Этмагил хиёнатни,
 Ютмагил диёнатни,
 Тангрининг омонати
 Жон-танингда қарз эмасми?

* * *

Эй азизлар, одам ўғли
 Бўз тупроқдан бўлмоғи ҳақ.
 Асли тупроқ бўлгандан сўнг,
 Яна тупроқ кирмоғи ҳақ.

* * *

Бу кун зўрлаб олган молин
Эрта қайтиб бермоғи ҳақ.

* * *

Одам ўғли, бу дунёга
Қўймас сени, олажакдир.
Ҳалол-ҳаром йиққан молинг
Сўнгра сендан қолажакдир.

Ҳар қанча яшасанг ўзинг,
Қолар яхши-ёмон сўзинг,
Хумор кўзинг, гулдек юзинг
Хазон уриб сўлажакдир.

Тандан жудо бўлар қонинг,
Этдан айру устухонинг,
Тан билан пайваста жонинг
Ёт, бегона бўлажакдир.

* * *

Бу дунёга келган жонлар,
Бири-бирига меҳмонлар.

* * *

Не учун ҳаром ерсан,
Ҳақ бергани ҳалол бор!

* * *

Кўнгил қўйма кўп дунёга,
Йўлдан озиб, тушма чоҳга.

* * *

Бу дунёнинг ғавғосига бош урма,
Ул ғавғога кирсанг, чиқа билмассан.
Малъун шайтон каби безаб, тош урма,
Маҳкам бўлгандан сўнг йиқа билмассан.

* * *

Қорнингни тўлдирма ҳаром неъматдан,
Тилингни сақлагил турли ғийбатдан,
Олимларга қилма ноҳақ туҳматдан,
Қорнинг ўтдан тўлар, тўка билмассан.

* * *

Ажал келиб бир кун тутар ёқадан,
Ўнгингга, чапингга боқа билмассан.

* * *

Яхши ният айла, ҳам яхши амал,
Яхши сўзни дилга сингдир ҳар маҳал.

* * *

Яхши сўзла бир мусофир дуч келса,
Хурсанд бўлар сўзинг унга хуш келса,
Мард йигитга ёмон хотин дуч келса,
Сочига эрта оқ солар, чол этар.

* * *

Комилнинг сўзидан жон бўлар тоза,
Беғамнинг сурати ўхшар тўнғизга.

* * *

Йигит бор, гаплашсанг, чўлнинг хайвони,
Йигит бор, гаплашсанг, жоннинг дармони,

Яхши эр-хотиндан тукқан кайвони¹
Ўзига эл хизматини йўл этар.

Нописанд иш чикмас ундан ҳеч сўзда,
Якин, бегонани билар бир кўзда,
Икки ёв урушиб қолгани кезда,
Яраштириб, заҳар оғзин бол этар.

* * *

Сўзнинг маъносига етмас ҳар киши.

* * *

Ҳар кишининг ўлса тукқан қардоши,
Фалак унинг алиф² қаддин дол³ этар.

* * *

Саҳар вақти ётманг, тилак чоғидир,
Умр елдек келиб кечар, азизлар.
Ажал — соқий юрар қўлида жоми,
Ул майдан халойиқ ичар, азизлар.

* * *

Жон қуши бу танда беш кун меҳмондир,
Парвоз этиб, бир кун учар, азизлар.

¹ *Кайвони* — ёши улуғ, кўпни кўрган, кўп нарсани биладиган, уздабурон.

² *Алиф* — араб алифбосининг биринчи ҳарфи: “а”, “о”. Тик ва тўғрилиги жиҳатидан баланд ва келишган қоматга нисбат берилади.

³ *Дол* — араб алифбосидаги “д” ҳарфи; мажозан: эгилган, букик.

* * *

Бу дунё, билсангиз, кўхна саройдир,
Халойиқ карвондир, кечар, азизлар.

* * *

Дунёда ҳар қанча ёнса чироғинг,
Ажал ели тегиб ўчар, азизлар.

* * *

Бу дунё, билсангиз, хою ҳавасдир,
Оқибат ўларсиз, барча абасдир.

* * *

Эй азизлар, мусулмонлар,
Омонатдир жон, қолмагай.
Соғлиққа йўқдир ҳеч ишонч,
Мисоли меҳмон қолмагай.

* * *

Одам ўғли, қолма ғофил,
Кўч кетар, карвон қолмагай.

* * *

Кимнинг ортида ўғли бор,
Кимдандир нишон қолмагай.

* * *

Одам ўғли, бу дунёда кезарсан,
Бир кун сенинг алиф қадинг дол бўлар.
Ғофил қолма, тўғри йўлдан озарсан,
Булбул каби сайроқ тилинг лол бўлар.

* * *

Биров макон тутса узок жойларни,
 Ҳасрат билан ҳар бир куни йил бўлар.

* * *

Ҳар кимки шариат йўлин билмаса,
 Олимлар сўзини кўзга илмаса,
 Киши қирқ ёшда ҳам тавба қилмаса,
 Унинг иши макру ҳийла, ол¹ бўлар.

* * *

Ким узокқа тушса юртдан, ватандан,
 Хабар сўрар ҳар бир йўлдан ўтгандан,
 Термулиб тилайди ҳожат етгандан,
 Ҳожати битмаса, бемажол бўлар.

* * *

Бу дунёда ғанимат бил дами сен,
 Ғам дастидан йигит киши чол бўлар.

* * *

Ҳеч ким топмас мангу ўрин,
 Соғликда тўкиб-соч борин,
 Шунча йиғиб, нетди Қорун?
 Ташлаб қочар дунёдир бу.

* * *

Ейсан мудом дунё деб ғам,
 Ўлсанг-да бир кун, эй одам,
 Қаттиқ деб партўшакни ҳам,
 Ерни қучар дунёдир бу.

¹ Ол — макр, ҳийла, найранг, фириб.

* * *

Ҳар бир қилган ишларингга
Ҳисоб сўрар дунёдир бу.

* * *

Ҳар йигит кетса бенишон,
Изи ўчар дунёдир бу.

* * *

Давлатинг қушини қочирма қўлдан,
Яхшилик истама бефаҳм гўлдан,
Узилма тил билган дўсти оқилдан,
Сақлар обрўйингни у бир им билан.

* * *

Гарчи тилда дўст ҳам бўлса шонингда,
Бир ит билан таёқ сақла ёнингда,
Бир кун бир дард ўтин ёқар жонингда,
Ҳаётда топишиб юрсанг шум билан.

* * *

Кўп йиғлаган бир кун кулар.

* * *

Давлат фалакда айланар,
Кимдан учар, кимга қўнар.

* * *

Эй одамзод, фикри-зикринг
Ёлғон дунё хавасидир.
Ҳозир-ку, сен шунга мастсан,
Бир кун дардга қўясидир.

* * *

Гўзал бордир — қазғоқ босган сочини,
 Тоза тутмас сира ўчоқ бошини,
 Хурмат қилар на қари, на ёшини,
 Унинг хизматидан қочгинг келар-ей.

Гўзал бордир — оқ қоғоздай билаги,
 Жони билан пайвастадир юраги,
 Шундай гўзал мард йигитнинг тилаги,
 Нима сўраса ҳам бергинг келар-ей.

Махтумқули, синов керак гўзалга,
 Нима қисмат бўлса, тортар азалга,
 Дунё молин сарф эт яхши гўзалга,
 Ёмоннинг ёнидан қочгинг келар-ей.

* * *

Ҳар ким сулувман дер, бўлмас эътибор,
 Сунбул сочи, қилдай бели бўлмаса.
 Юраги от калласидек ботирлар
 Хотинчамас, от-яроғи бўлмаса.

* * *

Боғ ичра сайрашган шайдо булбуллар
 Тўрғайчамас, қўнар гули бўлмаса.

* * *

Қушлар уча билмас қуйруқ-қанотсиз,
 Ошиқ ёрга етмас доду фарёдсиз,
 Бир бедов хоназод¹ бўлар сиёқсиз,
 Қуйруғи, кокили, ёли бўлмаса.

¹ Хоназод — хонаки.

* * *

Даладаги сувсиз арикқа ўхшар,
Хар кимнинг саховат-хайри бўлмаса.

* * *

Бош қўшма, қадрингни билмас ярамас,
Бош қўшсанг қўш топиб чин инсонни, бас,
Бир ёғмас булутга ўхшайди, хуллас,
Хар кишининг ҳиммат-хайри бўлмаса.

* * *

Аввало мол яхши, молдан бош яхши,
Бош давлатин топган молга қарамас.
Асранди ўғилдан тукқан ёт яхши,
Нодон қари ота — чолга қарамас.

Отда оёқ бўлса, бошқа син¹ бўлмас,
Гайратли эр иши ҳеч қийин бўлмас,
Жанг куни қўрқоқда бирор ун бўлмас,
Ерга қарар, ўку ёйга қарамас.

* * *

Мард дўстанд кечади одам оч қолса,
Ёр ёрдан айрилар узоқда бўлса,
Яхши эрга ёмон хотин дуч келса,
Ташлар-кетар — ҳовли-жойга қарамас.

* * *

Кўхна дунё ярамаснинг уйидир,
Кимки судхўр² бўлса, дўзах жойидир,

¹ Син — синаш, текшириш.

² Судхўр — пул қарз бериб, фоизи, фойдаси ҳисобига бойлик орттирувчи киши.

Олтин-кумуш кўзларининг мойидир,
Мард йигитлар бузуқ жойга қарамас.

* * *

Эрдан қолган, эри ўлган жувонлар
Мард йигитни кўзлар, бойга қарамас.

* * *

Ҳар ким ўз ёрини тўлин ой билиб,
Ойин кўзлар, ўзга ойга қарамас.

* * *

Тўқсон хил ош-овқат бўлса қошингда,
Лаззат йўқ, ичида туз ҳам бўлмаса.

* * *

Қисматни ҳақ билган демас ризқни кам,
Қизғанмас сўзини сўз билган одам,
Кўнгил мавж урмайди, сўзламас тил ҳам,
Дилда ишқ ўтидан из ҳам бўлмаса.

* * *

Агар Ҳақнинг ўзи қилмаса ислоҳ,
Ер юзида ортар йилдан-йил гуноҳ.

* * *

Баҳорга етганда, унутма қишни.

* * *

Одам бўлиб, одам қадрин билмаса,
Ундан кўра ўтлаб юрган мол яхши.
Сўзлаганда сўз маънисин билмаса,
Ундан кўра сўзламаган лол яхши.

* * *

Миннатли ош аччиқ бўлар захардан.

* * *

Эй азизлар, бир бозорсиз шаҳардан,
Минг мартаба гавжум бўлган чўл яхши.

* * *

Хар кимнинг ўзига Мисрдир жойи,
Ёдидан чиқмайди байрами, тўйи,
Дунёда бўлмас соғ одамдан бойи,
Оқшом ётиб, эрта шукрин қил яхши.

* * *

Бир бевафо ёрга кулиб боққандан,
Ширин жонни ишқ ўтига ёққандан,
Ёт элларда мусофирлик чекқандан,
Урса, сўкса, хўрласа-да, эл яхши.

* * *

Боши-охири йўқ минг қуруқ гапдан,
Бир шувиллаб ўтадиган ел яхши.

* * *

Азалда ҳар кимга қилса иноят,
Кўкси ичра нури иймон яратди.

* * *

Бировни паст қилди, бировни баланд,
Бирни фақир этди, бирни давлатманд,
Бирни хор айлади, бирни аржуманд¹,
Бирни гадо, бирни султон яратди.

¹ Аржуманд — азиз, мухтарам, машҳур.

* * *

Кўнгил очилар, жам бўлар,
Ўзаро инсон учрашса.
Хуш кетар, ақл кам бўлар,
Тил билмас ҳайвон учрашса.

* * *

Жанг бўлса, мард бошдан кечар,
Номард ақл-хушдан кечар.

* * *

Мард йигит темир қалъадир,
Ҳар ерда душман учрашса.

* * *

Мункирнинг¹ юзи қорадир,
Махшарда мезон учрашса.

* * *

Дунёда бахилнинг юзини кўрма,
Адашиб ош билан нонингни берма,
Қул дея йигитнинг аслини сўрма,
Хўжаси бор, балки, қулига етмас.

* * *

Яхши аёл, яхши ўғил, қиз, қардош —
Бу давлат ҳар кимнинг қўлига етмас.

* * *

Номард мард йигитнинг қадрини билмас.

¹ *Мункир* — рад қилувчи, инкор этувчи.

* * *

Комил мард йигитлар ҳақингни емас,
Дунё молин берсанг, номардлар тўймас.

* * *

Мард йигитлар кечар бошдан,
Майдон ичра уруш билан.

* * *

Булбул қафас ичра ёш тўкиб турса,
Бонларда очилган гулдан не фойда?

* * *

Ориф бўлсанг, кулоқ бергил ўғитга,
Бир япроқ чиқарми қуриган тутга?
Фақир бўлиб қолган молсиз йигитга,
Беримсиз бойларда пулдан не фойда?

* * *

Отнинг энг яхшиси арғумоқ бўлар,
Қўпкари чопилар, байроқлар олар,
Тобланмаган отлар тўзонда қолар,
Устига солинган жулдан не фойда?

* * *

Мард йигит ўғилсиз бўлса,
Ўчок қолиб, уйлар йиғлар.

* * *

Одамзод дунёга бўларсан мойил,
Билсанг, охиратнинг йўли яхшидир.
Оқил бўлсанг, охират деб ҳам егил,
Аҳмоққа дунёнинг моли яхшидир.

* * *

Куфр, ғийбат, ёлғон сўзлар одамдан
Одамларнинг гунгу лоли яхшидир.

* * *

Тирикман деб ғафлат ичра ётгандан,
Иймон бирла ётган ўлик яхшидир.

* * *

Хақ ҳақида курса мўминлар суҳбат,
Сўзидан сочилар илму маърифат,
Ёмонларни сира қилмайди ғийбат,
Мўминларнинг ширин тили яхшидир.

* * *

Ширин сўзлаб, кўнглинг айла мунаввар,
Арининг заҳридан боли яхшидир.

* * *

Қўрқоқдан туғилар юраксиз ўғил,
Мард номарддан эмас, марддан туғилур.
Йигит устозидан ўрганиб хунар,
Дуосини олса, иши хайр бўлур.

* * *

Одобли бўл, тавозени қил одат,
Хар иккиси бўлар умрингга зийнат,
Ота-онангга эт туну кун хизмат,
Дуо олган узоқ яшаб, пир¹ бўлур.

¹ Пир — қари, кекса.

* * *

Бўри бўлмас тулки билан шақалдан,
Мева бўлмас эксанг ҳар хил ниҳолдан,
Тақдирга ишониб, қолма амалдан,
Қиёматда сенга амал ёр бўлур.

* * *

Шоҳлик айлаб, сурсин беш юз йил даврон,
Озгина айланса бу чархи гардон¹,
Қасрин киши қилса мисоли ризвон²,
Не фойда, эгаси бир кун ер бўлур.

* * *

Ҳалол луқма нур бағишлар кўзларга.

* * *

Нафсингни алдашга арпа нони бас,
Ҳеч қачон тамани қилмагил ҳавас.

* * *

Ақлинг бўлса, яхшиларга ҳамдам бўл,
Аҳмоқ ўзин нодон билан ёр айлар.

* * *

Моли кўп деб, меҳмон бўлма номардга,
Мард камбағал бўлса ҳамки, бор айлар.

* * *

Мард йигит мол топса, ҳиммати ортар,
Номардга пул тушса, кўнглин тор айлар.

¹ Чархи гардон — айланувчи фалак.

² Ризвон — жаннат, бихишт.

* * *

Оз сўзлашни ўзингга бил фазилат,
Кўп сўз сени эл ичида хор айлар.

* * *

Кўрган сари кўнгил совир
Сабрсиз-қарорсиз эрдан.
Садоқатли ит яхшидир
Уятсиз-иқдорсиз эрдан.

* * *

Хамроҳ бўлма сира ярамас билан,
Нажас боссанг, бурнинг тўлар ис билан,
Гавҳардан ясасанг узук мис билан,
Қиммати камаймас, ҳурмат яхшидир.

* * *

Зинҳор қасд айлама ейдиган нонга,
Кўнглинг хайрга боғла, сидқинг — иймонга,
Озор берма асло бир мусулмонга,
Ўғри эрдан, бир тўғри ит яхшидир!

* * *

Қўлдан келар яхши ишинг бўлмаса,
Кўнгил ичра яхши ният яхшидир.

* * *

Йўқ давлатдан яхши бўлса бир хунар,
Минг хунардан зарра давлат яхшидир.

* * *

Хар нокасга тўкма дарду сўзингни,
Ҳасрат ўти жисминг ёққанча бўлмас.

Гусса билан дона-дона кўзингдан
Надомат ёшини тўкканча бўлмас.

* * *

Қаноат қил, иззатда тут ўзингни,
Тама билан сарғайтирма юзингни,
Ҳар номардга ҳайф айлама сўзингни,
Сўзингнинг биносин йиққанча бўлмас.

* * *

Мағрур бўлиб юрма умринг гулига,
Соврилар у бир кун хазон елига,
Юз йил яшаб, тушсанг ажал кўлига,
Чапингдан ўнгингга боққанча бўлмас.

* * *

Кўнгли қора билан бўлманглар улфат,
Юқар ундан турли-туман касофат,
Кўмирга ҳар қанча айласанг иззат,
Манглайга қораси юққанча бўлмас.

* * *

Махтумқули сира топмади омон,
Ёмон тил қиличдан, болтадан ёмон,
Ёмон тил олдида заҳарли илон —
Чақса-да, бир чивин чаққанча бўлмас.

* * *

Умид уз ўзини билмас одамдан,
Фаросатсиз ому хосни¹ не билсин?

¹ Ому хос — барча, ҳамма; оддий одамлар ва юқори табақадагилар.

Хайр кутма ичкиликбоз беғамдан,
Майхўр пок билан ифлосни не билсин?

* * *

Ёмонга яхши сўз ёқмас — ташланар,
Оқилнинг қасдига жоҳил кучланар,
Ит овқатин ерга тўксанг хушланар,
Тупрокни, товоқни, тосни не билсин?

* * *

Момақалдирокдан таралган овоз
Карга таъсир этмас — сасни не билсин?

* * *

Эй азизлар, эр йигитни эр билар,
Номард яхшию нокасни¹ не билсин?

* * *

Ўтли, сувли дўзах ундан яхшидир,
Хар шаҳарнинг бир бозори бўлмаса.

* * *

Ул йигитлар одам тилли бир ҳайвон
Сўз укмаса, ҳам иқрори бўлмаса.

* * *

Ёмон қилиқ дўстни душман қиладир.

* * *

Юз йил яшаб, беш кун умр кўрмаган
Хар кимнинг муносиб ёри бўлмаса!

¹ Нокас — ярамас, пасткаш.

* * *

Сўз не керак, харидори бўлмаса?!

* * *

Муҳаммад уммати молсиз бўлмасин,
Молсиз бўлса, қавму қардош ёт бўлар.
Қочар ака-уканг, қолмас ҳурматинг,
Қувонар душманинг, дўстинг мот бўлар.

Фақир оёқяланг, белбоғи — печак,
Маъракада ўрни пойгак бўлажак,
Фақирлар от миниб чопса, у — эшак,
Бадавлатлар эшак минса, от бўлар.

Бир тилак тиласанг, ҳожатинг битмас,
Дўстинг ихлос билан марҳамат этмас,
Маъракада айтган сўзинг жой тутмас,
Тингламаслар — қуруқ сўзинг бод бўлар.

* * *

Бировни камситган одаммас минбаъд.

* * *

Етар бир мўминни айламоқ гийбат,
Гийбатчининг борар ери ўт¹ бўлар.

* * *

Сабрсиз қул тез йўлиқар балога,
Сабрли қул бора-бора шод бўлар.

¹ Ўт — бу ерда: дўзах, жаҳаннам маъносида.

* * *

Яхшининг дўсти кўп, ёмон беқардош.

* * *

Хар йигитнинг аслин билай десангиз,
Даврада ўтириб-туришин кўринг.
Биров билан ошно бўлай десангиз,
Аввал ўз аҳдида туришин кўринг.

* * *

Бир пул тушса бир ифлоснинг кўлига,
Кўксин очиб юрар кишининг елига.

* * *

Харидор бўлсангиз қизга, келинга,
Хулқ-атвор, ўтириб-туришин кўринг.

* * *

Мард йигитнинг от-яроғи шай бўлса,
Етишар ҳар ерда хайда-хай бўлса,
Ўзи Хотам бўлиб, яна бой бўлса,
Тўрт тарафдан меҳмон келишин кўринг.

* * *

Мард бошга иш тушса кўрар Худодан,
Номарднинг ҳамроҳдан кўришин кўринг.

* * *

Номард юрар мудом ўлимдан қочиб,
Уйига келганда захрини сочиб,
Мард йигит меҳмонга кўксини очиб,
Номарднинг уйидан қочишин кўринг.

* * *

Мард йигитнинг иши суҳбат — соз бўлар,
 Кўнгли киш бўлмайин, доим ёз бўлар,
 Яхшининг кўнглида гина оз бўлар,
 Ёмоннинг ҳар куни урушин кўринг.

* * *

Жамоатсиз азон қуруқ бир сасдир.

* * *

Судхўрнинг дунёда пул йиғмоқ дарди.

* * *

Одамзодга сира айтманг аччиқ сўз,
 Фақиру мискинга мурувват яхши.

* * *

Етимни кўрганда кулиб турсин юз,
 Қўлдан келса, беринг унга таом-туз,
 Бир ғамгин учраса, бўлинг ширинсўз,
 Бева-бечорага химоят яхши.

* * *

Йигит улдир — сўзга айласа амал,
 Қўлдан келмас ишга этмаса жадал.

* * *

Ғариблик бир дардки, одам ўлдирмас,
 Валекин ҳаётда бир дам қулдирмас,
 Бўрига айбини ит ҳам билдирмас,
 Албатта, душманга сиёсат яхши.

* * *

Кимки сулҳ сўраса, диёнат яхши.

* * *

Хар кишининг икки бўлса аёли,
Кеча-кундуз иши баҳс, жанжал бўлар.
Хар бирининг бордир юз минг хаёли,
Еб-ичгани захар, бадахвол¹ бўлар.

* * *

Махтумкули, ҳеч ким билмас ботинни²,
Уйлансангиз, қараб олинг зотини,
Худо кўрсатмасин ёмон хотинни,
Одам ўзин билмай хомхаёл бўлар.

* * *

Биёбонда ит кўрмаган тулкилар
Хаёл қилар ётган шерни отмоққа.

* * *

Қарға дер: “Мен каби қарчиғай йўқ, чин”,
Минг қарға йиғилса, бўлмас бир лочин!

* * *

Оқсоқ кийикка юз бўрсиқ³ етолмас,
Шерваччани тўқсон тулки туюлмас,
Калтакесак зоти илон ютолмас,
Ақл шарт буларни англаб етмоққа.

¹ Бадахвол — ахволи ёмон.

² Ботин — 1) ички олам, кўнгил, рух, хаёл; 2) яширин, пинҳон, ниҳон.

³ Бўрсиқ — сувсарлар оиласига мансуб йиртқич.

* * *

Ёмон ишдир кек сақласа эр эрдан.

* * *

Билган тўғри йўлга бошлар чин билан,
Оқил йигит сўз бошламас “мен” билан,
Номард доим кенгашар хотин билан,
Мард хотин йўл кўрсатишин англамас.

* * *

Марддан ҳожат сўрсанг, дейди:
“Хўп бўлар”
Бир эҳсондан етмиш бало даф бўлар,
Қўрқокнинг кенгаши уйда кўп бўлар,
Душман кўрса, қилар ишин англамас.

* * *

Ҳақ йўлида кимки хайр-эҳсон қилар,
Қиёматда бир ўрнига ўн келар,
Номард душман кўрса, кўркувдан ўлар,
Мард йигитлар тўрту бешни англамас.

* * *

Марднинг ўғли йиғин кўрса, йўл бошлар,
Номард ўғли тенгу тўшин англамас.

* * *

Эшак ўзин кам санамас бедовдан,
Унинг фарқи от ёнида билинар.
Бедов десанг, барча бедов бўлмас тенг,
Чин бедов жанг майдонида билинар.

* * *

Ёмонга ёқмайди сўзинг, ўгитинг.

* * *

Ориф бўлсанг, аслин сўрма йигитнинг,
Одобида, икромиди билинар.

* * *

Бу жаҳондан тўймас кўзинг — сер¹ бўлмас,
Ҳар тулкидан йўлбарс бўлмас, шер бўлмас,
Йигит десанг, барча йигит бир бўлмас,
Мард йигитлар меҳмонида билинар.

* * *

Давлат қўнса мард йигитнинг бошига,
Ҳимоятли эли керак қошида.
Йигит ўзин маълум этар ишида,
Қиличида, забонида² билинар.

* * *

Махтумкули, мазлумларнинг кўз ёши,
Тоғларни ёндириб, эритар тошни,
Мазлумга зулм этган золимнинг иши
Махшарда Ҳақ девонида³ билинар.

* * *

Бир-бирини қириш эмас эрликдан,
Бу иш шайтондандир, балки кўрликдан,
Адоват айирар элни бирликдан,
Давлат қайтиб, навбат душманга келгай.

¹ Сер — тўқ.

² Забон — тил.

³ Девон — 1) ҳисоб-китоб дафтари; 2) маҳкама.

* * *

Тингла, макон тутган киши чўлларда,
Мурувват камайса улуғ элларда,
Халққа қаҳатчилик тушиб йилларда,
Хасталик кўпайиб, қасд жонга келгай.

* * *

Гуноҳ кўпайтириш — шайтоннинг иши,
Қаҳрин ичга ютиш — Раҳмоннинг иши,
Кўпайса ҳар элнинг саркори¹ — боши,
Низоми бузилиб, вайронга келгай.

* * *

Қайси мамлакатда кўпайса зино,
Замин жунбиш айлаб, ларзонга келгай.

* * *

Ҳар эл одат этса шароб ичмоққа,
Унда бало-қазо дармонга келгай.

* * *

Савдогарлик қилиб бозор кезгандан,
Олсанг насихатим, қиммат, яхшидир.
Ҳотам каби ҳар кун олтин бергандан,
Кўнгилдан қилинган ҳиммат яхшидир.

* * *

Бир мард яхши кўрқоқларнинг юзидан,
Жанг вақтида отар душман кўзидан,

¹ Саркор — ишбоши, бошқарувчи, назоратчи.

Хар ким қайтар бўлса айтган сўзидан,
Динга мункир бўлган Язид¹ яхшидир.

* * *

Хайр ишни тарк этиб, бад² иш кўзлардан,
Дўстдан сир яшириб, қусур излардан,
Худони унутиб, ёлғон сўзлардан,
Жим ўтиришни қил одат яхшидир.

* * *

Бемаҳал солинган бузук кўприкдан,
Дўзах устидаги Сирот³ яхшидир.

* * *

Ёлғончининг бўлмас онти, иймони.

* * *

Ортингга боқ, олдни кўзла,
Қаҳринг яшир, хуш сўз изла,
Сўзлай билсанг яхши сўзла,
Халқ ёмоннинг безоридир.

* * *

Бунда золим сурса навбат,
Эрта Ҳақ ғариб ёридир.

¹ *Язид* — умавия сулоласига мансуб араб халифаларидан бири.

² *Бад* — ёмон.

³ *Сирот* — қиёмат куни жаҳаннам узра тортилган қил-кўприк.

* * *

Дунёда бор ишдан ёмон
Бир мўминнинг озоридир.

* * *

Эл-юртда қадр қолмаса,
Сўз ҳам кўп дардга доридир.

* * *

Элга ўзин яхшиликда танитган
Дуо олиб, даражаси зўр бўлар.
Ёмон бўлиб, яхшиликни унутган
Назардан қолару итдан хор бўлар.

* * *

Ўз ризқига ҳеч қаноат этмаган,
Кўз тикар киши ошига, зор бўлар.

* * *

Ҳар ким ёмонласа тенгу тўшини,
Мушкул этар ўзи осон ишини,
Ким йўқотса ақли билан ҳушини,
Қилар ишин билмас, шармисор бўлар.

* * *

Зеҳни ўтмас бўлар бошдан янгилган¹,
Ноилож қолади қўли танғилган,
Курашда йиқилган, жангда енгилган,
Ичи тўла номус билан ор бўлар.

¹ Янгилмоқ — янглишмоқ, адашмоқ.

* * *

Уйига борсангиз бир бениёзнинг¹,
Кайфияти тушиб, кўнгли тор бўлар.

* * *

Ким киришиб қўлдан келмас ишига,
Уддасидан чиқа билса, эр бўлар.

* * *

Бир кун тавба қилмас адашган, озган,
Қайнамас ўт ёққан билан бўш қозон,
Қаерда бўлмасин ҳар феъли ёмон
Ёмон оқибатга сазовор бўлар.

* * *

Бадбахту гуноҳкор, қисмати ёмон
Тўқнаш келса, бир ёмонга ёр бўлар.

* * *

Ким ўқиб, унутса Ҳақнинг каломин,
Қиёматда икки кўзи кўр бўлар.

* * *

Иймони заифдир ҳаром еганнинг.

* * *

Насиҳат айлайин, тингланг, йигитлар,
Ёмон хотин бошлар тўйга бош бўлманг.
Минг насиҳат айтсанг, бирисин олмас,
Оғзи бир бўлмаган уйга бош бўлманг.

¹ Бениёз — бу ерда: ўзига тўқ, давлатманд, эҳтиёжсиз.

* * *

Ҳалим¹ бўлинг, қаттиқ сўзни хуш кўрманг,
Эл, одамлар билан филлу² ғаш бўлманг.

* * *

Насиҳат тингласанг, эрнинг эрисан,
Насиҳат олмасанг, кўпнинг бирисан.

* * *

Тўғри юрган, тўғри кезган тўқ бўлар,
Бевақт юрганга маломат кўп бўлар,
Умринг бўйи йиққан молинг йўқ бўлар,
Ҳаром севар йигитларга бош бўлманг.

* * *

Ёмон билан сира бирга юрманглар,
Ўйнаб-кулиб, бирга бир жой борманглар,
Бир куни қасд этар, ғофил турманглар...

* * *

Қаён кетма, борар еринг гўр бўлар,
Савоб тўпла, гўринг тўла нур бўлар,
Яхши бўлсанг, жойинг жаннат, ҳур бўлар,
Ёмон бўлсанг, куйдирарлар нор³ билан.

* * *

Йўли унмас, бир манзилга етишмас,
Рахнамо деб, йўлга кирган кўр билан.

¹ Ҳалим — юмшоқ, мулойим.

² Филл — кина, адоват.

³ Нор — бу ерда: ўт, олов.

* * *

Гар амирнинг, гар вазирнинг ақли қисқа,
Ул амирнинг номи охир эл аро бадном бўлур.

* * *

Оқилу соҳибкамолнинг ақли бирлан тутган иш,
Бошлагай ишни узоқдан, интилиши ком¹ бўлур.

* * *

Мол-мулкингга мағрур бўлма сира ҳам,
Эй, йўқ жойдан келган кетди йўқ жойга.
Бўлар-бўлмас ишлар учун ема ғам,
Кўплар келиб, ботиб қолмиш бу лойга.

* * *

Мақсадига етар интилган чиндан.

* * *

Олам ичра одам қолмас, ном қолар.

* * *

Бу тупроқ тан қолмагай жавҳари жон ичинда.

* * *

Мол-дунё деб чопарсан то бўғзинг ичра
 дам бор,
 Дам бўғзингдан чиққунча бошингда минг
 бир ғам бор,

¹ Ком — истак, хоҳиш.

Ғам остида ётибсан — на дори, на малҳам бор,
 Оч кўзинг тўлдиришга бир ховучгина қум бор,
 Эй одамзод, жаҳонда сендан-да ғофил ким ор,
 Қушга, қуртга назар сол — жумла фармон
 ичинда.

* * *

Эй дўстлар, у дунёга борган бору келган йўқ,
 Ўлик-тирик ҳолидан ёду хабар билган йўқ,
 Чархи фалак дастидан йиғлаган бор,
 кулган йўқ,
 Ўйлаб кўринг, азизлар, эскилардан қолган йўқ,
 Бу дунёнинг вафоси йўқдир десам, ёлғон йўқ,
 Дунёга бел боғлаган қолди зиён ичинда.

* * *

Дунёи фалокат қўлидан дод ила бедод,
 Алдар кишини жилва қилиб мисли паризод,
 Фиръавну¹ Язид ўтди, қани Намруд² Шаддод³,
 Хусрав⁴ ўқиди неча ғазал, бир неча абёт⁵,
 Ширинни дея чекди жафо ошиғи Фарход,
 Тоғлар юзини лолаю райҳон қилиб ўтди.

¹ *Фиръавн* — қадимги Миср подшоҳи.

² *Намруд* — афсонавий золим шох. Унинг фармони билан Иброҳим пайғамбар ўтга ташланган.

³ *Шаддод* — қадимги Эроннинг пешдодийлар сулоласига мансуб тўртинчи ҳукмдор.

⁴ *Хусрав* — машҳур форс-тожик шоири Амир Хусрав Деҳлавий (1253—1325).

⁵ *Абет* — байтлар.

* * *

Дедим: “Моҳияти нима дунёнинг?”
 Деди: “Ётсанг — тушу уйғонсанг хаёл”.

* * *

Дедим: “Молу дунё севгиси нима?”
 Деди: “Бошоғриғу охири завол”.

* * *

Дедим: “Дунё учун бахсу жанг недур?”
 “Қурук бақир-чақир, беҳуда жанжал”.

* * *

Дедим: “Бу севгидан, молдан нима наф?”
 “Йиғмоғи қайғую кетмоғи малол”.

* * *

Дедим: “Банда жаҳди берарми фойда?”
 “Ҳақ қўлламаса наф бермоғи маҳол”.

* * *

Дедим: “Уйланганнинг ҳоли не бўлар?”
 “Боши айшу сўнги кулфат, билиб ол”.

* * *

Дунё бир душмандир, одамзод ғофил,
 Молию авлоди душмандир-душман.
 Ўн саккиз минг дерлар жумла оламини¹,
 Гуноҳу фасоди душмандир-душман.

¹ Диний тасаввурлар ва тасаввуф фалсафасига кўра, ўн саккиз минг олам мавжуд. Бу тушунча коинотнинг бепоёнлиги ва мавжудотнинг беҳисоблигини англатади.

Кулу чўринг, молинг, отинг-эшагинг,
От-яроғ, асбобинг, тўнинг, тўшагинг,
Хотин, бола-чақа бўлмас тиргагинг,
Дунёнинг бор зоти душмандир-душман.

* * *

Йигитлик мавсуми етишган чоғи,
Тегса хазон боди душмандир-душман.

* * *

Тама аралашган намоз қабулмас,
Давлатга ишонманг, пучдир, азизлар!

* * *

Аслинг бир ховуч кум, умринг бир нафас,
Ишларинг ўзингга муносиб эмас,
Жасад бир манзили тан эса қафас,
Жон бир кўзи боғлиқ кушдир, азизлар.

* * *

Нажот топкунг — Ҳақ йўлида жон берсанг,
Хулла¹ бўлар бир ғарибга тўн берсанг,
Соя бўлар бир мухтожга нон берсанг,
Бир очни тўйдириш хаждир, азизлар.

* * *

Бу дунё деганинг икки вароқдир,
Ярмиси қарою ярмиси оқдир.

¹ *Хулла* — нафис матодан тикилган безакли кийим, ипак тўн.

* * *

Ўлим минг бор осон дўст фироғидан.

* * *

Юртнинг эгаси бўлмаса,
Арбоблар амир бўлади.
Уч йил шерга дуч келмаса,
Тулки, шақал шер бўлади.

* * *

Инсон яшаб, тўйдим демас,
Ажални ҳеч кутган эмас,
Тулки сарқитин шер емас,
Гар еса, заҳар бўлади.

* * *

Дард — юракда бир ўт бўлар,
Сўз — жаҳонда бир от бўлар,
Факирга дўсти ёт бўлар,
Мол топса, ёт ёр бўлади.

* * *

Мард жангда нақ тўй ичида,
Оч бўридир қўй ичида,
Номард кўрқар уй ичида,
Борсанг зўр, ботир бўлади.

* * *

Фироғий, будир дард зўри:
Курир эгасиз юрт шўри,
Шер зарбин кўрмаса бўри,
Хар мурти¹ шамшир бўлади.

¹ Мурт — мўйлов.

* * *

Номарддан бирор иш бита қолмаган,
Итдан биров суяк ола олмаган,
Тулки оғзига гоҳ увоқ солмаган,
Яхши оч бўлса ҳам шерга юз тутсанг.

* * *

Ҳақ бир назар солса, давлат ёр бўлар.

* * *

Таги паст ҳеч тузалмади,
Асил инсон бузилмади.

* * *

Аҳмоқ билан сирдош бўлсанг бир соат,
Пинҳон сириг сақлай билмай, фош этар.
Бир бевафо ёрга қўйсанг муҳаббат,
Минг бир ғам билан оғзингдан тиш кетар.

* * *

Таги паст кўтармас бўлса беш кун маст,
Калтакесак ўлик илондан-да паст,
Айиқдан ҳеч қачон чиққан эмас дўст,
Қаҳри келса, сенга тош отмай нетар?

* * *

Бедовни фарқламас ҳар боққан инсон,
Жўмардни эл танир, одилни девон,
Отни майдон билар, ҳимматни меҳмон,
Мард дастурхон ёзиб, зиёфат этар.

* * *

Йигитнинг орзуси: маҳбуб, яроғ, от,
Уятга қўяди элни кўрқоқ зот,
Овулда жанг бўлса, нокаслар, ҳайҳот,
Мушт кўтариб, марднинг бошига етар.

* * *

Махтумкули айтар: йигитлар боши,
Даврада кўп бўлар унинг сирдоши,
Жангда марднинг бўлмайди жон талоши,
Эл номуси учун мудом бош тикар.

* * *

Базм нашъасини билмаган одам,
Фазилат аҳлининг сўзига етмас.
Ўзи хунук, хулқи ёмон, муттаҳам
Паризоднинг этган нозига етмас.

* * *

Ярамаснинг сўзи жонингдан ўтар,
Ғийбат қилиб, ўзи гуноҳга ботар,
Ёмоннинг зиёни элига етар,
Нодоннинг фойдаси ўзига етмас.

* * *

Одам борки, шоҳлар этади даъват,
Одам бор, мазлумни қақшатиш одат,
Одам бор, қилмас партўшакка тоқат,
Одам бор, пок қизнинг тизига етмас.

* * *

Қўрқоқнинг бўлмайди номусу ори,
 Жанг чоғида қочиб қолиш шиори,
 Ўн минглик қўрқоқнинг сафи, қатори
 Мард аҳлининг олти юзига етмас.

* * *

Сўз, маъни англамас беақл одам
 Доноларнинг айтган сўзига етмас.

* * *

Иззат-хурмат умид этма
 Ибрат кўрилмаган жойда.
 Оқил бўлсанг, ҳеч сўз айтма,
 Навбат берилмаган жойда.

* * *

Ақли бутунлар унутмас,
 Қуруқ ёғочга барг битмас,
 Эс-ҳуши бор маскан тутмас,
 Хулқи севилмаган жойда.

* * *

Бил, кўмилган ариқ окмас,
 Ҳаммадан ёруғлик чиқмас,
 Ит қарамас, мушук боқмас,
 Супра ёйилмаган жойда.

* * *

Ҳаж айлаган хожи бўлур,
 Гул очилса, бир кун сўлур,
 Хизмат қилсанг, бўласан хўр,
 Қадринг билинмаган жойда.

* * *

Номард мол-дунё деб бўзлар,
 Фақир ош устида сўзлар,
 Қилич ушлаб, жангни кўзлар
 Душман кўрилмаган жойда.

* * *

Уйда туриб ботир бўлар,
 Қўрқоқ гўё мард эр бўлар,
 Тулки, шақал ҳам шер бўлар
 Кураш қурилмаган жойда.

* * *

Ақл билан боксин кўзинг,
 Қулоққа ил марднинг сўзин,
 Фироғий, сўз очма ўзинг,
 Сендан сўралмаган жойда.

* * *

Ҳар дам ғаниматдир, билмайсан нега,
 Дам чикса, кирмоғи гумон кўринар.
 Биздан бурун келган кўчибди тонгда,
 Йўл узок, қоронғи, туман кўринар.

* * *

Умрингни беҳуда савдога сотма,
 Дунё ўткинчидир, аён кўринар.

* * *

Хўжа, саидми, шоҳ — сўрамас насаб,
 Қиёмат келганда оларлар ҳисоб,
 Харомга азоб бор, шубҳага итоб,
 Бунда яхши — унда ёмон кўринар.

* * *

Мағрур бўлма ўрнашдим деб бу жойга,
 Бебақодир, ҳаял ўтмай кўчарсан.
 Қадах айлантирар ажал соқийси,
 Ўлим майин бир кун сен ҳам ичарсан.

* * *

Бу дунёда ҳеч тугамас ғам, ташвиш.

* * *

Жон бир қушу дунё дону фалак — дом,
 Қачон ундан қутуларсан, қочарсан?!

* * *

Дарди йўқлар дарди борни тингламас.

* * *

Аҳмоқ сўздан нашъа қилмас, англамас,
 Ориф бўлсанг, сўз маънисин очарсан.

* * *

Қора тошда қора қилни кўрган кўз,
 Бу айб кўрар нигоҳ кўзга меҳмондир.
 Келган ош деб келмас, буриштирма юз,
 Нонга муҳтож эмас, сўзга меҳмондир.

* * *

Баҳорда очилган ранг-баранг гуллар
 Бир фасл яшар — кўкламга меҳмондир.

* * *

Не улуғ хунарлар, не сирли ишлар,
 Не баҳаво боғлар, баланд оғочлар¹,
 Олтмиш хилли, етмиш турли емишлар,
 Дарахтдан айрилар, кузга меҳмондир.

* * *

Йигитнинг бўлмаса яроғи, оти,
 Иштиёғи қолмас, сўнар ғайрати,
 Қарийверсанг кетар белнинг қуввати,
 Йигитликнинг кучи тизга меҳмондир.

* * *

Хар узун умрнинг охири ўлим,
 Эсиз жонлар танда бизга меҳмондир.

* * *

Гўзал жувон, мағрур бўлма кўркинга,
 Кексаярсан, ҳуснинг юзга меҳмондир.

* * *

Қанча яшамасин ернинг юзинда,
 Одам беш кун дунёмизга меҳмондир.

* * *

Терс айланар ғаддор² фалак дастидан,
 Тонг шод бўлган кечга бориб кулмади.

¹ Оғоч — дарахт.

² Ғаддор — 1) маккор, ҳийлагар; 2) хоин, алдамчи.

* * *

Хар кун кафан бичар бичиқчи ажал,
 Бу овчи тинимни билмас ҳеч маҳал,
 Одамлар тушар бу тўрга галма-гал,
 Бугун кўрганларинг эрта қолмади.

* * *

Тингла — ҳақиқатдир шоирнинг сўзи:
 Бир томошахона бу дунё ўзи,
 Вақт етиб, одамнинг юмилса кўзи,
 Гўё бу дунёга келди-келмади.

* * *

Осмонўпар қаср қурдирган Ҳорун¹,
 Қани, дунёни тўрт бўлган Фаридун?²
 Қирқ уйни олтиндан тўлдирган Қорун,
 Кўзи қумдан тўлди, пулдан тўлмади.

* * *

Яхши фарзанд сенга раҳмат келтирар,
 Лаънат олган фарзанд бўлди-бўлмади.

* * *

Одамзод меҳмондир дунё уйига,
 Бир кун бу уй ичра меҳмон топилмас.

¹ *Ҳорун* — аббосийлар сулоласига мансуб халифа Ҳорун ар-Рашид (ҳукмронлик йиллари 786—809).

² *Фаридун (Афридун)* — пешдодийлар сулоласига мансуб олтинчи подшоҳ. У адолат рамзи ҳисобланади.

* * *

Жоҳиллик дардига дармон топилмас.

* * *

Кўнгил бўстонида иймон тоза гул.

* * *

Бор неъматдан афзал соғлик мазаси.

* * *

Нимага кўп бўлса ишқинг, хавасинг,
Ётсанг-турсанг хаёлингдан кетмас ҳеч.

* * *

Одамзод, дунёга келдинг кетмоққа,
Гўрдир сенинг борар жойинг ётмоққа,
Истарсан жаҳонни қўлда тутмоққа,
Магар бу ишларга ақлинг етмас ҳеч?

* * *

Дунё бозорида фалак қиморбоз,
Ҳеч йўл билан инсон уни ютмас ҳеч.

* * *

Ошу сувдан агар топар тан лаззат
Ширин сўздан топар мудом жон лаззат,
Жон уйидан укмаса хуш насиҳат,
Қора тошга теккан сувдек ўтмас ҳеч.

* * *

Махтумқули, ёшлик баҳорга киёс,
Тани соғнинг иши мудом суҳбат-соз,
Яхши кунлар кўп бўлса ҳам, гўё оз,
Ёмон кунлар оз бўлса ҳам, ўтмас ҳеч.

* * *

Қаноти кўтарар кўкка кушларни.

* * *

Ёшлик кучи синдиради тошларни,
Қирқдан ошсанг, чўка-чўка кетарсан.

* * *

Яхши кунда хушу хурсанд кезмоққа,
Борди-келди қилишмоққа ёт яхши.
Бошингга иш тушса, жанжал чиққанда,
Тукқан яхши, қардош яхши, зот яхши.

* * *

Хонадон устуни — ўғил зурриёт,
Яхши хотин жисму жонингга қувват,
Уч нарса бўлса бас йигитга фақат:
Хотин яхши, яроғ яхши, от яхши!

* * *

Тангри кенг айласа банда кўнглини,
Ризқ оғзига кирар тутса кўлини,
Давлат келар бўлса, топар йўлини,
Келар бўлса-кетар бўлса, ёт яхши.

* * *

Наф олмаган киши сўздан, ўгитдан,
Афзал жойи бўлмас қуруқ самбитдан¹,
Тенгин билмас, маъни уқмас йигитдан,
Каталакда хомуш ётган ит яхши.

* * *

Махтумқули, дўстдан сиринг яширма,
Бевафодир — номахрамга дил берма,
Халқ ичида бўлар-бўлмас гапирма,
Сўзлар бўлсанг, маънисига ет яхши.

* * *

Эсган сари олар авж дунё ели,
Қасд этса, қуритар ҳаттоки Нилни²,
Бир кунда қўзғатиб, маст этар филни,
Махв³ ҳам этар пашша урган пар билан.

* * *

Ишонч йўқ бойлигу молга,
Дунё ўхшар тушимизга.

* * *

Фалак бизга эгри боқиб,
Қўл узатиб, афсун ўқиб,
Қоқ ўртага донни тўкиб,
Тузоқ қурмиш ташимизга.

¹ *Самбит* — толнинг бир тури, самбиттол.

² *Нил* — Мисрдаги катта дарё.

³ *Махв* — йўқолиш, йўқотиш.

* * *

Бу дунё фонийдир, билмас вафони,
 Бу дунёга келган-кетиб борадир.
 Ким қўш қўллаб тутар молу дунёни,
 Тутганнинг қўлларин очиб борадир.

* * *

Солар ширин-ширин ҳисобга дунё,
 Қўяр аччиқ-аччиқ азобга дунё,
 Тутдирмас — ўхшайди саробга дунё,
 Тутқизгандек бўлиб қочиб борадир.

* * *

Тушиб бўлмас маккор фалак олдиға,
 Лабларинг тамшанар дунё молиға,
 Бир кун ўроғини олиб қўлиға,
 Ҳўлу қурук демай ўриб борадир.

* * *

Икки кун хуш бўлса, уч кун воёмиш,
 Бу қандай манзилмиш, бу қандай жоймиш,
 Бу дунё гўё бир карвонсароймиш,
 Келган юкин қўйиб, кечиб борадир.

* * *

Ётса-турса хаёлидан кетмайди,
 Бирор ишга мойил бўлса одамзод.

* * *

Гунохдан қўрқмаган юзи қорадир.

* * *

Етмаса сўз маънисига ҳар инсон,
Бул бир дардки, топилмайди ҳеч дармон.

* * *

Омадлининг киши ҳам ёз кўринади,
Дунё кўлига кирса, оз кўринади,
Ёшликдаги кўп ишлар соз кўринади,
Қирқдан ошиб, оқил бўлса одамзод.

* * *

Фаҳм эт жаҳоннинг руҳи-равишин¹,
Барқарор деб билма дунё туришин.

* * *

Эзиб ёнғоқ пўсти, лола гулини,
Сувин сочга сурсанг, қора ранг бўлар.

* * *

Гуноҳдан кўнгилни, ғийбатдан тилни
Сақламасанг, қалб кўзгуси занг бўлар.

* * *

Ҳар кишининг иши бўлса ёмонлик,
У икки дунёда топмас омонлик,
Душманни дўст қилар ширинзабонлик²,
Феълинг ёмон бўлса, ишинг жанг бўлар.

¹ *Руҳи-равиш* — расм-қоида.

² *Ширинзабонлик* — ширинтилик, ҳушмуомалалик.

* * *

Йигитнинг бўлмаса ахдга вафоси,
У олам аҳлининг бўлар расвоси,
Қай дилда бўлмаса иймон зиёси,
У дил қора тошга ҳамоҳанг бўлар.

* * *

Тушунганга қилар биргина сўз кор.

* * *

Кўп дуо олганнинг иши ўнг бўлар.

* * *

Азизлар, фоний дунёнинг
Охири барбод кўринар.
Алдаб тутар жон қушини,
Шум фалак сайёд¹ кўринар.

* * *

Кўрасан не бўлса қисмат,
Ташвишинг битмас ҳеч фурсат,
Ўғилсизнинг иши ҳасрат,
Чунки беавлод кўринар.

* * *

Кимнинг кулса бахт-иқболи,
Кун сайин ортар камоли,
Яхшининг ёмон аёли
Жонига жаллод кўринар.

¹ Сайёд — овчи.

* * *

Гўзал кўрмаганга ҳар вақт
Хунук паризод кўринар.

* * *

Қора қарғанинг фарзанди
Унга хушсурат кўринар.

* * *

Минган эшаги ночорнинг
Қозигида от кўринар.

* * *

Душман кўрганда номардлар
Бир заиф аврат кўринар.

* * *

Ётсанг тўшакда бемор,
Фойда бермас молу кор¹,
Зар тўксанг ҳам бемиқдор,
Кўзга илмас, жон керак.

* * *

Дуодан эр кўқарар,
Ёмғирдан ер кўқарар.

* * *

Қарға ярашмайди гўзал боғларга,
Гул шохиди булбул сайрар чоғларда,
Ернинг остидаю конли тоғларда
Аждарҳо эгаллар ғорнинг яхшисин.

¹ Кор — иш, амал, ҳаракат.

* * *

Юрак дардга тўлиб, тегади жонга,
Шақал юлиб кетса овнинг яхшисин.

* * *

Бу кадимдан қолиб келган масалдир,
Типратикан ейди қовун яхшисин.

* * *

Бўйсунди тилин билсанг ваҳшийнинг,
Ҳақини еб кетма сира қўшнининг,
Ақлинг бўлса, обрўси бор кишининг
Ёмонин яшириб, ёйинг яхшисин.

* * *

Махтумқули, одат шудир замонга,
Яхшини йиғлатар, кулар ёмонга.

* * *

Дунёда бир неча иш бордир ёмон,
Бири шу: ноўрин қаҳринг жўш келса.
Ошиққа ҳар куни бир охирзамон,
Ёрдан узоқ тушиб, кўнгли ғаш келса.

* * *

Дўстинг ушлаб турма, нафдан қолмасин,
Душманинг сақлама, сиринг билмасин,
Очда олгинг, бойда бергинг бўлмасин,
Иш мушкулдир англамасга дуч келса.

* * *

Ўн кат уйинг бўлса темир қалъадан,
Ажал топар — амр бўлса Оллоҳдан,
Чинакам эр юз ўғирмас балодан,
Ҳақ ризоси билан бошга тош келса.

* * *

Ошиқман деб лоф урарлар ёлғондан,
Аломатин айтар сўрсанг билгандан,
Эл кўзига юз йил тоат қилгандан,
Яхшидир бир саҳар кўздан ёш келса.

* * *

Дўзахдадир то дунёдан ўтгунча
Ёмон хотин яхши эрга дуч келса.

* * *

Минг ҳирс билан молу дунё йиғарсан,
Бир пул деб юз кўнгил уйин йиқарсан,
Дунё дарёю тан — сол, сен оқарсан,
Қачонгача тенг кетарсан туз билан?

Бу дунёдан бир хас элтди қайси зот?
Аввали — ғам-қайғу, охири — барбод,
Бўлажагинг шудир сенинг, одамзод,
Йўқ бўларсан тупроқ билан, тўз билан.

* * *

Дерлар: “Ноҳақ туҳмат оғир осмондан,
Ширин сўз ҳамиша ортиқ жаҳондан,
Мунофиқнинг кўнгли қаттиқ сандондан¹,
Ўхшайди қаноат аҳли уммона.

¹ Сандон — темирчиликда ишлатиладиган темир тўнка.

* * *

Золим шоҳ куйдирар оловдан баттар,
Бир не сўрса, бахил муздан-да ўтар,
Фақирга жабр аччиқ заҳардан аксар,
Ўғитдир бу сўзлар, биздан нишона”.

* * *

Тегирмончи тутса лочинни агар,
Патларини юлар, қадрин на билсин.
Чўпоннинг қўлига тушса бир гавҳар,
Чақмоқ тоши қилар, қадрин на билсин.

* * *

Фақирга муносиб сабру каноат,
Бойларга ярашар хайру саховат,
Эшакфурушларга тушса асл от,
Айил, тўқим солар, қадрин на билсин!

* * *

Завқ айламас сўз аслига етмаган.

* * *

Телба Мажнун ишқи асар этмаган
Паризод Лайлининг қадрин на билсин?

* * *

Чўлда очлик азобини кўрмаган
Уйда иссиқ ноннинг қадрин на билсин.

* * *

Ўтгандан сўнг одам англар давлатин,
Билмас давлат билан ўтган навбатин,

Киши чекмай беморликнинг захматин,
Бу гўзал соғликнинг қадрин не билсин.

* * *

Ипни қаттиқ боғлаб, лангар солмаган,
Гирдобга фарқ бўлар ҳазир бўлмаган,
Кемаси саёзда ботиб қолмаган,
Қуруқ қора ернинг қадрин не билсин.

* * *

Айрилиқ ўтида ёниб пишмаган,
Солимлар дастидан ўлка ошмаган,
Ватандан айрилиб, ғариб тушмаган,
Ўз юртида элнинг қадрин на билсин.

* * *

Йигит эмас ўз сўзида турмаса,
Улов қадрин билмас киши ҳормаса,
Ўрдак билан ғозлар чўлни кўрмаса,
Яшнаб турган кўлнинг қадрин не билсин.

* * *

Аслида сўз фаҳмин билмас одамга
Минг маъни сўйласанг, қадрин на билсин!

* * *

Ақл билан қанча ишни этма жам,
Чарх бир кун тўзғитар, ҳисоб топмассан.
Савоб тўпла соғлик чоғингда, одам,
Ер остига кирсанг, савоб топмассан.

* * *

Йигирмада бўлмас йигитнинг ёми,
 Тоғни йиқиб, тошни эритар дами,
 Бир куни ўтади ёшлик мавсуми,
 Йиғлаб-йиғлаб келсанг, жавоб топмассан.

* * *

Кел, эй кўнглим, сенга насиҳат айлай,
 Ватанни тарк этиб кетувчи бўлма.
 Ўзингдан тубан бир ўзга номарднинг
 Хизматида қуллуқ этувчи бўлма.

* * *

Оқмасдан қолмагай бир оққан ариқ,
 Бир танда одам гоҳ семиз, гоҳ ориқ,
 Бир юзи қорадир, бир юзи ёруғ,
 Қора деб қаттиқ сўз айтувчи бўлма.

* * *

Яхшилардан сира чиқмас ёмонлик,
 Асли ёмон бўлса, бўлмас омонлик,
 Аслига тортадир чопқир, чаманлик¹,
 Чопқирни чаманга сотувчи бўлма.

* * *

Бир насиҳат берай, пандимни олсанг:
 Ўрнингни бил қайда ўтирсанг-турсанг,
 Айтилмасдан туриб бир ерга борсанг,
 Киши ошин тузин тотувчи бўлма.

¹ Чаманлик — чаманга оид. Чаман — секин юрувчи от, ялқов от.

* * *

Айтилган жойга бор, ўтир-да, турма,
Айтилмаган ерда кўринма, борма,
Беномус кимсадек суйкалиб юрма,
Буюрмаган ишни этувчи бўлма.

* * *

Агар сен ҳам бўлсанг юмшоқ, мулойим,
Сен мулойим бўлсанг, кулинг бўлайин,
Кулоғимга берган пандинг олайин,
Бировга қаттиқ сўз айтувчи бўлма.

* * *

Кўкдан нам тушмаса, ер ҳам кўкармас,
Минг қайғу йиғилса, бир иш битирмас,
Мард йигит кўнглига қайғу келтирмас,
Номард ўғли каби қайғучи бўлма.

* * *

Мард ўғли ёяди элга дастурхон,
Тўғри сўз устида берар ширин жон,
Умри ўтиб, демас бир оғиз ёлғон,
Жаҳд айлаб, ёлғон сўз айтувчи бўлма.

* * *

Тошбағирнинг кўнгли сира бўш бўлмас,
Қанча уринмасин, таъби хуш бўлмас,
Икки яхши бир-бирига дуч бўлмас,
Яхшини ёмонга чатувчи бўлма.

* * *

Гар топсанг дунёда мулки Искандар,
Қоруннинг моли ҳам бўлса муяссар,

Оқибат бўларсан ерга баробар,
Ич-ичдан манманлик этувчи бўлма.

* * *

Бўлсанг ҳамки ҳарчанд соҳиби мансаб,
Сўзин тингла, бузма кўнглини қийнаб,
Ё жим ўтир, ёки топиб гапир гап,
Кўлдан келмас ишни этувчи бўлма.

* * *

Йигитлик бўстондир, кексалик — хазон.

* * *

Айтарлар: “Йиртиқ тўн кўрса, ит қопар”,
“Феъли ёмон банда Худодан топар”,
Оқибат бир куни қиларсан сафар,
Тор кўнгиллик касбин тутувчи бўлма.

* * *

Китоб очиб ўқиганни мулла дер,
Кўкаради ёмғир суви билан ер,
Кўкаради олқиш, дуо билан эр,
Мазлумга жафолар этувчи бўлма.

* * *

Ҳурмат-обрў билан киши бой бўлмас,
Ҳар қанча интилса, мол-мулк шай бўлмас,
Жаҳонни қакшатиб, кўнгли жой бўлмас,
Жаннатдай жойингдан кетувчи бўлма.

* * *

Бир куни келади қарилик — офат,
Йигитнинг кетади белидан қувват,

Эй ғофил, ҳар дами билгил ғанимат,
Ўликдек чўзилиб ётувчи бўлма.

* * *

Ит боласи йўлдан този деб озар,
Ҳақ кечирар, банда аҳдини бузар,
Арғумоқ боласи тобора ўзар,
Эй банда, аҳдингни бузувчи бўлма.

* * *

Давлатли ўғиллар ёшда бош бўлар,
Бойлар яшагани сари ёш бўлар,
Шафқатсиз золимнинг бағри тош бўлар,
Борар ерга кесак отувчи бўлма.

* * *

Тажрибасиз эр ёш боладек бўлар,
Бўлар-бўлмас сўзни айтувчи бўлма.

* * *

Англамай сўзлама: “Томда қулоқ бор”,
Ич сиринг кишига айтувчи бўлма.

* * *

Қўлдан кетса йигитликнинг баҳори,
Қувват қочар, тиз эгилар, бел қолмас.

* * *

Бир номарднинг кўп миннатли ошидан,
Қўл узатмай, қайтавергин қошидан.

* * *

Мард йигит бўлсин қардошинг,
 Бўлмаса тинч бўлмас бошинг,
 Топиб айбингни сирдошинг,
 Эл-юртга аён айлади.

* * *

Эксак ҳосил бермас ҳеч қуруқ самбит,
 Аблаху нодон ким олмаса ўгит,
 Туғма ғайратсизу номуссиз йигит
 Яхши ёр қадру қимматин на билсин!

* * *

Билинмас одамнинг фарқи
 Син билан ташдан, тўғриси.

* * *

Қиз олинар қалин билан,
 Одам сўлар зулм билан,
 Бу — қисматдир, ўлим билан
 Тинар ташвишдан, тўғриси.

* * *

Тиллар яхши-ёмон сочар,
 Ҳар кишидан даврон кечар,
 Номард йигит айбин очар
 Сездириб ичдан, тўғриси.

* * *

Ичар бўлса ҳар ким шароб,
 Ажрармиш хушдан, тўғриси.

* * *

Икки дунё яхшилик йўқ эгрига,
Одам бўлсанг, қадам қўйгил тўғрига.

* * *

Дунё мудом дил тифлаган,
На шод қолди, на йиғлаган.

* * *

Нодонга ҳар қанча сўзласанг оят,
Пайғамбар ҳадисин этсанг ривоят,
Ачиниб минг бир сўз қилсанг ҳикоят,
Ҳатто қулоғининг ташига етмас.

* * *

Ранжитса ўғил-қиз она-отасин,
Тавба қилмай, Ҳақ кечирмас хатосин.

* * *

Бокмайдилар фақир томон,
Кўзга зар тўнли кўринар.
Сўз фаҳм этмас аҳмоқ-нодон,
Ўзига тилли кўринар.

* * *

Фикр эт бошга иш тушган он,
Фойда бермас сўнг пушаймон.

* * *

Ҳар бир кишига ўз ақли,
Етук, камолли кўринар.

* * *

Қадимдан қолган яхшилик,
 Яхши бўлар яхши қилик,
 Яхшилик бўлса ҳам кичик,
 Мардга севимли кўринар.

* * *

Ҳар кишининг ўз фарзанди,
 Гўзал, жамолли кўринар.

* * *

Ишнинг охирини ўйламас нодон,
 Гулдан тарвуз униб чиқмас қачон,
 Узун мажлисларга чидамас чўпон,
 Нима қилсин кўнгли жам топилмаса.

* * *

Йигитликда барча ишратда яйрар,
 Хаёлига келмас ташвишу ўйлар,
 Тишсизлар нон топса, чорасин айлар,
 Мушкулдир ейишга нон топилмаса.

* * *

Дунёда иш борми, бўлмаса сўнги,
 Машаққатдир танда жон топилмаса.

* * *

Фалак овлаган ов қочиб қутулмас,
 Одамзоднинг тортган ўқи отилмас,
 Ёлғиз эрнинг сира оти тутилмас...

* * *

Яхши эр эл айбин очмас,
Кўра-била ҳаром ичмас.

* * *

Бечорага сон йўқ, маърака кўрмас,
Фақирни Ҳақ севар, лекин мол бермас.

* * *

Бахилнинг нияти ёмон — мол йиғар,
Еёлмайди, ҳар дам ризқини қирқар,
Моли ҳаром бўлар, ўзини йиқар...

* * *

Кимлар дер: бу дунё ёлғончи, фоний,
Қувган армондадир, ўтиб борадир.
Кимлар қўлда тутиб бу кенг жаҳонни,
Ҳалол, ҳаром — барин ютиб борадир.

* * *

Мардларнинг ишлари номардга боғлиқ,
Шерларнинг тулкидан юраги доғлиқ.

* * *

Махтумкули, замин сарой мисоли,
Инсон топар-тўплар худди чумоли,
Жаннат ичра дўзахга бўлиб молик,
Чақиргандек бўлиб етиб борадир.

* * *

Кўз — гўзалда, нафс — емакда, тил эса
ғийбат билан,
Шонинг сохта, бошда йўқ кибру хаводан ўзга.

* * *

Қарилик тоат қилдирмас,
Ишинг беҳуда, билдирмас,
Фалак йиғлатар, кулдирмас,
Сур даврон ўтмасдан бурун.

* * *

Ўч-қасосдан бўлгин холи,
Оғритма дўсту ёр дилин,
Бир кун келиб ажал қўли
Ёқангдан тутмасдан бурун.

* * *

Сақла ғийбатдан тилингни,
Боғлатма икки қўлингни,
Очилган тоза гулингни
Оллоҳ сўлдирмасдан бурун.

* * *

Етмиш ёшли дўстим, қўлга олма ёй,
Ўқ нишонга тегмас қўзламак билан.
Қувонма кесакдан қурилса бино,
Бино бино бўлмас, ҳеч кесак билан.

* * *

Одамзоддан чиқар одамлик иси,
Муттаҳамнинг тезда чиқади миси,
Мўминни ранжитар ярамас киши,
Мудом даъво қилар туз-емак билан.

* * *

Аҳмоққа дил очиб, сиринг фош этма,
Сув тутиб бўлмайди ҳеч элак билан.

* * *

Дўст тутма одамнинг қари кўсасин,
Борин йўқ деб, бўш кўрсатар киссасин,
Худойим бўш этса ақлинг косасин,
Не наф ташқаридан безамак билан.

* * *

Оз ею оз ухла, оз сўзла фақат,
Не бор маънисиз сўз узамак билан.

* * *

Шубҳа домида қолганнинг
Кўнглидан гумон кетмасмиш.

* * *

Бўри дўст бўлмас ҳеч вақтда,
Умид этма ҳар номарддан.

* * *

Махтумкули, қолмиш дардга,
Ишинг тушмасин номардга,
Қиёмат куни жўмардга
Дўзахдан зиён етмасмиш.

* * *

Кимлар ҳар кадамда тайёрлаб ошни,
Кимлар оч ҳолида ётиб борадир.

* * *

Кимларга бермайди у кўрар кўзни,
 Кимлар кўёлмайди жойига сўзни,
 Кимларнинг жуда ҳам гўзалдир юзи,
 Ким эса юзини ёпиб борадир.

* * *

Кимларнинг етибди умрин заволи,
 Кимни асир этмиш гўзал хаёли,
 Кимлар бутун умр тотмаган болни,
 Кимлар захру заққум ютиб борадир.

* * *

Кимлар бу дунёдан айлаб кўп армон,
 Кимлар хандон бўлиб ўтиб борадир.

* * *

Бошин баланд тутган бу баланд тоғлар —
 Қартайиб, бошида туман қолмагай.
 Булбуллар сайраган хушҳаво боғлар —
 Хазон уриб, сарву¹ райхон қолмагай.

* * *

Ажалдан ҳеч киши қутулган эмас,
 Қорунни-да ютди шу қора ер, бас,
 Улуғ Сулаймондан қолмади нафас,
 Дарёлар қуриди, уммон қолмагай.

* * *

Эл ичра ишқ ўти ёнса,
 Аввал ишқда куйган келар.

¹ *Сарв* — қишин-ёзин кўм-кўк бўлиб яшнаб турадиган игнабаргли гўзал ва хушқомат дарахт.

* * *

Ит бўлади кучук ҳар чоқ,
 Тўнғиз ботар кўрса ботқоқ,
 Сув чиқади қазсанг булоқ,
 Излаб уни қазган келар.

* * *

Искандарга тузоқ қурган,
 Сулаймонга арзга борган,
 Қоруну Хорунни урган
 Бу фалак полвон кўринар.

* * *

Кел, кўнгил, мен сенга ўғит берайин:
 Йироқ тутма кўрар кўзинг — элингни.
 Қимматини билиб, жойида сўзла,
 Чўзаверма ҳар нокасга тилингни.

* * *

Дуо айлаб, сўзлаб яша хуш калом,
 Элнинг катта-кичигин қил эҳтиром,
 Белбоғингни маҳкам боғлаб юр мудом,
 Керак бўлар — яхши сақла белингни.

* * *

Чақирилмас жойда кўринма, борма,
 Кўлдан келса, сўфи юзини кўрма,
 Фикру зикринг дунё молига берма,
 Қорунга ўхшатма, асра феълингни.

* * *

Сўзига жавоб бер ким этса сўроқ,
 Номардга дуч келсанг, ўзинг тут йироқ,

Бир мискин термилиб йиғлагани чок,
Баҳо қўйма, текин бергин молингни.

* * *

Қўрқма номардларнинг кўп деб сонидан,
Қора кўрса, бари кечар жонидан,
Йўлин топсанг, ўтма сира ёнидан,
Бахиллардан йироқ айла йўлингни.

* * *

Ақллилар кўпу ақл ишлатган оз,
Хушингдан айирар — май ичмаган соз,
Мард кўнглида мудом баҳор билан ёз,
Кутурган дарёга солма солингни.

* * *

Отилган ўқ қайтмас ҳеч ҳам,
Мард номардни демас одам,
Қўлин чопсанг, чиқармас дам,
Чин мардона, мард йигитлар.

* * *

Эй азизлар, фоний жаҳон ичинда
Яхши-ёмон туғар-ўсар, эл кечар.
Хуш сўзлаган оғиз — хандон ичинда
Бир кун тишдан нишон қолмас, тил кечар.

* * *

Бу дунёда ишинг оху фигондир,
Бугун борсан, эртанг аммо гумондир,
Ел узра қурилган фоний жаҳондир,
Ёшларни қаритиб, умр — сел кечар.

* * *

Фалак оху воҳинг назарга илмас,
 Бу дардингга Лукмон ҳам даво қилмас,
 Яхши-ёмон, шоҳу гадони билмас,
 Қора кўз, қалам қош, хипча бел кечар.

* * *

Доно сўзга кулар нодон
 Сўз маъносин билмагунча.

* * *

Ақли бор киши май ичмас,
 Яхши элдан одам кўчмас.

* * *

Тоғ бошидан қори кетмас,
 Номард эл юмушин этмас,
 Йигитнинг армони битмас
 Жонон танлаб олмагунча.

* * *

Умр соли лойга ботар,
 Кундан-кунга дарди ортар,
 Орли эр дилин ғам ўртар
 Орин жойга солмагунча.

* * *

Мард йигитлар беқарордир
 Қўйни ёрга тўлмагунча.

* * *

Умр қисқарар қарғишдан.

* * *

Мол қадрини билган одам
Турмушин бут, нурлик айлар.

* * *

Эзма обрў тўкар ҳар чоқ.

* * *

Ҳинд агар айрилса ҳамроҳи — филдан,
Ўтган кунин, борар йўлини билмас.
Қорун айри тушса у туғма феълдан,
Кўзи тўймас, дунё молини билмас.

* * *

Агар мард йигитнинг очикдир кўнгли,
Борди-келди қилиш, суҳбат керакдир.

* * *

Душманинг ҳам тушар бўлса қўлингга,
Аввал-бошда бир мурувват керакдир.

* * *

Ғаму ташвиш эмиш тириклик тарзи,
Одамзодни қийнар узилмас қарзи.

* * *

Мард йигит бўлса хору зор
Ўзи тутган йўлдан қайтмас.

* * *

Олган жонин қора замин
Қайта харидорга сотмас.

* * *

Номардлар ўз аёлига,
Ўйламанг, ҳеч эрлик этмас.

* * *

Қаранг бу фалакнинг қилган ишига,
Яхшини ёмонга чашиб борадир.

* * *

Жон матосин биздан текинга олиб,
Бир қарич заминга сотиб борадир.

* * *

Бу сўзларни деди ул хайр ул-башар¹,
Бу фалак дўзахдан кучлироқ ёқар,
Одамларни қўзғаб қўйиб, хийлагар,
Ўзи роҳат қилиб ётиб борадир.

* * *

Оёқ-қўлсиз қолиб, бўлгандан майиб,
Бир ўқ тегиб, учиб кетса бош яхши.
Бекорликдан ғам уйида сарғайиб —
Ётгандан бошингга тушса иш яхши.

* * *

Қўлда тутиб бўлмас оҳу боласин,
Ҳамроҳ қилмоқ учун тўтиқуш яхши.

¹ *Хайр ул-башар* — инсонларнинг энг яхшиси: Муҳаммад алайҳиссалом.

* * *

Нақл бордир: “Қанор чикмас теридан”,
Одамзод яхшидир филмон¹, паридан,
Қўп ишларни бошга солган қаридан,
Сўзлашмоққа, иш қилмоққа ёш яхши.

* * *

Эшакнинг кўнгли хуш кўп бўлса сомон,
Қиш келса, тоғларни қоплайди туман,
Карлик ҳам, кўрлик ҳам, гунглик ҳам ёмон,
Ош ейишга барчасидан тиш яхши.

* * *

Лаззатсиз лукмадан, ароқ-шаробдан
Кўнгил истаб ейилган бир ош яхши.

* * *

Мард йигитга ёлғизлик-да айбдир,
Мард қардоши учдан, тўртдан беш яхши.

* * *

Бу фоний жаҳонга боқинг, азиз қилмиш
ишқни у,
Тутунсиз қилибди ёлғиз ишқ ўтининг ўзини.

* * *

Кўнгил очилар, жам бўлар
Ўзаро инсон дуч келса.
Хуш кетар, ақл кам бўлар
Тил билмас ҳайвон дуч келса.

¹ *Филмон* — жаннатдаги хизматкор бола.

* * *

Урушда мард бошдан кечар,
 Номард ақл-хушдан кечар,
 Бедов сакраб, лошдан кечар,
 Ёв раҳм этмас қон дуч келса.

* * *

Марднинг суянгани Оллоҳ,
 Қўрқоқ мудом бошга бало,
 Мард гўё бир темир қалъа
 Хар ерда душман дуч келса.

* * *

Мункирнинг юзи қорадир,
 Махшарда мезон дуч келса.

* * *

Кел, кўнглим, насиҳат айлай,
 Худосизга ҳеч ёр бўлма.
 Дуч келганни ёрим дея,
 Йўлларида безор бўлма.

* * *

Насиҳат қил тенгу тўшга,
 Бир кун ўлим келар бошга,
 Бечора, ёлғиз кишига
 Ситам айлама — зўр бўлма.

* * *

Тилагинг Оллоҳга етса,
 Даргоҳида қабул этса,
 Ўз кучингдан кунинг ўтса,
 Биров қошида хўр бўлма.

* * *

Лашкар майдонга тушганда,
 Номарднинг хуши учганда,
 Душман билан учрашганда,
 Дўстни қўйиб қочар бўлма.

* * *

Махтумқули, эмас ёлғон.
 Қолмай ўтар бунда келган,
 Йўлдан озган нодон билан
 Тенг бўлма, дўсту ёр бўлма.

* * *

Одамдан дунёда қолса бир нишон,
 Ўчмас оти унинг шул бунёд билан.
 Хароб бўлмай қолмас сарою макон,
 Нима фойда унга қуруқ от билан.

* * *

Ўлим хаёлидан бўлма ҳеч ғофил,
 Ўйлар уни доим ким бўлса оқил,
 Омонат дунёга қўймагил кўнгил,
 Ажал йиқар бир пуфласа бод билан.

* * *

Яхши сўзи жонга ёқар
 Яхши билан йўлдош бўлган.
 Қочиб қутулмоқчи бўлар
 Ёмон қўшнига дуч бўлган.

* * *

Дунёнинг сўнгги етмоқдир
 Мақсад бунда иш этмоқдир,

Қисмати ғусса ютмоқдир
Ёмон билан қардош бўлган.

* * *

Ёмон сўз дилга доғ солар,
Яхшини олам орзулар,
Ёддан чиқмас, кўрмоқ тилар
Бировдан кўнгли хуш бўлган.

* * *

Хар кимдаки хунар йўқдир,
Душманига хатар йўқдир,
Яхшилик этса ер йўқдир,
Бу замонда ювош бўлган.

* * *

Махтумқули ўғит айтар,
Тушунган қулоқда тутар,
Ўзини шармисор этар,
Бузилган элга бош бўлган.

* * *

Осмондан нур ёғса, мунаввар бўлар,
Замин яшил кийиб, лола келтирмиш.
Худонинг амрига бўйсунмас жувон
Зино қилиб, ҳаром бола келтирмиш.

* * *

Аввал оққан ердан оқармиш арик,
Манманлик қилганнинг таноби чирик,
Марддан ошна тутсанг, обрўйга шерик,
Номард ошнасига ҳийла келтирмиш.

* * *

Ҳар ким бу дунёда кезар бир хилда,
Юргин ота-бобо юриган йўлга,
Байтал тойчоғини бошлайди чўлга,
Эшак куррасини кулга келтирмиш.

* * *

Ҳар ким ўз отига мухр ёздирар,
Ёзилган тақдирни ким ҳам буздирар?
Иккиннинг сийлови бирни оздирар,
Таёқ бир телбани йўлга келтирмиш.

* * *

Махтумкули, гар тўйдирсанг бир очни,
Албатта топасан шу ерда ҳажни,
Ношуд мардлик қилса, айтиб минг важни,
Ҳар даврада юз йўл тилга келтирмиш.

* * *

Эй азизлар, мусулмонлар,
Далли кўнгил жўш бўлмасин.
Мард йигитга, қадрдонлар,
Ёмон хотин дуч бўлмасин.

* * *

Ҳар ким олса Ҳакдан раҳмат,
Қайғу кетар, қолмас кулфат,
Бош бўлмаса, турмас давлат,
Ҳеч ўлка бебош бўлмасин.

* * *

Ҳақ мадад берсин исломга,
Ким интилиб шуҳрат, номга,

Ботса гуноҳу ҳаромга,
Узоқ умр — ёш бўлмасин.

* * *

Ҳар кишининг ўз кўнгли бор,
Миясига ақлу ҳуш ёр,
Иккита дўст аро зинҳор
Ёмон, мушкул иш бўлмасин.

* * *

Ҳар кишининг ўз зурёди,
Жон ҳуши — кўнгил қуввати,
Ортсин саҳийнинг давлати,
Қўрқоқларда ош бўлмасин.

* * *

Ишқ етса одамга агар,
Уйку қочар, кўнгил ёнар,
Икки севишган муқаррар
Бир-биридан таш бўлмасин.

* * *

Айтганимда мен ўғитлар,
Мард кишилар ақлин бутлар,
Бир иш тушганда йигитлар,
Ишқ билмаган ёш бўлмасин.

* * *

Эл ичра ўзин улуғлар,
Тил тумани бошдан оқар,
Мард йигитга касри тегар,
Номардлар йўлдош бўлмасин.

* * *

Махтумқули, сиринг гизла¹,
 Ҳар номардга фош бўлмасин.

* * *

Кўзинг олдирсанг молга,
 Учрарсан хом хаёлга.

* * *

Қирқда ақл жам бўлар
 Одамзоднинг бошинда.

* * *

Мард йигит мард эрдан туғар,
 Номард ҳеч қачон мард бўлмас.
 Бўри кўзида ўт ёнар,
 Тулки, шақалда жаҳд бўлмас.

* * *

Сўзлагил билганинг тилдан,
 Булбул айри тушса гулдан,
 Эшит одам, тукқан элдан
 Ўзга меҳрибон юрт бўлмас.

* * *

Бу олам ажойиб бўлса,
 Дунё юзи нурдан тўлса,
 Тангри азал раҳм қилса,
 Бу тану жонда дард бўлмас.

¹ Гизламоқ — яширмоқ.

* * *

Беномуслар келган ўйнаб-кулгани.

* * *

Ҳалол луқма нур бағишлар кўзларга.

* * *

Қаноат айлагин бир арпа нонга,
Сира тама билан боқма инсонга.

* * *

Қутулмоқ йўқ қариликнинг қишиндан.

* * *

Кимки комил бўлса, уни пир дерлар,
“Дардли банда дармонини бер” — дерлар,
“Қовуннинг яхшисин шақал ер”, — дерлар...

* * *

Банда, ёмон ишга ботирлик этма,
Олдингга қўярлар ул кун бу ишни.
Нафсинг деб, шайтоннинг йўлидан кетма,
Уятга қўяр деб билгин бу ишни.

Нафсинг дер: “Суриб қол, бу бир хузурдир”
Жонинг дер: “Ҳой, тўхта, Тангри ҳозирдир”
Сен кўрмасанг-да, у сенга нозирдир¹,
Уял, номус айла, қўйгин бу ишни.

Бир йўлда гуноҳ бор, бир йўлда савоб,
Аросатда сендан истарлар жавоб,

¹ *Нозир* — назорат қилувчи, қараб турувчи.

Ҳалолга ҳисоб бор, ҳаромга азоб,
Бу — ҳақиқат, ёдга солгин бу ишни.

Умринг ўтиб борган баҳор бир соат,
Нетар, бу баҳорда айласанг тоат,
Савобга шодлик бор, гуноҳга уят,
Бўйнингга олмагин, келгин, бу ишни.

Бошинг кўкка, кўксинг елга кўтарма,
Кўнглингга кўрқувни жилла келтирма,
Дилингда йўқ сўзни тилга келтирма,
Ихлос қулоғига илгин бу ишни.

Мусофирсан, муқим¹ ишни қурарсан,
Бебақо дунёда қанча турарсан?
Бунда не иш қилсанг, унда кўрарсан,
Яхшидир-ёмондир, ул кун бу ишни.

Шайтон дер: “Яхши иш — йўлдан оза қол”
Раҳмон дер: “Нафсингдан умид уза қол”
Махтумқули, тур, қўлингни чўғга сол,
Агар чидай олсанг, қилгин бу ишни.

* * *

Ўғил давлатини бермаса Раҳмон,
Ортидан қолмагай бир ному нишон.

* * *

Мард бўлайин десанг, мардга ҳамроҳ бўл,
Номард мардни кўрса, омонга келар.
Зор қилайин десанг, оҳга қулоқ сол,
Бойқуш узоқ учмас, вайронга келар.

¹ *Муқим* — турғун, сокин, собит.

* * *

Мақол бордир: “Тан офриса, жон сезар”,
Ким кўрибди учган кушдан феъл ўзар?

* * *

Ҳамроҳ қилма ичи қора, ёмонни,
Сирингни фош айлаб, девонга келар.

* * *

Юр мудом то биров йўлинг бузмаса,
Эгри йўлдан кетсанг, ёмонга келар.

* * *

Мудом мискин бўлсин сенинг сирдошинг,
Мискиндир дилдошинг ҳам қариндошинг,
Оғир кунга қолса бу ожиз бошинг,
Ўтда бирга ёнар, дармонга келар.

* * *

Кўнгил бир очилган қирмизи гулдир,
Бугун шоддир, эрта фиғонга келар.

* * *

Оҳ-зор қилиб, узоқ қафасда қолган,
Озод бўлган булбул, қизил гул кўзлар.

* * *

Кўнгил нақши тушда кўрган хаёллар
Тилла, гавҳар, хазинаю мол кўзлар.

* * *

Уммон ичра соллар сира тинч ётмас.

* * *

Лукмонидан даво тополган куллар,
Токи ҳаёт экан, уни унутмас.

* * *

Мақол бордир: “Тошга отилса ўқлар,
Тошга кирар, сира ортига қайтмас”.

* * *

Одам бор, бир сўзинг оламга ёяр,
Одам бор, ҳатто соясига айтмас.

* * *

Бу фалак золимдир, қамчиси кўлда,
Нечанинг лошини тарқатар йўлда,
Нечалар яшайди, ҳатто юз йил-да,
Нечаларнинг умри бир ойга етмас.

* * *

Бахтдир кўриб турса Худо берган кўз,
Сўзласанг рост сўзни сўзлагин ҳар кез,
Яшамас эл ичра узоқ ёлғон сўз,
Ёмон ният қилган узоққа кетмас.

* * *

Эс-хуши бўлмайди, дейдилар, очнинг,
Қадри бўлмас эл ичра яланғочнинг,
Гул балдоғи бўлса ҳар бир оғочнинг,
Ҳақ раво кўрмаса, сунбули битмас.

* * *

Нола қилиб, сўрар бўлсанг зар билан,
Тиллани не қилсин, фалак жон сотмас.

* * *

Йўлга кирмас, лўли бўлган хотинлар
Элни бошқаришни ҳеч удда этмас.

* * *

Кўркувдан нима наф кетажак жонга.

* * *

Дунёнинг ишига йўқдир ниҳоят.

* * *

Тан ёпмоққа кўйлак истар яланғоч,
Кўйлакли дер: ох, устидан тўн бўлса.
Беш пул бер, деб Ҳақдан тилар қорни оч,
Бешин топса, орзу қилар — ўн бўлса.

* * *

Кўп нон топиб, агар бўлса кўнгли шод,
Бир чиройли маҳбуб истар, ҳам авлод,
Бу давлатга агар етса одамзод,
Кўнгли истар: буюк элга хон бўлса.

* * *

Махтумқули, кўриб душман таънасин,
Марддир, ким шод тутса ғамдан сийнасин,
Ер юзи тўлдирмас кўзинг хонасин,
Қорундек неча хазина кон бўлса.

* * *

Яратганга ихлос қилган чин инсон,
Ипак ҳавас этмас агар шол топса.
Дунё моли, иши учун саргардон,
Кўнгил шод бўлар ортиқча мол топса.

* * *

Йўл йўлдоши йўлдошига суянар,
Хавфли жойда ётган тез-тез уйғонар,
Қароқчилар карвон кўрса қувонар,
Кема топмаганлар сувда сол топса.

* * *

Кекса армон қилар йигит чоғига.

* * *

Умидсиз қолмайди сўраган марддан,
Тилама, битмайди ишинг номарддан,
Ўлса-да айрилмас парвона¹ ўтдан,
Симоб² қизил топса, сарёғ бол топса.

* * *

Ҳақ, ноҳақдан бойлик йиғиб нечалар,
Сарф этарга жойни топмас, мол топса.

* * *

Қисқа умринг ўтса турли ишратда,
Сўнг ширин жон қолар узоқ ҳасратда,
Аҳмоқлар бу ерда қолар ғафлатда,
Оқил киши ўз ғамини ер кетар.

* * *

Ўлгандан сўнг шоҳу гадо барибир,
Барча бир манзилга, яъни гўр кетар.

¹ *Парвона* — кечаси шам ёки чироқ атрофида айланиб, ўзини унга урадиган ҳашарот.

² *Симоб* — кумушранг кимёвий элемент.

* * *

Одам ўғли ёлғончининг ёлғонин
 Чин билибди кўриб нозли кулганин,
 Ғам чекма, эй дунё, ҳар ким олгани —
 Қарз молингдир, бериб барибир кетар.

* * *

Фироғий дер: кучли билан талашманг,
 Савоб туриб, гуноҳга аралашманг.

* * *

Бу дунёда бўлса ҳар кимса ёмон,
 У дунёда додлаб, сўрайди омон.

* * *

Ёмон яхшига ёр бўлса,
 Заҳар-заққум ичгандекдир.
 Агар халос топа билса,
 Заҳар ўти ўчгандекдир.

* * *

Таги пастнинг бахти юрмоқ,
 Уйсиз қўлига мол кирмоқ,
 Аҳмоққа сиригни бермоқ
 Ўз айбингни очгандекдир.

* * *

Оғзи ола бўлган элнинг,
 Боқ, давлати қочгандекдир.

* * *

Сирини дилда гизлаган,
 Доно иш сўнгин кўзлаган,

Гап топиб, яхши сўзлаган
Мисоли дур сочгандекдир.

* * *

Инсондан кетса эътибор,
Қочарлар ундан дўсту ёр,
Илм-хунарли, омадли эр
Молу пулни қучгандекдир.

* * *

Нодон кишилар зар билан
Битилган бад хатга ўхшар.

* * *

Бу дунё бир тубсиз дарё,
Фарқ этар, бўлма бепарво,
Мағрур бўлма, фоний дунё
Ҳаммага навбатга ўхшар.

* * *

Қардоши йўққа қувват йўқ,
Ўғилсизларга давлат йўқ,
Хотинсизга айш-ишрат йўқ,
Хуш куни ҳасратга ўхшар.

* * *

Ёмон яхши бўлмас ҳеч он,
Асли яхши бўлмас ёмон,
Давлат бўлмас сенга жаҳон,
Ўғил чин давлатга ўхшар.

* * *

Ётган жойи илон қўйни,
Осилгани итнинг бўйни,
Паст эрнинг яхши хотини
Дури беқимматга ўхшар.

* * *

Мурч билан туз янги ёрга,
Заҳар қўшадир рўзғорга,
Ёмон хотин яхши эрга
Туганмас туҳматга ўхшар.

* * *

Сўз маънисин билмас одам,
Худди думсиз итга ўхшар.

* * *

Тоғлар ернинг михидир,
Тепа ўзин тоғ санар.
Қарға ўзин булбул дер,
Чорлоқ¹ ўзин зоғ санар.

* * *

Камтар бўлсанг, камол бор,
Манманликка завол бор,
Ҳар бошда бир хаёл бор,
Қул наслин улуғ санар.

* * *

Хабар олсанг бировдан,
Ўзин кам демас девдан,

¹ Чорлоқ — балиқчи куш, чағалай.

Эшак мудом бедовдан,
Ўзини ортиқ санар.

* * *

Дард чекканлар дард билар,
Номард ўзин мард билар,
Тулки ўзин қурт¹ билар,
Шақал ит янглиғ² санар.

* * *

Аҳмоқ ўзин дер оқил,
Тентак ўзин соғ санар.

* * *

Телбаликдир даво излаш ўлганга.

* * *

Хар кимнинг не қадар бўлса ихлоси,
Шу қадар очиқ Ҳақ даргоҳи хоси.

* * *

Қимматбаҳо дурга етмайди ҳар қўл,
Ош бериб, дўст орттир, от мин — тани йўл.

* * *

Таъзияхонада кулмоқ ярашмас.

* * *

Халққа — пинҳон, Ҳаққа — огох,
Асл одам ишидан маълум.

¹ Қурт — бўри.

² Янглиғ — каби, сингари, ўхшаш.

* * *

Бу дунёда молдир кўркинг,
 Ҳар нарсага етар эркинг,
 Уйида лоф урар ҳар ким,
 Ботир уришидан маълум.

* * *

Ҳинони қўйсанг, ранг бўлар,
 Зарни хор қилсанг, санг¹ бўлар,
 Ҳамма бедовлар тенг бўлар,
 Бедов чопишидан маълум.

* * *

...гўзалнинг сини
 Кўз билан қошидан маълум.

* * *

Кимёни² тупроққа сочсанг,
 Тупроқдан зар пайдо қилар.
 Ҳар нарсани ерга сепсанг,
 Ундан гавҳар пайдо қилар.

* * *

Яхши-ёмон бўлмас маълум,
 Ҳар ким билганига олим,
 Бунда ҳукм сурса золим,
 Гуноҳ ишлар пайдо қилар.

¹ Санг — тош.

² Кимё — ал-кимё: ўтмишда оддий маъданларни олтину кумушга айлантириш йўллариini излаган илм; бу ерда: олтин.

* * *

Жаҳд қисматдан кўп келтирмас.

* * *

Очиқ бўлса қўлу кўнгил,
Кўрган сенга бўлади қул,
Орттиради душман бадфеъл,
Яхшилик ёр пайдо қилар.

* * *

Осмон кўрки ой муқаррар,
Дунё кўрки кумушу зар,
Жасад тупроғу жон — жавҳар,
Олиб бўлмас зар билан-ей.

* * *

Йигитнинг оти тутилар
Дўсту яқинлар билан-ей.

* * *

Дуч келсанг ёмон хотинга
Умр ўтар озор билан-ей.

* * *

Бахил бойда берим бўлмас,
Мард сўзига қулоқ солмас,
Араванинг юки қолмас,
Йўлга тушсанг нор билан-ей.

* * *

Ёмон одам дилозори —
Бир сўзи тенг нор билан-ей.

* * *

Нокаснинг ёнида турма,
Бахилнинг юзини кўрма,
Кар билан ҳеч суҳбат қурма,
Йўлга чиқма кўр билан-ей.

* * *

Ёмон билан йўлдош бўлма,
Душман билан сирдош бўлма,
Ош есанг, товоқдош бўлма,
Ифлос, ҳаромхўр билан-ей.

* * *

Ёмон ҳеч насиҳат олмас,
Яхши сўзга қулоқ солмас,
Сўзинг ҳеч қовуша қолмас,
Паст, тили заҳар билан-ей.

* * *

Элингдан кетсанг овора,
Шунда бўларсан бечора,
Қўшни бўлсанг ҳаромхўрга,
Ситам айлар зўр билан-ей.

* * *

Пандим ол, эй аҳмоқ киши,
То ботмасин таъна тиши,
Кўтармаса давлат қуши,
Учиб бўлмас пар билан-ей.

* * *

Яхшига ўзинг ёр айла,
Атрофида бозор айла,

Борди-келди шиор айла,
Кураш тушма шер билан-ей.

* * *

Чин эрларда қолмас армон
Кураш тушса мард билан-ей.

* * *

Йўлбарсга зиён еткармас
Юз минг шақал қурт билан-ей.

* * *

Кўрганини айтар тиллар,
Ўйлаб ҳукм этар оқиллар.

* * *

Сир сақламас номард ҳеч он,
Яширолмас сўзни нодон,
Бирга тортишар мард инсон
Ҳар иш келса эл билан-ей.

* * *

Ёрдам берсанг, ёддан кетмас,
Яхши дўст дўстин унутмас,
Йиғламоқдан бир иш битмас,
Ғаминг кетмас фол билан-ей.

* * *

Номардга сиринг этма фош,
Элдан пинҳон қилсанг ҳар иш,
Ошкор бўлар тил билан-ей.

* * *

Вайрон бўлар юксак жойлар,
Ёмғир билан, ел билан-ей.

* * *

Дарёларни жўшдирар ел,
Бир-бировдан айирар тил.

* * *

Хужум айлар барча ари
Яқин келсанг бол билан-ей.

* * *

Номард юрар молга ўзин ёр айлаб,
Меҳмон кутолмайди борин бор айлаб.

* * *

Ўзин боқолмас одам,
Ҳар огизда сўз бўлар.

* * *

Ҳақ бермаса азалда,
Бу зулмдир амалда.

* * *

Ошиқларнинг жонида
Сўнмас ўт ҳар кез бўлар.

* * *

Нодон, эзма йигитнинг
Элда қадри оз бўлар.

* * *

Яхши дўст бир сўз деса,
Жон каби азиз бўлар.

* * *

Ҳар гўзалнинг қиммати
Ҳусни, шубҳасиз бўлар.

* * *

Топар ҳажнинг савобин
Ким бир ғарибни қўллар!

* * *

Шайтон бир кофирдир, нафс ҳам золим.

* * *

Оҳангу садо билан жаҳон юзи ободдир,
Маст бўлма бу оҳангга, оқибати барбоддир,
Ҳақ ишқида тирик жон, билинг, боқий ҳаётдир,
Ҳар тандаки ишқ бўлмас, азалдан у мамотдир¹,
Баҳор ўтгунча ер-кўк, ҳусни ҳар кун зиёддир,
Мисли бир қиёматдир, мисли бир аросатдир,
Дунёда бўлар ҳар дам, жаҳон ичра жон пайдо.

* * *

Зарбофга² кўнгил қўйма, бақо йўқдир давлатда,
Умрингни елга берма, сен бу дор ул-меҳнатда³,
Етар сенга эрта-кеч, нима бўлса қисматда,

¹ *Мамот* — ўлим.

² *Зарбоф* — зардан тўқилган мато, кимхоб; шундай матодан тайёрланган кийим.

³ *Дор ул-меҳнат* — кулфат уйи, азоб маскани, яъни дунё.

Жонингга жафо қилиб, кезма бунча ҳасратда,
Савоб яхши амалда, сахийлик соз ниятда,
Олам барча хизматда, одам ётиб ғафлатда,
Ҳосилинг оташ бўлгай, айласанг ёмон пайдо.

* * *

Мард шундайки, бўлса кўнгли раҳмли,
Кўкраги кенг бўлса, ўзи фаҳмли,
Кенг ерда қарғадай бўлсин ваҳмли,
Ўз ўрнида ҳунар, иши керакдир.

Қоплондек ариллаб кирса майдонга,
Тулкидек кўрсатса ўйин ҳар ёнга,
Турганда қоядек туриб мардона,
Олар ердан от солиши керакдир.

* * *

Йигитнинг ўй-fikри бўлса бошида,
Чиқар бир кун — чўкиб ётмас ичида,
Ўрнида ҳийла ҳам марднинг иши-да,
Уни эплашга ҳам киши керакдир.

* * *

Ёлғизлик ҳасрати бошдан ўтармиш,
Ўфилсизлик барча ишдан батармиш,
Зурёдсиз йигитнинг ўрни йитармиш,
Юрти йўқ, қарвони кўчди, дейдилар.

* * *

Икки тоғнинг оғочининг бошини,
Туби бир бўлмаса, чатиб бўлмайди.
Тоғнинг виқор тўккан улкан тошини
Қўл билан кўтариб, отиб бўлмайди.

* * *

Буюк минор бўлмас ҳеч калта минор,
 Яхши эрга тушса агар ёмон ёр,
 Бошин кесиб, тўкиб қонини зинҳор,
 Ё ўлдириб, ёки сотиб бўлмайди.

* * *

Агар машҳур бўлса эл ичра отинг,
 Сени ёмон кўрмас яқининг, ётинг,
 Нарсанг қўлдамасми — қани исботинг?
 Меники деб, бошин тутиб бўлмайди.

* * *

Фақирлар мол дейди, бойлар зар дейди,
 Эшаги бор: “От бер, яна нор”, — дейди,
 Дунёдан тўйим йўқ: “Яна бер!” — дейди,
 Кўнгил мақсадига етиб бўлмайди.

* * *

Ҳамма қўл узатар фоний жаҳонга,
 Соғлиқда азоб бер бу ширин жонга,
 Дунёга дил берган қолар зиёнга,
 Бу дунёдан дўстлик кутиб бўлмайди.

* * *

Не бордир ғофил ётиб, беҳуда ўтиришда,
 Мол-дунё вафо қилмас, айласанг минг саришта.

* * *

Дунёга тўймоқ йўқдир — бўлгунча бўлсин
 дерсан.

* * *

Сув юзида суздирарсан кемани,
 Бир кун ағдарарсан солни, дунё, ҳей.
 Одам ўғли бормас бўлса изингдан,
 Бунда деб алдарсан молни, дунё, ҳей.

Биласанми, қачон тугайди даминг,
 Қабр бўлар бир кун босган қадаминг,
 Чарх айланар экан, ғофил одамнинг
 Устидан соларсан йўлни, дунё, ҳей.

Хабарсиз келарсан, ёқа тутарсан,
 Гоҳ яхши, гоҳ ёмон айлаб ўтарсан,
 Ошимизга бир кун заҳар қотарсан,
 Аввал алдаб бериб болни, дунё, ҳей.

* * *

Юрар йўлинг билмасанг,
 Тўғри йўлга келмасанг,
 Хақни ёдга солмасанг,
 Қолдинг армон ичинда.

Ердан унган ҳар кўклам,
 Қизил гул ҳам, кўк ўт ҳам,
 Барчаси, ғофил одам,
 Улуғ фармон ичинда.

* * *

Нафсинг айтар: “Жўш бўлсам,
 Гўзалларга дуч бўлсам,
 Есам-ичсам, хуш бўлсам,
 Ётсам алвон ичинда”.

* * *

Кўнгил, сен бир бозорсан,
 Ҳар ишга қизиқарсан,
 Эришай деб кезарсан
 Гуноҳ, исён ичинда.

* * *

Меҳмон бўлдинг бу дунёнинг уйига,
 Кўнгил бериб, кетма унинг кўйига,
 Бошинг боғлаб, машғул этар ўйинга,
 Кетсанг бермас, алдаб кезар тил билан.

* * *

Фалак қўймас бу кезганинг саройда,
 Бўри билан қўй яшолмас бир жойда,
 Дунё тўла мол-мулкингдан не фойда,
 Чин мол улдир — элга берсанг қўл билан.

* * *

Тенгу тўш бир бўлмаса, ҳаётда файз
 йўқ экан.

* * *

Борма ҳеч хом ҳаёлга — туғилганлар
 ўлмаслар,
 Дунёга келган ўтар — бири омон қолмаслар.

* * *

Улғайса ҳам бир иш қилмас
 Ёшлиқдан пишмаган йигит.
 Давлат келса, ўзин билмас
 Туғилиб тўймаган йигит.

* * *

Ёмонга панд бекор кетар,
Яхши эрга бир сўз етар,
Астарини чаппа этар
Янги тўн киймаган йигит.

* * *

Элга суянч бўлмас, ишон,
Калласи бўлмаган йигит.

* * *

Хизмат айлагил жонингдан,
Аяма парча нонингдан,
Қон сўраса, кеч қонингдан,
Бўлса муҳтож меҳмон йигит.

* * *

Ҳеч ким абадий қолмаган,
Мол жонга йўлдош бўлмаган,
Гўё дунёга келмаган,
Бир зурёд қолмаган йигит.

* * *

Мис кўринар олтин-кумуш,
Тулга чўри севимли, хуш,
Парига қилмас навозиш¹,
Хулқини суймаган йигит.

* * *

Молидан ҳеч закот бермас,
Қўзлари қиймаган йигит.

¹ Навозиш — илтифот.

* * *

Махтумкули, йўлдан чиқмас,
 Ёмонга яхши сўз ёқмас,
 Минг сўз айтсанг, бири юқмас,
 Тангриси қўймаган йигит.

* * *

Қўймаслар шод яшашга, ёлғон дунёда бизни.

* * *

Висолга тўйиб бўлмас, ҳижронга чидаб бўлмас.

* * *

Ибрат кўзини очиб, жаҳонга назар айла,
 Тутма икки кемани, бир ёнга назар айла,
 Ҳеч ким мангу яшамас — давронга назар айла,
 Давронига ишонган, инсонга назар айла,
 Бу қўниб-қўчиб юрган, қарвонга назар айла.

* * *

Ўлмаيمان деб, тушмасин кўнглинг бу гумон
 ичра,
 Умрга ҳеч ишонч йўқ, ўткинчи замон ичра,
 Ажал қўймиш отишга, ўқини камон ичра,
 Бандага не армондир, жон берса иймон ичра,
 Сўзла — сўзинг ёйилсин, бу яхши-ёмон ичра,
 Оз умрда кўп ишлар, қилибсан жаҳон ичра,
 Мезбон каби иш тутган меҳмонга назар айла.

* * *

Тирноқ билан тоғлар қазган Банижон¹,
 Сувга, елга ҳукми ўтган Сулаймон,
 Қани у Искандар, Рустам паҳлавон,
 Сен дунёни тутажаксан ким бўлиб?

* * *

Ўсмирлик, йигитликда эсанг шод,
 Қариганда қайтиб келар ғам бўлиб.

* * *

Барча билар — қайтар бир кун келганлар,
 Борар жойин, ишин кўрди билганлар,
 Беташвиш юрганлар, ғофил бўлганлар,
 Афсус чекиб, бўш кетдилар кам бўлиб.

* * *

Топа билсанг ҳақиқатнинг мардини,
 Кўзингга тўтиё айла гардини,
 Кулзумдай² гуноҳнинг теран дардини
 Чин тавба қуритар унга эм бўлиб.

* * *

Аввал ўзинг ихлосингни созлагин,
 Ҳар гўшадан³ ниёз⁴ ўкин кўзлагин,
 Билганингча мудом яхши сўзлагин,
 Яхши сўз топмасанг, ўтир жим бўлиб.

¹ Банижон — Одам Атодан олдин 50 минг йил яшаб ўтган жондор.

² Кулзум — 1) денгиз; 2) Қизил денгиз.

³ Гўша — бурчак, хилват, чет, чекка.

⁴ Ниёз — 1) эҳтиёж, муҳтожлик; 2) ялиниш, ёлвориш, илтижо; 3) аташ, назр қилиш.

* * *

Махтумқули, Ҳақни мудом зикр айла,
Ёмонга сабру яхшига шукр айла,
Мозорларни кез-да, ўтир, фикр айла,
Манман деган эрлар ётар қум бўлиб...

* * *

Яхшилардан бир насиҳат олавер,
Карвон кетди, ёлғиз қолдинг, елавер,
Одам ўғли, мудом ҳозир бўлавер,
Нафси шайтон сенга суруниб турар.

Ранг-баранг таом еб, қизил-кўк кийиб,
Хотиржам ётарсан кўрқувни кўйиб,
Бошингда ўкириб, панжасин ёйиб,
Ажал арслони керилиб турар.

Уйғон Махтумқули, ғафлатда ётма,
Молга мағрур бўлиб, ҳасратга ботма,
Ўтар дунё учун ўзингни сотма,
Бу хатонинг таги кўриниб турар.

* * *

Тенг бўлар деб ўйлама ҳеч иш бадафъоллик¹
билан,
Ҳеч қачон тенг бўлмагай бедов, эшак шоҳлик
билан,
Бўлма ошно паст, муттаҳам, фитна-расволик
билан,
Солма ғавғога бошингни моли-дунёлик билан.

¹ Бадафъоллик — бадфёъллик, ярамас хулқлик, ахлоқ-сизлик.

* * *

Бунда жабр этган киши унда бўлар юзи қаро,
Зўр билан олганни ул кун қайтариб олгай
Худо.

* * *

Дарддир бу жоннинг офати, соғлик унинг
султониدير.

* * *

Нафс айлагай саркашлигин тан тахтининг
майдонида.

* * *

Келган бу бозорга ўзин ихлосини пок айласин,
Қобил эса ихлосли қул мард ичра мард
инсониدير.

* * *

Нафс ўлдириб, рух парвариш этганга денг юз
офарин,
Бозори ҳақиқат унинг, Ҳақ мажлиси
майдониدير.

* * *

Вой ҳолига нафсин суйиб, жонини ожиз этса
ким,
Йўлдош қиёматда унга айбин пушаймониدير.

* * *

Бу бевафо дунёда беш кун бир ошиқ
даврониدير.

* * *

Киши ортиқча фикр этмас, қилар ишин равон
кўрса,
Сўнгин кўзлаб, соғин сўзлар ҳар ишинда зиён
кўрса.

* * *

Қаноатли кишилар бор, агар оч бўлса-да қорни,
Қанот қоққай қарорсиз, қарчиғай гар қўлда
қон кўрса.

* * *

Қувончи ичига сиғмас девона қарвон кўрса.

* * *

Юқоридан қараб турган шу овчилар, қўйиб
берса,
Тилар ер остидан юрмоқ яқин ерда жайрон
кўрса.

* * *

Кураш майдонида журъат этолмас беюрак
номард,
Ситам, жабрини кўп айлар ғанимни
нотавон кўрса.

* * *

Эй оғалар, бир кун улушин олар
Хизмат қилиб юрган киши устодга.
Худо агар кимни ҳақ йўлга солар,
Етишар, шубҳасиз, мақсад-муродга.

* * *

Фалак бир баққолдир, савдо этарсан,
Оқибат у ютар ушбу савдода.

* * *

Олсанг тиши тушган қари аёлни,
Бирга бўлган билан ёлқини бўлмас.

* * *

Давлати кўп бўлса, ақлли, доно,
Фалакка етади боди йигитнинг.

* * *

Йигит бўлса, мудом тўғри сўз бўлсин,
Баркамол фарзандга ўткир кўз бўлсин,
Ноқис нима эллик бўлсин, юз бўлсин,
Нокас бўлса, йитар оти йигитнинг.

* * *

Мард йигитга мадад берса фаришта,
Ҳар томондан иши бўлар саришта,
Обрў-эътибори ошар ҳар ишда
Юрагида бўлса ўти йигитнинг.

* * *

Гул теграси бўлмас тикансиз зинҳор,
Йигитман деганда бўлсин номус-ор,
Қолса эл-уруғсиз, бедўсту беёр,
Етмайди ҳеч ерга доди йигитнинг.

* * *

Яхшилиги кўпу олмайди тилга,
Арабий от, найза, олмос тиф ила,
Ўхшаш жаннатдаги қирмизи гулга —
Бўлса гўзал паризоди йигитнинг.

* * *

Фироғий, йигитда бўлса шижоат,
Сўраса эл-юртни қилиб адолат,
Хамма жойда керак бўлувчи ибрат,
Ибрати — яхши устоди йигитнинг.

* * *

Бир арпага арзимас бу жаҳон хаёлимда.

* * *

Чўғи қолмаган кулдан, ўт чиқмайди ҳеч қачон.

* * *

Кимга беш кун берар, кимгадир ўн кун.

* * *

Эрта ошкор бугун яширин сирлар.

* * *

Иймонли қул икки дунё омондир.

* * *

Ориқ чўкиб, юки қолса майдонда,
Унинг юкин қатордаги нор чекар.

* * *

Бир бечора кўрса — турган термилиб,
Унинг ишин бир чинакам эр чекар.

* * *

Нодон кўнглим, ўлим учун ғам ема,
Сендан аввал келиб, кўп жон ўтибдир.
Ёлғон дунё вафо қилибди кимга,
Қанча яхши, қанча ёмон ўтибдир.

* * *

Бебақо тан қолипи — дил боғлама, алҳол¹, унга,
Бўлма мағрур фоний олам ичра мулку
молингга,
Ёд этиб гўру қиёмат, йиғла доим ҳолингга,
Кеч такаббурдан, назар сол бир дам ўз
аҳволингга,
Оч кўзинг ибрат билан тупроққа тўлмасдан
бурун.

* * *

Боқий умрингни этиб сарф, элу юрт фаҳмида
бўл,
Қўй оёғига бошинг — бечоралар раҳмида бўл,
Сақла пок тилнию хулқинг яхшилаш захмида²
бўл,
Сидқ ила айлаб амални, охират ваҳмида бўл,
Ул куни мезон тарозиси қурилмасдан бурун.

¹ Алҳол — ҳозирда, айни пайтда; энди.

² Заҳм — бу ерда: заҳмат, ранж, машаққат маъносида.

* * *

Аслида хасталик ўлимдан ёмон.

* * *

Дунёни ёмон иш хор, хароб айлар.

* * *

Омади бор ёмон ишлар этганнинг,
Толеи терс Ҳақ йўлидан кетганнинг,
Бу дунё мулкидир кучи етганнинг,
Жаҳонни зулм билан зўр хароб айлар.

* * *

Ким билгандан билим олса, бўлмас хор,
Дўстни душман қилар ёмон феъл-атвор.

* * *

Худо назар қилган бир жўмард йигит
Одамларга сарф қилади ошини.
Номусли, ғайратли, орли мард йигит,
Эли учун фидо этар бошини.

* * *

Бир нечалар юрар зарбоф тўн билан,
Бир нечалар юрар куруқ сон билан,
Одамзодни таниб бўлмас син билан,
Синамай билмайди киши кишини.

* * *

Йигитнинг обрўси яхши аёлдир,
Яхши аёл нокас эрга уволдир,
Фақирлик йигитга айни заволдир,
Хар ён санқир — билмас қилар ишини.

* * *

Дўзах аломати бир ёмон хотин,
Кимга дучор бўлса, олар хушини.

* * *

Кимлар, кўринг, қарзга ботиб,
Кимлардир бепарво ётиб,
Кимлар Худони унутиб,
Кимлардир юз тутиб борар.

* * *

Кимлар, кўринг, ўқиб китоб,
Кимлар гумроҳ ўтиб борар.

* * *

Бало келар бўлса бошга,
Етмас додинг қариндошга,
Кимлар асал қўшса ошга,
Кимлар захар қотиб борар.

* * *

Кимлар молу давлат кўзлаб,
Кўзи боғлиқ учиб борар.

* * *

Кимларнингдир дарди оғиб,
Кимнинг бошига сел ёғиб,
Кимларнингдир куни туғиб,
Кимнинг куни ботиб борар.

* * *

Ким омонатини топшириб,
Кимлар молини яшириб,

Ким ўзни хушдан айириб,
Ким фикр уйин қуриб борар.

* * *

Кимлар тоққа чиқар бўлди,
Кимлар уни йиқар бўлди,
Сувсиз ариқ оқар бўлди,
Оқар ариқ қуриб борар.

* * *

Кимлардир насихат олмай,
Эл-юртга маслаҳат солмай,
Кимлар ўрнидан туролмай,
Кимлар чарчаб-ҳориб борар.

* * *

Кимлар иқболи эшаги,
Қайлардадир юриб борар.

* * *

Кимнинг ҳеч ўтмайди сўзи,
Уялмас келини, қизи,
Кимларнингдир боғлиқ кўзи,
Бу дунёни кўриб борар.

* * *

Замон не ҳолларга солди,
Кўп жонларни ноҳақ олди,
Яхши ўтди, ёмон қолди,
Даврондир мудом қошида.

* * *

Рустами Зол келган замон,
Бердинг қўлга чопқир чаман,
Иқболин сўнг қилдинг ёмон,
Фигондир мудом қошида.

* * *

Бой ўғлига дейди: “Изим тутарсан”,
Беҳабар бўлибон нодон фалакдан.
Кўрган айтар: “Муродингга етарсан”,
Билмай келажагин армон фалакдан.

Эй тоғ, мағрур бўлма тошинг, кўчкингга,
Эй қиз, кўп ишонма ҳусну кўркингга,
Одам ўғли, қувонмагил эркингга,
Эрта ватан бўлар зиндон, фалакдан.

Умрим йили карвонини жўнатди,
Кимлар феъли айниб, иймон унутди,
Фалакдан мол олиб, қайта тарқатди,
Кимлар гадо, кимлар султон фалакдан.

Чарх йўлини топиб, уриши тайин,
Азмидан титрайди осмону замин,
Сулаймону Исо¹, Маҳдию² Амин³ —
Бари ўтди кўриб зиён фалакдан.

¹ Исо — насроний динининг пайғамбари.

² Маҳди — 775—785 йилларда ҳукмронлик қилган аббосийлар сулоласига мансуб халифа.

³ Бу ерда Хива хонлигини идора қилган қўнғирот сулоласи асосчиси Муҳаммад Амин Иноқ (1730—1790) кўзда тутилаётган бўлса керак.

Фалак ташвишини кимлар билдилар,
 Кўплар йиғладилар, озлар кулдилар,
 Шер, бўрилар тулки бўлиб келдилар,
 Ҳақ қошига тилаб омон фалакдан.

Биз кўрган у дўстлар овора бўлди,
 Элга бош бўлганлар бечора бўлди,
 Чопқир араб отлар, кўр, хора¹ бўлди,
 Қадр-қиммати қолмай ёмон фалакдан.

Дуч келган билан у жанг, уруш қилди,
 Нотавонга кучин намоёиш қилди,
 Шумлар ўзаро бориш-келиш қилди,
 Қўлга келарми деб даврон фалакдан.

Ақл ўсмас, дур ясалмас устодсиз,
 Одам ўғли, ўтар бўлдинг сен отсиз,
 Келиб бунда, қолар бўлди қанотсиз,
 Қўринг, парвона ҳам нолон фалакдан.

* * *

Одам ўғли, тингла сўзим бир замон,
 Жон истаб саргардон, фасод дунёдир.
 Бир кун ёқа тутар, билсанг, бегумон,
 Аммоки бир зарур ҳожат дунёдир.

* * *

Кимга насиб этди ул оби ҳаёт²,
 Абадий ҳаётдан қайғуси зиёд,

¹ Хора — бу ерда: хор.

² Оби ҳаёт — Хизр алайҳиссалом ер ости — зулмат қаъридан топган ва бир қатра ичиб, абадий ҳаётга ноил бўлган мангулик суви.

Жаҳонни сайр этиб юрган одамзод,
Умрин мудом қилган лаънат дунёдир.

* * *

Искандар эмасми жаҳонни олган?
Дунёнинг дастидан ким омон қолган?
Бу фоний жаҳоннинг ташвиши ёлғон,
Бахилларга улуғ иззат дунёдир.

* * *

Рустам, Зол не ишнинг бошини тутди?
Чарх билан ўйнашди, чарх уни ютди,
Жон матосин элтиб, тупрокқа сотди,
Издан йиғлатган офат дунёдир.

* * *

Фаввосни¹ банд қилди уммон ичида
Булбул асир тушди бўстон ичида,
Балиқ эса туткун дарё ичида,
Ҳар кимга берган бир кулфат дунёдир.

* * *

Бўз туманли баланд тоғлар
Қартайиб заминга ботар.
Булбул макон тутган боғлар
Ҳижрон уриб, сўлиб ётар.

* * *

Чора йўқдир ўтган ёшга,
Жабру жафо тушар бошга,
Худо сийлаб берган ошга,
Ғаддор фалак оғу қотар.

¹ *Фаввос* — сувга шўнғувчи, сузувчи.

* * *

Шоҳ қўлида ганж-олтинлар,
Биров оч, яланғоч танлар,
Айш-ишратли ажаб кунлар
Баҳордек бир зумда ўтар.

* * *

Кимлар ичар бўлди шароб,
Кимларни айлади ҳалок,
Жон матосин олиб фалак,
Бир сиқим тупроққа сотар.

* * *

Қаранг, фалак қилиб ўйин,
Шоҳ-гадонинг барин ютар.

* * *

Баҳорда ёмғир яхшидир,
Баҳор жаҳоннинг нақшидир.

* * *

Бок, яхшиларни ёмонга
Золим фалак бўлди чатар.

* * *

Яхши фалак айбин очсанг,
Хор айлайди ўчакишсанг,
Фалакнинг олдидан қочсанг,
Қувмай етиб, шартта босар.

* * *

Дема, қочиб бўлдим пинҳон,
Боқил, фалак қўлинг тутар.

* * *

Юртдан кечма — кибр айлама.

* * *

Кўр армонин айтар: “Дунёни кўрсам”,
Оёқсиз нолийди: “Ел каби юрсам”,
Фақир орзу қилар: “Катта тўй берсам”,
Номард шохга дейди: “Искандар бўлдинг”.

* * *

Номард дўст хотин сифатдир,
Иш эполмас, бир офатдир.

* * *

Ақлсизлар ақл истаб зорланар,
Ақлли дер: “Ақлим яна кўп бўлса”
Мард йигитлар қиличига таянар,
Номард тутта билмас қўлда чўп бўлса.

* * *

Ориф қадрин билмас бефаҳм нодонлар,
Тиш тушса, қийналиб қолади жонлар,
Ақли йўқ, енгилтак, нодон хотинлар
Ишидан айрилар элда гап бўлса.

* * *

Юз ўгириб, гаплашмайди чин эрлар
Бир сабабдан яхши дўсти чап бўлса.

* * *

Номард кўрқар мард йигитнинг отидан,
Уйда қалтирар марднинг бодидан,

Дардли куллар ҳеч чиқармас ёдидан,
 Лукмоннинг қилган давоси наф бўлса.

* * *

Яхшига ҳамқишлоқ бўлсанг,
 Ишинг завқу сафо бўлар.
 Йигитликда тавба қилсанг,
 Кўп дардингга даво бўлар.

* * *

Ёмон кўшни чопар қайта,
 Йиқилсанг-да, тепар қайта,
 Сендан айб топар қайта,
 Бошингга бир бало бўлар.

* * *

Охиратнинг аломати
 Бетайин раҳнамо бўлар.

* * *

Одам яхшиси олимдир,
 Амал этмаса золимдир.

* * *

Қўрқокнинг ўғли ҳар ерда,
 Ўзини қўяр кўп дарда.

* * *

Ҳақ қаноатин олганда
 Наволи бенаво бўлар.

* * *

Бир номардни айлаб дунё султони,
 Тошширдинг қўлига молни, дунё, ҳей.
 Искандарни қилиб жаҳон мардони¹,
 Охири ўлдирдинг, лўли дунё, ҳей.

* * *

Сулаймон тахтини қилдинг вайрона,
 Жамшид² ҳам қурбонинг бўлди хайрона,
 Лайлини ўт этиб, Қайсни парвона,
 Қорунни хор қилди феъли, дунё, ҳей.

* * *

Таги паст ғамини ейиш беҳуда,
 Мис ҳар қанча ялтираса, зар бўлмас.
 Ҳар қанча ранж чекма, тортар аслига,
 Ҳар қарға-қузғундан кабутар бўлмас.

* * *

Ҳар сочин ўстирган сайид³ бўларми?
 Ҳар бир хирқа⁴ кийган қаландар⁵ бўлмас.

¹ *Мардон* — мардлар, эрлар.

² *Жамшид* — қадимги Эроннинг афсонавий подшоҳи. У “Жоми жаҳоннамо” — жаҳонни кўрсатувчи жом ихтиро қилган бўлиб, унда дунёдаги нафакат ҳозирги, балки ўтмишда юз берган ва келажақда содир бўладиган воқеа-ҳодисалар ҳам акс этар экан.

³ *Сайид* — Мухаммад алайҳиссалом авлодларига мансуб деб қараладиган кишиларнинг фахрий унвони.

⁴ *Хирқа* — шайху муридлар киядиган махсус кийим.

⁵ *Қаландар* — 1) илоҳий ишқ йўлида важд ҳолатига етган дарвеш; 2) вужуд ва қалбини поклаб, ўзини фано ҳолатига етказишга интилган солиқ; 3) қаландария тариқати аъзоси.

* * *

Ҳар жомга қараган Жамшидга етмас,
Ҳар бошга тож кийган Искандар бўлмас.

* * *

Сахро қамишида ҳеч шакар бўлмас.

* * *

Бировдан тилаган илтимос битмас,
Бу кўнгил орзуси ҳеч ерга етмас.

* * *

Бойлик кўлнинг кири — ювилса кетар,
Ғариб учун очлик ўлимдан баттар,
Бор кўлин узатса, ҳар ёққа етар,
Ғам қонини дарё қилди ғариблик.

Тенг-тўшни кўрганда тўхтаб қоласан,
Кўрмасин деб, йўлни чапга соласан,
Сўзинг эл тингламас, гўё “ола”сан,
Қаторда қуруқ сон қилди ғариблик.

* * *

Паст, бахил бойлардан умид қилмагил.

* * *

Нечаларнинг умрин ул фарёд айлаб,
Нечаларни кўринг, умрин мот айлаб,
Нечаларни фоний жаҳон мот айлаб,
Неча ширин жонни уриб кетибди.

* * *

Кимлар давлат билан минора солди,
 Минора устида ўт ичра қолди,
 Кимларнинг улуши бир эшак бўлди,
 Кимларга арғумоқ бериб кетибди.

* * *

Номард билан чиқма узоқ сафарга,
 Ҳамроҳ бўлгин қатъиятли мард билан.

* * *

Мўминлар шайтоннинг йўлидан кетмас,
 Мунофиқлар Ҳақнинг амрини тутмас,
 Иймон билан шайтон бир уйда ётмас,
 Муроса қиларми ҳеч қўй қурт билан.

* * *

Кўнглим, бу дунёни севма, кувонма,
 Алданма ҳеч яхши ою йилларга.
 Оқил бўлсанг, ҳар бир сўзга ишонма,
 Ишонганлар ўтар қўлдан-қўлларга.

* * *

Дўстлар, бир кун эсар ажалнинг ели,
 Хазон уриб сўлар умрининг гули,
 Азиз жонга ўлим урар чангалин,
 Айланиб-айланиб кўчишмоқ бордир.

Ер ютар бир кун бу қадди долингни¹,
 Ҳақдан ўзга ҳеч ким билмас холингни,
 Югуриб-елиб тўплаган молингни,
 Бир-бир ҳисоб этиб, беришмоқ бордир.

¹ Дол — тик, тикка, адил.

Манманликдир одамзоднинг хаёли,
Эрта маълум бўлар барчанинг холи,
Тарозига қўйилганда аъмоли³,
Савоб-гуноҳ ажрим қилишмоқ бордир.

Ишқ — тубсиз бир денгиз, хижрон бир
Ўт — поёни йўқ,
Ишққа майл этган бу ўтларга ёносидир,
Кўнгил.

Тўрт минг тўрт юз яшаб, Лукмон ҳакимнинг
Боши қора ерга ботди, дўстларим.
Улкан от, оғир гурзили Рустамнинг
Ажал ёқасидан тутди, дўстларим.

Ишк кўнглимни олди, тилга сўз берди.

Тилингни тий, бордир зиён.

³ *Аъмол* — амаллар, ишлар, қилмишлар.

* * *

Ёшлик ўтди завқу айш-ишрат билан,
Баҳор келиб кечди, биздан тош¹ қолди.
Кексалик етишди минг кулфат билан,
Мезон ўтди, хазон келди, қиш қолди.

* * *

Ҳар бир бошга солар бу фалак ҳижрон.

* * *

Дарду ғусса билан яшаш — машаққат.

* * *

Шум ажалга бўлмас чора.

* * *

Фалак бир баққолдир, дунё бир бозор,
Биров тўғри йўлда, бировлар озар.

* * *

Ёлвориш — гадодан, ёрлақаш — шохдан.

* * *

Ўлмоқ — ҳақ, тирилмоқ — ҳақдир,
Ўқидим Қуръон ичинда.

* * *

Бандангни банданга муҳтож айлама.

¹ Тош — бу ерда: узоқ, олис. Тош — саккиз чақирим (тахминан 6 километр) га яқин узунлик ўлчов бирлиги.

* * *

Саҳар туриб, тил оч зикри Раҳмонга,
Яланғочга тўн бер, нон — оч инсонга,
Оллоҳ йўлдош этса сени иймонга,
Жаннатнинг ичида тўйлар кўрарсан.

* * *

Шайтонга бой бериб қўйма иймонни.

* * *

Сўнгги нафасингда ёр бўлса иймон,
Жаннат бору, роҳат бору, нажот бор.

* * *

Ҳақ таоло этди амр: “Одамга сажда қил”, —
дебон,
“Барчадан Одам азиз!” — деб Тангри фармон
айлади.

Тангри фармонига бўйин сунмаганнинг бўйнига —
Тавқи лаънатни осиб, отини шайтон айлади.

Қилди Холиқ¹ ранг-баранг махлуқларин² қудрат
билан,
Бирга берди ақли комил, бирни ҳайвон айлади.

Бирни малъун этди, шаклу суратин ўзга қилиб,
Шукрилиллоҳ³, ўзга қилмай, бизни инсон
айлади.

¹ Холиқ — Яратувчи, Худо.

² Махлуқ — яратилган; инсон, мавжудот.

³ Шукрилиллоҳ — Оллоҳга шукр.

Жонлию жонсиз бари Ҳақ зикрини айтар,
қаранг,
 Дунёни карвонсарою элни карвон айлади.

Баъзилар дунё менинг деб Ҳаққа даъво қилдилар,
Барчасини қаҳр этиб, ер бирла яксон айлади.

Тоғ бўлар ернинг султони.

Ишқ дардига тушдим, қолдим гирифтор,
Бу дардга, қани, ким дармон келтирди?

Юз тириштирманг Худодан келса ҳар қанча бало,
Мард бўлингу белни боғланг, нола-ҳасрат
нораво,
Холисандиллоҳ¹ қилинг Ҳақ йўлида хайр ишни то
Ҳол² бўлсин десангиз, ҳол ичра ул ҳолим
менинг.

Банда ёшлик кибри боис хор бўлармиш,
билмадим,
Элу юрт, тенг-тўшларига зор бўлармиш,
билмадим,

² Хол — тариқат мақомларини босиб ўтиш жараёнида солиқнинг пок қалбида порлаб, уни руҳий камолотга олиб борадиган илоҳий файз.

Кенг деб ўйлардим жаҳонни, тор бўлармиш
билмадим,
Ким бу элдан айрилар, бемор бўлармиш,
билмадим.

* * *

Эй кўнгил, кел, шукр айла, бўлма кўп зору забун¹,
Бўлавер мардона, кўнглим, бил, ўтар сендан бу кун.

* * *

Ошиқ ёнса ул ёр учун,
Илон тутувчи мор² учун,
Йигитлар номус-ор учун,
Отга минар — мардонадир.

Ажойиб давронлар сурган,
Яхши-ёмон — барин кўрган,
Бизлар билан ҳамроҳ юрган,
Оқсоқоллар, боқ, донодир.

* * *

Гофил бўлма, кўтар бошинг,
Қарилик бир баҳонадир.

* * *

Олқиш бўлсин эл мардига,
Қорар ёвни ўз гардига.

¹ *Забун* — 1) ожиз, бечора, хор; 2) мағлуб.

² Мор — илон, аждар.

* * *

Мен деган эрларнинг иши армондир,
Бетоқат термилиб, дунё, дастингдан.

Бир лўли хотинсан — йўқдир қароринг,
Билиб бўлмас, борми бир севар ёринг?
Билсанг, гадо қилди шоҳни озоринг,
Бетоқат термилиб, дунё, дастингдан.

Қани, қирқ хазина тилла жам этган?
Қани, ёрни излаб юртидан кетган?
Қани, гуллар баҳор чаманда битган?
Бетоқат термилиб, дунё, дастингдан.

* * *

Махтумкули, ёр армони
Ўртар инсону филмонни.

* * *

Йўқ калити кўлда — жон шаҳри эшигин очгани.

* * *

Жон бермоқ осон хижрондан.

* * *

Бизга Оллоҳ амри — фарз эмиш билим.

* * *

Бировни шоҳ этар — берар кўп ривож,
Бировлар йиғлайди бир пулга мухтож,
Биров чора топмай ўтар ноилож,
Хар бошга юз алам кўяр бу дунё.

* * *

Искандар қанию қани Сулаймон,
Қани ботир Сухроб¹, Рустами Достон,
Оқибат жойлари бўлди қабристон,
Турланиб-тусланган лўли бу дунё.

* * *

Дунё шундай маккор, устаси фаранг,
Қўлсиз тутиб, ипсиз осади, қаранг,
Фироғий, тилинг тий, ҳолинг бўлар танг
Икки газ² оқ кафан киймоқ билан-ей.

* * *

Фоний жаҳон қирғий қуши,
Заҳарини сочиб борар.

* * *

Аямайди бегу хонни,
Тоғни, дарани, туманни,
Фириб билан олиб жонни,
Бок: бу фалак қочиб борар.

* * *

Гўзал олсанг, орифларга кулоқ сол,
Сийратин сўзларлар яхши син билан,

¹ *Сухроб* — машҳур афсонавий қахрамон Рустами Достоннинг ўғли. Сухроб отасини излаб бораётиб, ўз номини яширган Рустам билан яккама-якка жанг қилади ва ота ханжаридан нобуд бўлади. Сухроб образи мумтоз адабиётда энг эзгу орзулар рўёбга чиқмай бевақт хазон бўлиш рамзи бўлиб қолган.

² *Газ* — 0,71 метрга тенг узунлик ўлчови.

Номардга айланма тушсанг узоққа,
Не иш қилсин пичоқ куруқ қин билан?!

Номард тенгин кўрса, қувнар, юкинар,
Тўғри йўлда юриб, ҳар кун ўкинар,
Мардлар жанг бонгини урса сўкинар,
Юзма-юз келмаган чунки қон билан.

* * *

Зиёда нафсни дунё учун елдирмагин.

* * *

Шайтон йўлига гул кўнглинг олдирмагин.

* * *

Тама бирла дилингни нафс йўлига солмагин,
Зулм айлаб, ул кун дўзахда қолиб ёнмагин,

Олам тузди карвон, сен ҳам ундан қолмагин,
Ғаний¹, мол-мулким боқий деб ишонмагин.

* * *

Умид эт лутфидан, шайтондан ўзни асрагил.

* * *

Ишқ йўлида, кимки мард, ўзини унутмоқ
керак.

* * *

Тиш — паноҳ, тил эса оғиз нақшидир,
Лаб ва кулоқ ҳеч тил ўрнини босмас.

¹ Ғаний — бой, бадавлат.

* * *

Булбул жудо бўлар баҳор гулидан,
Гулни орзу қилар, асалга қўнмас.

* * *

Бок: фалак одамни майсадай ўрар,
Гўёки айлаган харжини йиғар.

* * *

Ўтар даврон, кутмас бу дам,
Ётма ғофил, уйғонавер.

* * *

Ол пандим, не иш кўрарсан,
Хар бир ишда бир синайвер.

* * *

Ишқ савдоси ривож топган бозорда,
Сотувчи билан харидор ўйнашар.

* * *

Мард йигит паст бўлар хасдан, тупрокдан,
Фақир бўлиб, молдан-бошдан айрилса.

* * *

Бевафога кўнгил берма, узавер,
Гуноҳдан қоч, савоб ишни тизавер.

* * *

Дийдор кўрмоқ йўқ тўйгунча.

* * *

Фалак заҳар-заққум беришда машҳур,
Заҳар-заққум қанду боли фалакнинг.

* * *

Мард дилида мудом номус-ор ортар,
Мард инсони бетимсоли фалакнинг.

* * *

Сабрсиз одам фарқланар,
Сабр жаннат калитидир.

* * *

Фалак, кимларни шод этдинг?
Кимни ғамдан озод этдинг?
Бир нечаларни мот этдинг,
Сендан рози бўлган борми?

* * *

Тескари айланган чархи фалакдир,
Инсон фарзандининг жони ҳалакдир.

* * *

Фоний дунёда яйраб,
Кезарсан кулиб-ўйнаб,
Ишқ қозонида қайнаб,
Ўлган борми, азизлар?

* * *

Мард йигитнинг оти чиқмас,
Давлати — моли бўлмаса.
Андишаси иш битирмас,
Майдонда доли бўлмаса.

Бўлмаса йигит зурёди,
 Ўлса эсланмайди оти,
 Ёнмайди кўксида ўти
 Бошда хаёли бўлмаса.

Олмас қушлар овга чопмас,
 Хунарсиз ўз айбин ёпмас,
 Маъракада жойин топмас
 Ақли — камоли бўлмаса.

Қўнмоқ гўзал юртга яхши,
 Гилам тўшак тўрда яхши,
 Ул йигитлар гўрда яхши,
 Боши ғавғоли бўлмаса.

Махтумкули, бўлса бошли
 Уялмас қиличли, ошли,
 Тузи ўткир, ёви кучли,
 Дўсти вафоли бўлмаса.

* * *

Махтумкули, ёлғон-яшиқ сўзлама,
 Қусринг бўла туриб, хайр кўзлама,
 Дардлаш, бир чеккада ёлғиз бўзлама,
 Элу халқдир дўсту ёри ёлғизнинг.

* * *

Инсу жинсга ҳукм этган Сулаймон,
 Искандару Жамшид ҳам Анушервон¹,

¹ Анушервон (Нўширавон) — одиллиги билан ном чиқарган сосонийлар сулоласидан бўлган Эрон шоҳи. У Шарқ халқлари орасида адолат тимсолига айланиб кетган.

Қани Ҳақ ҳабиби — ул фаҳри жаҳон?...¹
Ўтди бари — сира гумони бўлмас.

Қолди на Доробинг², на Шаҳриёринг³,
Қани Гулшаҳрдек⁴ оқ юзли ёринг,
Қани шоҳсуворинг⁵, олтин ҳисоринг⁶,
Ҳеч бирининг ному нишони бўлмас.

* * *

Дунё туби йўқ кўринар кўзимга.

* * *

Мен дунёни осмондаги ранг билдим,
Аввал қаттиқ кўнгил қўйдим, сўнг билдим,
Энди унинг бору йўғин тенг билдим,
Фойда қайси, зиён қайси, билмадим.

* * *

Нафс ўйинда, кўнгил дунё кўйинда,
Йўл йироқдир, юк оғирдир бўйинда,
Оёғи талабда, қўли ўйинда,
Ажал оғзидадир бели банданинг.

¹ Бу ерда Муҳаммад алайҳиссалом кўзда тутилмоқда. У зот Ҳақ ҳабиби — Оллоҳнинг дўсти ва оламнинг фаҳри ҳисобланади.

² *Дороб* — 1) каёнийлар сулоласининг саккизинчи ҳукмдори; 2) “Шаҳриёри олам” асарининг бош қаҳрамони.

³ *Шаҳриёр* — Хисрав Парвез ва Шириннинг ўғли.

⁴ Аслиятда: Гулчеҳра. Номлар саналгани учун Гулшаҳр — Турон баҳодир, Афросиёбнинг амакиси ва донишманд маслаҳатчиси Пироннинг гўзал рафикаси бўлса керак, деб тахмин қилдик.

⁵ *Шоҳсувор* — баҳодир, маҳоратли ва ҳашаматли суворий.

⁶ *Ҳисор* — қалъа; кўрғон девори.

* * *

Махтумқули, бу дунёнинг ҳаммасин,
Йиғиб-териб, елга бердим номусин,
Фикр дарёсига ақлим кемасин,
Ботирмишман, кечолмайман, найлайн.

* * *

Одам ўғли, фалак сенинг,
Бир кун тўнинг бичар-кетар.
Сенга урар ханжарини,
Жаллод қонинг сочар-кетар.

Кезма дунёга майл этиб,
Беҳуда ерда сайл этиб,
Аввал қўнганларинг ўтиб,
Кўз очгунча кечар-кетар.

Ўлсанг сени киминг ёдлар,
Кишнаб қолар бедов отлар,
Уни мининг мард йигитлар
Қора тупроқ кучар-кетар.

Махтумқули, бу қандай жой?
Ажойиб бир карвонсарой,
Лўли хотиндир бу дунё,
Бир кун сени қучар-кетар.

* * *

Ўтишар кунлар қувишиб, жон кечар ёна-ёна.

* * *

Сен дема биров қўл керар,
Оқиллар бунда иш кўрар,

Жоҳил фурсат излаб юрар
Ишрат истаб роҳат билан.

* * *

Махтумкули, тушни қил яхши таъбир,
Рози бўл чекингга не ёзса тақдир,
Одам бўлсанг, қилма тақдирни таҳрир,
Кишига бу йўлдан яхши йўл бўлмас.

* * *

Махтумкули, сўз боқийси,
Кўзингда ғафлат уйқуси,
Қаршингда ажал соқийси,
Ғофил одам тузоғидир.

* * *

Махтумкули, беқарорсан,
Бу не ўтдир — сен ёнарсан?
Барча зотни тенг тутарсан,
Билмассан фойда-зиёни.

* * *

Махтумкули, дунё фоний,
Бу жаҳонга келган қани?
Бир жуфтга кўшар ким уни,
Томоша шу ишиндадир.

* * *

Танда меҳмон азиз жонинг,
Қозонгил нури иймонинг,
Сўнгра ёйиб, кўйгил нонинг,
Бу дунёда ошинг қолар.

* * *

Умид этма бевафога,
Тупрок хурсанд — лошинг қолар.

* * *

Ажал келди, навбат етди,
Ким ҳам бу дунёни тутди,
Махтумкули, умринг ўтди,
Дод этиб, сирдошинг қолар.

* * *

Бир айбинг бор сенинг, айтсам юзингга,
Ҳеч ким билан бирга кетмадинг, дунё.
Аввал келганларга муҳаббат қўйиб,
Кейингиларга меҳр этмадинг, дунё.

Ўзинг айт, хўш, кимни барқарор этдинг,
Қанча мард эрларни хору зор этдинг,
Сулаймон тахтини тору мор этдинг,
Юсуфни кул дея сотдирдинг, дунё.

Не қилдинг султонни, ўлдирдинг хонни,
Шоҳ Кайковуснию¹ Рустаму Золни,
Девларга ҳукм этган Сулаймон қани?
Улар билан йўлга кетмадинг, дунё.

* * *

Кўнглини оғритма ота-онангинг.

¹ Кайковус — Эрондаги каёнийлар сулоласининг иккинчи ҳукмдори, Кайқубоднинг ўғли.

* * *

Етимларнинг молин олиб, зўр этма,
Айбингни бошқага тақа билмассан.

* * *

Дўстлар, бел боғламанг кўхна дунёга,
Бу дунё хийлагар — макру ол этар.
Ўзингни ташлаб у дарё тубига,
Олар жонинг, сўзлар тилинг лол этар.

* * *

Махтумкули таълим олгил устоддан,
Бу дунёда ҳар ким кечар бир отдан,
Лайли Мажнунидан, Ширин Фарҳоддан,
Вомиқ Узросидан айрилмадими?

* * *

Махтумкули чекар армон,
Ҳақдан келса бизга фармон,
Ажал келса, йўқдир дармон,
Тўрт минг тўрт юз кирган қани?

* * *

Азроил йўл очар бир кун,
Жон шарбатдан ичар бир кун,
Эрдан даврон кечар бир кун,
От ўлар, майдон қолмагай.

* * *

Ҳақ йўлида турар чин эр.

* * *

Эй азизлар, муслмонлар,
Келиб-кетар дунёдир бу.
Қурби етган мард йигитлар
Тўкиб-сочар дунёдир бу.

* * *

Дунёда яшасанг минг йил айш суриб,
Тупроқ бўлар танинг бир куни ириб.

* * *

Кечар умр, ўтар бу дам,
Не юрарсан қадам-қадам,
Филни йўлга солган одам,
Сени қуртлар еясидир.

Тоғлар бордир, тошлар бордир,
Ёзлар бордир, қишлар бордир,
Ёмон, оғир ишлар бордир,
Бошга тушган кўрасидир.

Махтумкули, ишқ майдондир,
Бу майдонга кирган жондир,
Жонинг ҳам танда меҳмондир,
Берган бир кун оласидир.

* * *

Агар банда бўлсанг, тани Раҳмонни,
Келиб сенга юзма-юз ҳам бўлмаса.

Таваккал эт, Ҳаққа топшир ҳар ишни,
Сабр билан битар тез ҳам бўлмаса.

* * *

Дунёга суянма, чирикдир тубдан.

* * *

Бойлар бордир ғарибларга раҳм айлар,
Бойлар бордир, дунё молига етмас.
Ўзал бордир, дунё молин сарф этсанг,
Ўзал бордир, еган нонига етмас.

* * *

Мард билан номарднинг жанги тенг келмас,
Номардлар урушда зиёндир, беклар.

* * *

Номарднинг ҳар иши вайрондир, беклар.

* * *

Номард маслаҳатга, кенгашга кўнмас,
Номарднинг ҳар иши аёндир, беклар.

* * *

Мард йигитлар қайга борса, уйи бор,
Номарднинг ўз уйи зиндондир, беклар.

* * *

Йўқлик диёридан борлиқ шаҳрига
Уч юз олтмиш кунлик йўлмиш бу дунё.
Юриб-юриб бир четига етишдим,
Кўрсам мenden бурун тўлмиш бу дунё.

* * *

Туғилган кунинг — тўй, ўлган кунинг — вой,
Бош-оёқ жангу жанжалмиш бу дунё.

* * *

Фақир-мискин билан бир ерга кетсанг,
Ёдидан чиқармас марҳамат этсанг,
Махтумкули айтар: жаҳондан ўтсанг,
Ўфил-қиз, келиндан, молдан не фойда?

* * *

Хиёнат — узмасанг қиёмат қарзни.

* * *

Билиб туриб, сира эътиборинг йўқ,
Ёмон иш қилишдан ўзга коринг йўқ,
Эй ландавур, номусинг йўқ, оринг йўқ,
Хавфу хатар, ранж-озорлар олдингда.

* * *

Жангу жадал жойи асли бу жаҳон,
Кунда минг туғилиб, ўлар минг бир жон.

* * *

Тубанга бўлар насиб,
Тубан қисмат доимо.

* * *

Гул, мева хидлаган ҳеч тўйдим демас.

* * *

Келган кетар вақт етиб,
Ўрин алмашар кетиб.

* * *

Жон телба, жаҳон шайдо,
Бундан ҳеч йўқдир фойда.

* * *

Кимлар кирди ҳақ йўлига,
Яхшилик тушди феълига.

* * *

Сақла ғийбатдан тилинг,
Юргил мудом инсоф этиб.

* * *

Рўзғор тутиш гўзал йўлдир,
Лекин ғам-ташвиши мўлдир.

* * *

Йигитлик бир қизил гулшан,
Қариликда сўлар равшан.

* * *

Айланаркан даврон, давр,
Юз кўйга эврилар тақдир,
Борган сари дўсти совир,
Қариб қолган борсиз¹ эрдан.

* * *

Ит заринг миннатин чекмас,
Бефаҳмга сўзим ёқмас,
Қўнглинг истаган иш чиқмас
Нон душмани — корсиз эрдан.

¹ Борсиз — мевасиз, ҳосилсиз.

* * *

Ҳақ, пайғамбар, халқ безордир
Сўзи эътиборсиз эрдан.

* * *

Бора-бора кўнгил кечар
Номуси йўқ, орсиз эрдан.

* * *

Одам бўлсанг, қулоқ солгил ўғитга,
Олимлар олдида суҳбат яхшидир.
Отармон-чопармон абжир йигитга,
Ўрни келганида шафқат яхшидир.

* * *

Сулаймондан ортиқ бўлса шавкатинг,
Фалакни титроққа солса ҳайбатинг,
Кўксингда жўш урса кучинг, ғайратинг,
Ажал ногорасин қоққанча бўлмас.

* * *

Кўзи бор айтмаса бу қора, бу оқ,
Кўр бечора кумуш, мисни не билсин?

* * *

Замона шундайдир — кўзга илмаслар
Ҳар йигитнинг қўлда бори бўлмаса.
Тиллага тенг сўзин бир пул билмаслар
Ҳар кишининг эътибори бўлмаса.

* * *

Тилга келган сўзлар кўнгил нақшидир.

* * *

Тан қачон чидайди илон захрига.

* * *

Ҳар номардга сарғайтирма юзингни.

* * *

Ўлим баробардир шоҳу гадога.

* * *

Махтумкули, жон меҳмондир, жисм лош,
Яхшининг дўсти кўп, ёмон беқардош.

* * *

Бировларни қилдинг мол-дунёга ёр,
Бировларни қилдинг бир чақага зор,
Яхши-ёмон — барча одамнинг қатор
Навбат билан ўтиб боришин кўринг.

* * *

Дунёда ким қолиб муродга етди?

* * *

Махтумқули айтар мудом йўл тани,
Беш кун синамоққа юборди сани,
Сендан бурун ўтган жононлар қани?
Ҳар ким навбатида ўта бошлади.

* * *

Таги пастга беклик етса ногаҳон,
 Овлар овин, солар қушин англамас.
 Шафқатсиз бекларга гар тегса даврон,
 Фуқаронинг кўзда ёшин англамас.

* * *

Ёмонликнинг қўли баланддир мудом.

* * *

Қочавер ҳаромдан, изла ҳалолдан,
 Тош оғиру юк кам бўлса, бу ҳолдан
 Баракаси ўчиб, осмонга келгай.

* * *

Бир оқил сўзимни тинглагай балки,
 Мақсадим насихат айламоқ халққа,
 Қозиси инсофсиз, беги паст ўлка
 Ёмғир ёғмай, замин фйфонга келгай.

* * *

Сўз маъноси чиқар бир яхши жойдан.

* * *

Ном истаган мард йигитнинг
 Аввал бедов оти керак.
 Келганда қарши чиқмоққа
 Яхши муҳаббати керак.

Мард керак жафо чекмоққа,
 От керак йўлга чиқмоққа,
 Супра ёйиб, нон тўкмоққа
 Кўнгилнинг ҳиммати керак.

Умид узгил хом хаёлдан,
 Сенга фойда йўқдир молдан,
 Турмушинг кечса халолдан,
 Орифлар суҳбати керак.

* * *

Дунё собит, умр қолмас,
 Ажал келса, чора бўлмас,
 Не юзланар — одам билмас,
 Барча иш Ҳақнинг коридир.

* * *

Яхши-ёмон барча одам
 Ажалнинг гирифторидир.

* * *

Ўзингни бил, ўзгага не ишинг бор.

* * *

Асир этиб дунё моли,
 Бўлмади ишқим камоли.

* * *

Бу дунё қўйибдир кимни,
 Хуш тутинг беш кунлик дами.

* * *

Қовуннинг яхшисин шақал ер бўлса,
 Номардга дуч этдинг ёрнинг яхшисин.
 Худоё, мол-давлат бахш этар бўлсанг,
 Бадавлатга бердинг зарнинг яхшисин.

* * *

Махтумкули дер, не ажаб иш этдинг,
Ёмонга дуч айлаб эрнинг яхшисин.

* * *

Одам сафи йўл олар
Минг эшик жаҳон сари.
Фалак — баққол ўтирмиш
Бир бозористон сари.

* * *

Кунда у дунёга кетса юз минглар,
Шунча бу дунёга келган-да бордир.
Юз минг аҳмоқ бўлиб озса йўлидан,
Юз минг ўзин йўлга солган-да бордир.

* * *

Кезиб чиқсанг бу дунёнинг тўрт бурчин,
Қоришгандир ҳалол, ҳаром, арвоҳ, жин,
Неча юз минг кетар ҳақ йўлидан чин,
Неча юз минг гумроҳ бўлган-да бордир.

* * *

Махтумкули, дилга қайғу келтирма,
Бу бир иш вақтидир, ўзинг йитирма,
Сўзим англамаслар деб жим ўтирма,
Жаҳон кенгдир, чандон билган-да бордир.

* * *

Гофил одам, ғор оғзида ётибсан,
Ўтди умринг майда-чуйда қор билан.
Дунё — илон, сен ястаниб ётибсан,
Тинч ётарми киши аждаҳо билан?

Иймонли бўл, инсофингни ютмагил,
 Кўра-била ўзинг ўтга отмагил,
 Бедор яша, ғафлат босиб ётмагил,
 Азоб ичра ётажаксан гўр билан.

* * *

Яхши-ёмон этган барча аъмолинг
 Қиёматда кутиб олар бор¹ билан.

* * *

Истасанг сарриштасини² бу жаҳоннинг сарбасар³,
 Қўл очиб, қаҳринг ютиб, қилсанг
 пушаймон ром бўлур.

* * *

Бўлмаса шохда итоат, эли-да ноком⁴ бўлур.

* * *

Кўзимга сенсиз асло кўринмас жаҳон, эй дўст,
 Не жаҳон, балки танда гар бўлса юз жон,
 эй дўст.

Дўстларингга бу ишлар бевафолик эмасми?
 Жонга жабринг орттирдинг очганча забон,
 эй дўст.

¹ Бор — бу ерда: мева, ҳосил.

² Сарришта — 1) калаванинг боши, ипнинг учи; 2) дафтар хисоби, ишнинг асоси; 3) бирор масалани ҳал қилиш йўли; 4) оқибат, саранжом.

³ Сарбасар — бошдан-оёқ, бутунлай.

⁴ Ноком — мақсадга етмаган, бебаҳра, ночор, маҳрум, маъюс.

* * *

Мазлумларга лутф айла — шудир хаёт
йўриғи.

* * *

Бир нечалар бол деб, қолди балога.

* * *

Тўнғиз дарё булғар, ит хураар ойга.

* * *

Уйқу жойи эмас одамга дунё,
Бир сўзим бор, кимки қулоқ солса то,
Махтумқули дейди: асрасин Худо,
Янги келганларни кўхна саройга!

* * *

Мард йигитга бер ғайрат,
Вайронни қилгил обод,
Ўткир қилич, араб от
Феъли ёмона тушмас.

* * *

Сен роҳатда ётибсан қўл-оёғинг узаниб,
Ўқ-ёй билан ортингда ажал юрар кезиниб.

* * *

Дунё ясаниб, бошима соя солиб ўтди,
Сўз навбатида косаи даврон тўлиб ўтди,
У мағрибу¹ машриқни² тамоман олиб ўтди,
Бир нағмагари неча наволар чолиб ўтди,

¹ Мағриб — ғарб, кунботар.

² Машриқ — шарқ, кунчиқар.

Мажнунни кўринг, чоки гирибон¹ бўлиб ўтди,
Лайлини кўринг, гунчаи хандон бўлиб ўтди.

Бир нечаларинг ошига гар оғу қотилди,
Тақдири азалда уни шу хилда ёзилди,
Мансур “Аналҳақ”² деди-ю, дорга осилди,
Мағриб қизининг тақдири Канъонга қўшилди³,
Юсуфни кўринг, кул дедилар, қайда сотилди,
Охирда, кўринг, Мисрда султон бўлиб ўтди.

Бир иш ила ҳар кимса пушаймон бўлиб ўтди.

Махтумкули, дўст тутма бу дунёни, у — ёлғон,
Ҳозир куласан, эрта ишинг оҳу пушаймон,
Олдингда сирот кўприги хавфи, яна мезон,
Сен этма жаҳон нафсинга ҳеч ақлингни ҳайрон,
Охирда ажал қўймади, кўп яшади Лукмон,
Кўп бандалар уй-мулкини вайрон қилиб ўтди.

* * *

Махтумкули, элга солма овоза,
Кўриниб турибди барчаси кўзга,
Ақли борнинг фаҳми етар бу сўзга,
Ҳожати йўқ сўраш уни устоддан.

* * *

Дедим: “Замон аҳли нима билан банд?”
“Ўфил-қиз ғамияю яна йиғмоқ мол”.

¹ Чоки гирибон — ёқаси чок.

² Мансур — машҳур сўфий Мансур Ҳаллож (850—922).
“Аналҳақ” — “Мен — Ҳакман” дегани учун ваҳшиёна бир тарзда ўлдирилган.

³ Бу ерда “Юсуф ва Зулайхо” қиссасига ишора қилинган.

* * *

Дедим: “Қачонгача нафсим ром бўлар?”
“Таъзирин егунча чўзилар бу ҳол”.

* * *

Махтумкули, ҳақиқатдан туз сўзинг,
Сен ўнг кўзим дейсан, кўнмас сўл кўзинг,
Мосувони¹ ташлаб, қўйгил мажозинг,
Бир Ҳакдан ўзгаси душмандир душман.

Махтумкули:

— Қандай гавҳардир у — бўлсин баёни?
Эй муаллим, бизга шундан хабар бер.
Қандай сандиқ у гавҳарнинг макони?
Устод бўлсанг, бизга шундан хабар бер.

Зунубий²:

— Иймон — гавҳар, шудир бу сўз баёни,
Бизни устод қилсанг, жавоб шундайдир.
Кўнгил сандиғидир унинг макони,
Бизни устод билсанг, жавоб шундайдир.

Махтумкули:

— У не дарё — кирган чиқмагай зинҳор?
У қандай жой — Ҳақнинг назар-мехри бор?
Фаҳму ҳисоб билан қилиб ихтиёр,
Устод бўлсанг, бизга шундан хабар бер.

¹ *Мосуво* — бутунлай маҳрум бўлган, жудо бўлган, айрилган.

² *Зунубий* — XVIII асрда яшаган туркман шоири. Махтумкулининг устозларидан бири.

Зунубий:

— Онт бир дарё — кирса, чиқмас ҳеч банда,
Назаргоҳ бор ҳар мўминнинг кўнглинда,
Уч юз олтмиш назар айлар Ҳақ кунда,
Бизни устод билсанг, хабар шундайдир.

Махтумқули:

— У қандай боғ, унда мева топилмас?
Не булутки, унинг ёмғири бўлмас?
Не зулматки, ой шуъласини солмас?
Устод бўлсанг, бизга шундан хабар бер.

Зунубий:

— Амалсиз олимлар боғдир самарсиз¹,
Ёғмас булут — осийлардир хабарсиз,
Кофирлар бир зулмат тундир қамарсиз²,
Бизни устод билсанг, хабар шундайдир?

Махтумқули:

— Не ҳуққаки³, машҳур унинг гавҳари.
Не булбулдир, не аждардир, не бўри?
Не чўпондир, боқар шому нахори?
Устод бўлсанг, бизга шундан хабар бер.

Зунубий:

— Кўнгил ҳуққасида гавҳар — иймондир,
Нафсинг — аждарҳодир, бўри — шайтондир,

¹ *Самар* — бу ерда: мева, ҳосил маъносида.

² *Қамар* — ой.

³ *Ҳуққа* — ичида гавҳар етиладиган садаф; қимматбаҳо тошлар солиб қўйиладиган қутича.

Тоатинг — булбулдир, ақлинг — чўпондир,
Бизни устод билсанг, хабар шундайдир.

* * *

Насихатим будир, баён айласам,
Ишвали, покиза қиздир бу дунё.
Агар шикоятим аён айласам,
Оламга ошкора сўздир бу дунё.

* * *

Бу дунёда беш кун соғу бор бўлсанг,
Орзуинг ушалмай, феъли тор бўлсанг,
Йўқчиликдан қашшоқ бўлиб, зор бўлсанг,
Мардни номардга зор қилди бу дунё.

* * *

Бунда қилган барча ишларинг пинҳон,
Пинҳонингни ошкор қилди бу дунё.

* * *

Одам ўғли, сенинг юрагинг тордир,
Бу дунё бир қуруқ хасча йўқ, хордир.

* * *

Ёлғон дунё моли ўтар сел каби.

* * *

Емоқ-ичмоқ, киймоқ — бу дунё завқи.

* * *

Бу дунёда борми қолган?
Менга чиндир, сизга ёлғон,

Бир оку бир қора илон
 Ҳар кишининг бошиндадир.

* * *

Айланар, кечар давронлар,
 Нулар қурилган айвонлар,
 Кундуз ёрга ошно жонлар
 Кеча ётса тушиндадир.

* * *

Уч ҳиссаси далли дарё,
 Бир ҳисса ерда минг ғавғо,
 Ким биларки, кўхна дунё,
 Ё Раб, неча ёшиндадир?

* * *

Махтумқули қилар хаёл:
 Чарх — ёй, ажал — ўққа мисол,
 Дунё бир бевафо аёл,
 Одамзоднинг қошиндадир.

* * *

Фироғий, жой эмас дунё тургали,
 Беш кун ишрат қилиб, даврон сургали,
 Қарорим йўқ ўтиргали, тургали,
 Очиб турар оғзини ер биз сари.

* * *

Иймондан ўзгаси ҳечдир, азизлар.

* * *

Ғофил қолманг, келган дунёга ўтар,
 Кўп шод бўлманг, бордир бундан ҳам баттар,

Карвонларнинг кети узилмас магар
Охири кўринмас кўчдир, азизлар.

* * *

Ажал ёқанг тутса, ўртанар бағир,
Кетган қайтиб келмас — шу эмиш тақдир,
Манзиллар узоғу юклар кўп оғир,
Эрта қўзғалмаса, кечдир, азизлар.

* * *

Бир кеча туш кўрдим: эртаси йўқдир,
Дунёнинг тимсоли тушдир, азизлар.

* * *

Махтумкули, бўйин сунгил бу амр-а,
Молга машғул бўлиб, қолмагил гумроҳ,
Юз йиллик тадорик беш кунлик умр-а,
Ўйлаб кўринг, қандай ишдир, азизлар?

* * *

Куйдирар шум фалак жабру жафоси,
Ёлғондир, ишонманг, аҳду вафоси,
Махтумкули, йўқ бу сўзнинг хатоси,
Фалак алиф қаддим дуто¹ айлади.

* * *

Фарқ бўлсанг дарёга, дуч келсанг дардга,
Тама қилиб, ечма юзингдан парда,
Сира умид қилиб борма номардга,
Ишинг тушиб, дўсту ёрга юз тутсанг.

¹ Дуто — икки букилган, эгилган.

* * *

Умрингга ўт тушса, юрак ёғингдир,
Ёғинг тугар, пилтанг ёнар, ўчарсан.

* * *

Ажал ўту тан — милтиқ, жон — ўқ эмиш,
Ўт тушса ризқ хирмонига, кўчарсан.

* * *

Бу дунё зоҳиран қилар табассум,
Асли касби жабру жафою зулм.

* * *

Кул ўрнида қайта бўстон топилмас.

* * *

Ғафлат ичра ғофил ётма, туравер,
Нима берсанг, қўлинг билан беравер,
Тирикликда ўлим ишин кўравер,
Бир кун жасад ичра бу жон топилмас.

* * *

Ёлғончидан дўстлик тамасин кесинг.

* * *

Йиққан савобларинг бўлади йўлдош,
Йўқса, гўрга ёлғиз-якка кетарсан.

* * *

Қазо қўймиш ажал отлиғ ясовул.

* * *

Охират уруғин, гар бўлсанг оқил,
Бу дунёда эка-эка кетарсан.

* * *

Фалак, сенинг бу шукуҳли гардишинг
Биз сари ҳеч айланмасми, келмасми?
Мардни териб, ерга тикишдир ишинг,
Замин инсоф айламасми, тўлмасми?

Дунё, бир хил айланади гардишинг,
Қизил қондан қирмиз бўлибди тишинг,
Бўрию эчки дўстлигидай ишинг,
Ғамгин шод бўлмасми, бахтсиз кулмасми?

Ўроксиз ўрарсан, тигсиз кесарсан,
Мушт урмай эзарсан, ипсиз осарсан,
Қўл-оёқсиз билдирмасдан босарсан,
Йиққан босиб ётар, қайта қолмасми?

Фалак баққол: ютар уришсанг, суйсанг,
Гавдангни кўтариб, қанотинг ёйсанг,
Ўлим зулмин одам бўйнига қўйсанг,
Қўркувидан сарғаймасми, сўлмасми?

* * *

Киши борми, фалак бағрин эзмаган?

* * *

Ҳалол яша — охиратдан ваҳм эт,
Камбағални хафа қилма, раҳм эт,
Ошиқ дер: оз-кўп сирини фаҳм эт,
Оқил бўлсанг, сўзга қулоқ тут яхши.

* * *

Эй темир тирноқли талончи дунё,
Ишинг йўқдир номус билан, ор билан.
Жабру жафоси кўп, ёлғончи дунё,
Қўймайсан яйрашга ёрни ёр билан.

Замин узра юксак тоғлар чекарсан,
Томошабин бўлиб, унга чиқарсан,
Ҳар нени бир сабаб билан йиқарсан,
Жилғани сел билан, тоғни қор билан.

* * *

Жон матосин олсанг, қайта сотмассан,
Қайта олиб бўлмас олтин, зар билан.

* * *

Лайли деб қанча жабр этдинг Мажнунга,
Қонин тўқдинг инсоф айламай унга,
Ҳар кун қирқ от безаб бердинг Қорунга,
Исо ўтди эшак миниб хор билан.

* * *

Эй азизлар, билиб бўлмас
Не иш келар бошимизга.
Бу бевафо фалак мудом,
Оғу қўшар ошимизга.

Ажал келар, оғзин очар,
Нозик белинг замин кучар,
Кулиб келган йиғлаб кечар,
Раҳм этмас кўз ёшимизга.

* * *

Махтумкули айтар: тиканми, гулми,
 Ёшлик ё кексалик, хўжами, кулми,
 Ялиниш беҳуда — бойми, йўқсулми,
 Барчаси ер қўйнин кучиб борадир.

* * *

Сен шундайсан, одамзод,
 Туғилдингми, тўн керак.
 Оқ сут эмиб улғайгач,
 Йиғлаб дейсан: нон керак.

* * *

Ажал келар — ўйда йўқ,
 Кўрмак йилда, ойда йўқ,
 Хеч кишидан фойда йўқ,
 Бир нури иймон керак.

* * *

Ишқ бир мушкул ишдир, ўкидим, кўрдим.

* * *

Кексаликка етар йигит чоғлари,
 Гадо айлар тож эгаси бекларни,
 Қўрғошиндай эритади тоғларни.

* * *

Ошиқ бўлган умид узар жонидан.

* * *

Йигит бўлсанг, кезгил яхши от билан,
 Бедов миниб, сайр эт паризод билан,

Хаётингни ўтказ жамоат билан,
Масжиди йиқилса, меҳроб топмассан.

* * *

Ёлғончига дўзах ичра куймоқ бор,
Билиб ёлғон сўзни айтувчи бўлма.

* * *

Келган кетар бу ёлғончи жаҳондан,
Хўжа, сайид, бек, подшою кул қолмас.

* * *

Фироеий, гар йигит туғма лаънати,
Иш битирмайди-ю, бўлар миннати.

* * *

Ошиқ қисмати аён,
Дарду ғами бепоён,
Маъшук киприги камон,
Қоши эса ёй бўлди.

* * *

Кин, жанжалдан бало келар.

* * *

Яхши билан ўйнаб-кулсанг,
Айирмас хушдан, тўғриси.

* * *

Ишқ ишини англаб, дилин хуш этган,
Айриларми ошиқ бўлиб, жўш этган,
Ёр қўлидан мусаффо май нўш этган,
Лаби тегса, ичиб қонмас, азизлар.

* * *

Бир ўт бордир ошиқларнинг ичида,
Биз билган ўт каби ёнмас, азизлар.

* * *

Фироғий, ишқ ошиққа қанот айлар,
Ишқ иши шу: яқинларни ёт айлар,
Қаловсиз ёндирар, елсиз ўт айлар,
Ҳар қанча уринса, сўнмас, азизлар.

* * *

Ёр ёди-ла яшаш на хуш жаҳонда,
Ёр ёдидан ишқим кучаяр жонда.

* * *

Аҳмоқ ўзин оқил билан тенг айлар,
Аввал ишни қилиб, фикр сўнг айлар,
Зехнингни койитиб, жонинг танг айлар,
Айтганингни қилмай, бошни ёндирар.

* * *

Ошиқлар юракдан этса оҳ-нола,
Тоғни қовжиратиб, тошни ёндирар.

* * *

Маҳшарда шикоят этар тилингдан,
Расволигинг шудир сенинг, ғийбатчи.
Умринг елга берма, озма йўлингдан,
Ранжитма ҳеч юрту элинг, ғийбатчи.

* * *

Ёмон сўз айирар яхши дўстингдан.

* * *

Махтумкули айтар элнинг кўзиндан.
 Тушибон хор бўлсанг, кўргил ўзингдан,
 Тилингни тиймасанг ҳаром сўзингдан,
 Барбод бўлар тамом дининг, ғийбатчи.

* * *

Махтумкули, ким бор ўлмас?
 Ажал тўймас, тупроқ тўлмас,
 Осмон тушмас, ер терс бўлмас,
 Кун юрар, ойлар кўринар.

* * *

Нечалар мол топмай, аҳволи ночор,
 Нечалар сархушдир бўлиб дунё ёр,
 Нечалар бемаҳал ўлимга дучор,
 Нечалар бор сурган ёшига етмас.

* * *

Танилади жангда мардлар.

* * *

Ҳосил умиди бор экин экканга.

* * *

Киши то сўзламай сири фош бўлмас.

* * *

Оқу қорани таниган ёш бўлмас.

* * *

Пулу бойлик мудом халқнинг тамаси.

* * *

Ҳеч кўнгил шодлиги чиқмас,
Бир кўнгил йиқмаган эрдан.
Яхшилиқни умид этманг,
Ёмонлик чиқмаган эрдан.

* * *

Жанг майдони — мардлар учун,
Бўрига бермас шер овин.

* * *

Бир думи йўқ итдир, қочгил —
Насиҳат ёқмаган эрдан!

* * *

Фикр эт, Махтумқули, дунёга боқ не кўринур:
Сўнгги йўқ алдову кўп фавти фанодан¹ ўзга.

* * *

Бу дунёга келган кечар,
Халойиқ ул майдан ичар,
Бир аждаҳо оғзин очар,
Ваҳм айла ютмасдан бурун.

Машғулсан дунё ўйнига,
Киарсан ернинг қўйнига,
Ажал банданинг бўйнига,
Қайтавер минмасдан бурун.

¹ *Фавт* — ўлим, вафот этиш.

* * *

Бу фоний жаҳонга кўнгил берганлар
Ишин хато айлаб, ўтиб борадир.

* * *

Кимлар ҳақни айтса, нотинчлик қўпар,
Кимлар учиб юрар, кимлардир қўнар,
Кимларнинг уйида фарзандлар унар,
Кўпчилик бефарзанд ўтиб борадир.

* * *

Кўпдир фалак ғам-ташвиши,
Жонга бало ҳар бир иши.

* * *

Фалак қўлин чўзди дунё молига,
Эгасиз айлади, сурди-да борди.
Яхши-ёмон тушар бўлса йўлига,
Аямай борини урди-да борди.

* * *

Кимни ҳатто, ризқдан сиқар,
Кимга берар арғумоқни.

* * *

Барча қилган ишим тўғри эмас-да.

* * *

Одам ўғли, сайл қилсанг,
Дунёда дўкон кўринар.
Бу фонийга назар солсанг,
Юҳо бир жаҳон кўринар.

* * *

Ғарибнинг қисмати туганмас озор.

* * *

Номард фасод тошин кўзлар.

* * *

Кекса ўзин ёшдай чоғлар,
Беҳуда юрагин доғлар,
Эр йигитлар мудом йиғлар,
Мардга ҳамроҳ бўлмагунча.

* * *

Ҳеч не бунда боқий қолмас,
Фалак дўстлик нима билмас.

* * *

Кўзлар неча ёмон кўрар,
Тиллар яхши-ёмон сўрар,
Овчи зоти тоққа юрар,
То қартайиб қолмагунча.

* * *

Карвон хатарга келса дуч,
Сардор мўътабарлик айлар.

* * *

Ўйин қилиб бизнинг қошда,
Фалак фирибгарлик айлар.

* * *

Фалак айланар олмай тин,
Ҳайронлиги дунёнинг чин,

Икки тилли лўли хотин,
Мудом ҳийлагарлик айлар.

* * *

Тилда юрар ажиб нақл:
“Сен ўласан, бўлма бахил”,
Бахти кулса, номард ўғил
Юрт ичида шоҳлик айлар.

* * *

Агар чўлоқ киши таёқсиз қолса,
Йўл тополмайди кўр ҳамроҳсиз бўлса,
Мард ёнганда тоққа тишини солса,
Қора тошу туллак, селини билмас.

Ажал мудом пойлаб ётади йўлни,
Дуч келган унутар оёғу қўлни,
Шундан ёниб-куяр бу одам ўғли,
Шайтон ҳам, валий ҳам феълини билмас.

* * *

Пашша шўрлик тушса филнинг остига,
Учолмасдан уриб жавлон ўртанар.

* * *

Номард кўрқар тунда кўрса қорадан,
Ошда ботир, бок, дастурхон ўртанар.

* * *

Баланд тоғларнинг бошидан
Қишин-ёзин туман кетмас.
Синалмайди эр ташидан,
Қанча пайпаслама, айтмас.

* * *

Фалак тутса инсон дамин,
 Лукмон топмас унинг эмин,
 Хавотири бўлган дамда,
 Юрак ютиб, номард ётмас.

* * *

Бил, бу дунёда осон
 Бирор иш йўқ бегумон.

* * *

Одам бўлар турли хил.

* * *

Дунё қўяр озорга,
 Одам бўлар овора.

* * *

Қирғийдан қушларга бир оз
 Жахон ичра омон борми?

* * *

Бу фалак қўллашни билмас,
 Айланиб мададга келмас,
 Фалакни қўтариб урган
 Дунёда бир инсон борми?

* * *

Қафас ичра асирдир жон,
 Тил айланмас, оғиз ҳайрон.

* * *

Бу ёлғончи фоний жаҳон
Қўймас нажотга — омонга.

* * *

Тоғ бошининг тумани бор,
Хар боғнинг бир боғбони бор,
Одамнинг ёри жони бор.

* * *

Яхши сўзга харидор эл.

* * *

Тоғ устидан кўчар тоши,
Хар кимнинг бор ўз сирдоши,
Ёмон кимнинг йўқ қардоши,
Кўзи тушмас бир туққанга.

* * *

Номард “ғофил қолар”, уйидан чиқмас,
Ғам-ташвишга тушар “жанг” сасин туйса.

* * *

Ориф бўлар дунё сирини очган.

* * *

Фалак терс айламиш иқбол гардишин,
Бир-биридан жудо қилар қардошин.

* * *

Туни билан санқир тулки, шақаллар,
Фил бечора мудрар “тун” сасин туйса.

* * *

Кимларнинг тупрокдан чиқиб иқболи,
Дунёни сайр этиб, кеза бошлади.
Кимларнинг тўзганча бор йиққан моли,
Қўйидан бўрилар оза бошлади.

* * *

Номардлар қўркади — йўқ шижоати,
Жанг пайти эшакка айланар оти.

* * *

Ўйнаб-кулсанг тенг-тўш билан бир замон,
Фалак дарҳол бурнин суқиб борадир.
Қўлда ажал ўкин ўйнаб бу жаҳон,
Қўз юмиб, ҳар тараф отиб борадир.

* * *

Чарх солган яранинг йўқдир чораси,
Зор йиғлатар яллиғланиб яраси,
Яхши-ёмон — навбат билан бариси
Фонийдан боқийга ўтиб борадир.

* * *

Тинч юргани қўймас бу фалак бир он,
На қутқарар, қилар на банди зиндон,
Халос бўлмас қочиб бир ёққа инсон,
Юзин терс ўчириб, тутиб борадир.

* * *

Фалак чарчамайди топиб баҳона,
Ўт ёқмасдан азоб берар жаҳонга,
Оғзингга бир луқма солганинг онда,
Билдирмай заҳарин қотиб борадир.

* * *

Бу муҳаббат зулми билан хору зордир кўп
 жонлар,
 Маъшуфига дуч келганда топмас айтар сўзини.

* * *

Умринг бўлсин беш юз йилдан зиёда,
 Узангингда душман юрсин пиёда,
 Гулсапсардек ўзинг ҳам бўл озода,
 Сафар қилгунг бир кун ёғоч от билан.

* * *

Фалак ўйинини бир кун биларсан,
 Қариндош этганда сени ёт билан.

* * *

Мард ошиқнинг ширин жони
 Ишқнинг оташида ёнди.

* * *

Баъзилар мол дея чопиб,
 Ҳаром-хариш мол йиғинди.

* * *

Ёр деб сарсон кезар ошиқлар фақир,
 Сарв қад, қора кўз, хипча бел кўзлар.

* * *

Айланган даврлар, кунлару ойлар,
 Фалак эврилади, янги йил кўзлар.

* * *

Гуноҳлар кўпайиб, камайди савоб,
Қўрқарман, бу жаҳон бўлмай деб хароб.

* * *

Яхшидан ёмон иш чиқиши қизиқ.

* * *

Дунёга келганлар кетар мот бўлиб.

* * *

Мард йигитлар кечар бошдан
Жанг чоғида уруш билан.

* * *

Номардлардан ёмон соз.

* * *

Дунёни фикр айласанг,
Ғам-ташвишинг боз бўлар¹.

* * *

Йўлдан қилча оғса ҳам қиёматда расводир.

* * *

Йигит кўнгли суйганини олмаса,
Хотиржам роҳатда ётиб бўлмайди.

* * *

Яхши ишни ўйламас топган разолатдан нишон.

¹ Боз бўлмоқ — такрорланмоқ, кўпаймоқ.

* * *

Кўз билан кўрган, эшитгандан эмиш афзал
гумон.

* * *

Гар кучи етса, мушук қоплонга бермайди омон.

* * *

Айланар — қиш кечар, баҳор, ёз, куз ҳам,
Вақтида яхшидир тоғ, денгиз, туз ҳам,
Оқибат ўтармиз устингдан биз ҳам,
Бўшаб ҳам қоларсан ҳали, дунё, хей.

* * *

Тортган сари ортар дунёнинг дарди,
Қачон кўнгил қарор топар жам бўлиб?
Қўй уни, охират учун қил жаҳдни,
Дунёни ким тутди? Ўтар гум¹ бўлиб.

* * *

Гафлат ёстиғининг устида боши,
Гофил одам мунча эриниб турар.
Тан қафаси ичра ваҳший жон қуши
Ҳар дам канот қоқиб, уриниб турар.

Умринг ўтди-кетди — қилмадинг парво,
Манзилинг масжид қил, тўшагинг — бўйра,
Қилганинг куфрдир, этганинг риё,
Қазо ёйи унда қурилиб турар.

¹ Гум — йўқолиш, махв бўлиш.

Яхшилардан бир насиҳат олавер,
 Карвон кетди, ёлғиз қолдинг, елавер,
 Одам ўғли, мудом ҳозир бўлавер,
 Нафси шайтон сенга суриниб турар.

* * *

Ушбу дунё бир кўрсичқон мисоли,
 Илдизларни бир-бир қирқиб турибдир.

* * *

Дўстлар, бир мисолдир тилимга келган,
 Дикқат қилса, англари ақлли бўлган,
 Дунёни ўрамиш улкан бир илон —
 Қуйруғи бошидан ўтиб турибдир.

* * *

Бу дунё бир саройдир,
 Келган ўтиб борадир.

* * *

Меҳр кўрсатмасанг, дўст кўнгли ранжир.

* * *

Бевафо дунёда истама вафо.

* * *

Бу дунё фонийдир, тўхтамас, кечар,
 Кимнинг ақли бўлса, бил, ундан қочар,
 Иблисга йўл бериб, ўт ютма зинҳор,
 Гул деб, ўзни этма тиканга дучор,

* * *

Инсоннинг устуни, англагил, иймон,
Асра уни шайтон макридан омон,

* * *

Дўстларим, душман билинг, оламда то
бордир чилим,
Ўйламанг дўст деб сира, бир ғорати
жондир чилим,
Таърифини айласам, бир захри кўп
мордир чилим,
Домига тортар ўзининг, мисли занғардир
чилим,
Қайда бўлса дўзахийлар, базмида бордир
чилим.

* * *

Бу ёлғончи дунёнинг касби макр —
ол биландир,
Бошин кўриб қувонма, сўнгги завол
биландир,
Фалак иши ҳар замон бир айри ҳол
биландир,
Махтумқули, бир кўнглим юз минг хаёл
биландир.

* * *

Махтумқули, беш кун соғ бўлсин жонинг,
Ўлгунча тилингдан қўйма эҳсонинг,
Қанчасини кўрдим фоний дунёнинг,
Бу қурумсоқ кимга вафо айлади?

* * *

Не гўзаллар ўтди малак мисоли,
Ўн тўрт кунлик тўлган ойдай жамоли,
Не ошиқлар ўтди — паришон холи,
Уларнинг ишқида ҳайрон ўтибдир.

* * *

Қани ҳийла билан бойлик йиғганлар,
Қани уйлар тўла кумушлар, зарлар,
Қани сандиқ-сандиқ лаълу гавҳарлар,
Бари қолиб, ошкор, ниҳон ўтибдир.

* * *

Зое ўтказма ҳаётинг, ҳосилинг берма ела.

* * *

Йўлга чиқсанг, танла муносиб ҳамроҳ.

* * *

Ҳамроҳ бўлиб олим билан юрганга,
Панду ўғитига қулоқ берганга,
Узун бўй, хуш соқол, юзи нуроний —
Бир зотга дуч келсанг, омад келгани.

* * *

Дунёда май ичиб, зино қилганлар,
Ҳаққа маълум бўлиб турса керакдир.

* * *

Бир фоний дегайлар ёлғон жаҳона,
Ўлимни айларлар унга баҳона.

* * *

Махтумқули, ўзингча йўқ нокасинг
Хизматида юриб, хору зор бўлдинг.

* * *

Олам титрар золимларнинг зулмидан.

* * *

Ўткинчи дунёга ҳеч ихлос этма,
Унинг асли бевафодир, азизлар.

* * *

Зурёдсиз кишининг охири вайрон.

* * *

Дилни ҳижрондек этувчи қора йўқ.

* * *

Мард айласа тарки ватан,
Ҳаққа ёлвориб, эл истар.

* * *

Ақли бўлса нодон сайрарми бекор.

* * *

Замона охир бўлганда,
Фарқ қолмас чинда, ёлғонда.

* * *

Фарҳод Ширин билан даврон сурмади,
Сайфулмулук ўзгага дил бермади,
Ошиқ Тоҳир Зухра дея турмади,
Моҳимга бахш этмай гулни, дунё, ҳей.

* * *

Жон шаҳрида ажал қушлари яйрар.

* * *

Чин ошиқда бўлмас нолиш нишони.

* * *

Кимларнингдир тупроқ қилиб молини,
Кимларнинг тупроғин забаржад қилдинг.

* * *

Дунёнинг йўқ экан аҳду вафоси,
Қани йигитларнинг завқу сафоси,
Кундан-кунга ортар жабру жафоси,
Бир кун солар сизни ёмон ҳолларга.

* * *

Келган кетар — бунда ҳеч киши қолмас,
У ёққа кетганлар ҳеч қачон келмас,
Ўғил-қиз, дўст-ёринг узатиб қолар,
Айрилиб, аталган узун йўлларга.

* * *

Эй кўнгил, бедор бўл бемор бўлмасдан бурун,
Бу азиз жонинг тўшакда хор бўлмасдан бурун,
Кўзларингга кенг бу олам тор бўлмасдан бурун,
Жон ажалнинг дастидан абгор бўлмасдан бурун,
Жисми озодинг лаҳадда зор бўлмасдан бурун.

* * *

Яхшилиқни айла ҳамроҳ то қўлингда ихтиёр.

* * *

Қилмишин қилса ҳисоб, шарманда, расво кўндир.

* * *

Гар қўлингдан келса, бир ғамгин кўнгилни шод эт.

* * *

Қоч ёмонлардан доимо, яхшиларга ёр бўл,
Ғафлат уйқусидан оч кўзни, мудом хушёр бўл.

* * *

Ихтиёрингни олиб, шайтон билан нафсу ҳаво,
Иккиси бошингга солди ҳеч туганмас можаро,

* * *

Ногаҳон етса ажал, бермас сенга бир дам омон,
Бу ширин жон аччиғидан айлағайсан ох-фиғон,
Молу мулк жонингга оро кирмас ул дам бегумон,
То ҳаётинг ичра ҳосил қил ризойи ул макон,
Ҳар замон фарёду оташ ёр бўлмасдан бурун.

* * *

Аҳли дунёдан баланд айла ўзинг, мумтоз¹ қил,
Ғам юки то сенга бемикдор бўлмасдан бурун.

* * *

Кеч ёмон феълингдану доим пушаймон
айлагил,
Эътиборингга муносиб хайру эҳсон айлагил.

¹ Мумтоз — 1) танланган, сараланган; 2) сарбаланд.

* * *

Нафс бўйнига мудом тушсин шикан¹ узра
шикан.

* * *

Ишқ ўти олдида бир хасдир жаҳаннам,
ғам ема.

* * *

Дунё моли — маъбудинг², нафсу ҳаво —
масжидинг.

Билмадим, не мақсудинг?

* * *

Жаҳоннинг иши жафо,
Ким кўрди ундан вафо?

* * *

Эй дин истаган инсон,
Бўлма молга андармон.

* * *

Зурёдсизлик жафо этар.

* * *

Эҳсонинг банд этар билар-билмасни,
Иқболинг йўқ этар тўғри келмасни.

* * *

Кўрганнинг кўзи тўймас, кўрмаган армон чекар.

¹ *Шикан* — шикаст, синиқлик.

² *Маъбуд* — бут, санам, сифиниладиган нарсa.

* * *

Махтумқули айтар, мудом йўл тани.

* * *

Комил инсон қўлини тут, зикрида бўл ҳар замон,
Бўлмаса ранжу машаққатлар чекар бу
жисму жон.

* * *

Мол мулкинг ҳеч қачон қилмас вафо —
сен беҳабар.

МАХТУМҚУЛИ ВА ДУРДИ ШОИР¹ АЙТИШУВИ

Махтумқули:

— У нимадир, яшилу қизил ўсар?
У нимадир, оёғи йўғу кезар?
У нимадир, етти дарёда сузар?
Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар бер.

Дурди шоир:

— У экиндир, яшилу қизил ўсар,
У илондир, оёғи йўғу кезар,
У балиқдир, етти дарёда сузар,
Биздан салом бўлсин, жавоб шундайдир.

Махтумқули:

— У нимадир, ёқаси бор, ёни йўқ?
У нимадир, қаноти бор, қони йўқ?
У нимадир, одам ютар, жони йўқ?
Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар бер.

Дурди шоир:

— У кафандир, ёқаси бор, ёни йўқ,
Капалақдир, қаноти бор, қони йўқ,
Қора ердир, одам ютар, жони йўқ,
Биздан салом бўлсин, жавоб шундайдир.

¹ Дурди — машхур туркман шоири, Махтумқулининг замондоши ва дўсти.

Махтумқули:

— У нимадир, дарвозасиз қалъадир?
 У нимадир, деразасиз бинодир?
 У нимадир, бир-биридан аълодир?
 Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар бер.

Дурди шоир:

— У кўнгилдир, дарвозасиз қалъадир,
 У қабрдир, деразасиз бинодир,
 У ой-кундир, бир-биридан аълодир,
 Биздан салом бўлсин, жавоб шундайдир.

Махтумқули:

— У нимадир, емадилар, тўйдилар?
 У нимадир, қиёматга қўйдилар?
 У ким эди, товонидан сўйдилар?
 Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар бер.

Дурди шоир:

— У дийдордир, емадилар, тўйдилар,
 У намоздир қиёматга қўйдилар,
 Насимийни¹ товонидан сўйдилар,
 Биздан салом бўлсин, жавоб шундайдир.

¹ Улуғ озарбайжон шоири Имомиддин Насимий (1370—1417). Миср султони Муайяддин дахрийликда айблаб, тириклай терисини шилдирган.

Махтумқули:

— У нимадир, етти ўлкани кезар?
У нимадир, белин бир нарса эзар?
У нимадир, одам мисоли сезар?
Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар бер.

Дурди шоир:

— У чўпондир, етти ўлкани кезар,
У қўй-қўзи, белини таёқ эзар,
Бедов отлар одам мисоли сезар,
Биздан салом бўлсин, жавоб шундайдир.

Махтумқули:

— У кимлардир, тупроқ каби суринмас?
У нимадир, одамларга кўринмас?
У нимадир, бирор тўнга ўранмас?
Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар бер.

Дурди шоир:

— Эранлардир¹, хор-зор бўлиб суринмас,
У балодир, келса, кўзга кўринмас,
Ёлғон суҳбат бирор тўнга ўранмас,
Биздан салом бўлсин, жавоб шундайдир.

¹ Эран — ориф, авлиё.

Адабий-бадиий нашр

Тафаккур тухфалари

МАХТУМҚУЛИ

ҲИКМАТЛАР

*Мухаррир Алишер Саъдулла
Бадиий муҳаррир Ж. Адилов
Техник муҳаррир Д. Габдрахманова
Кичик муҳаррир Д. Холматова
Мусахҳих С. Салоҳутдинова
Компьютерда саҳифаловчи Ф. Тугушева*

Нашриёт лицензияси АІ № 158, 14.08.09.
Босишга 2013 йил 8 апрелда рухсат этилди.

Офсет қоғози. Бичими 70×90^{1/32}.

«Peterburg» гарнитураси.

Офсет босма усулида босилди.

Шартли босма табоғи 9,07.

Нашр табоғи 7,98. Адади 2000 нусха.

Буюртма № 13-40.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz